

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУХАММАД АЛ ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ПОЧТА АЛОҚАСИ ТЕХНОЛОГИЯСИ”
йўналиши**

**“ПОЧТА АЛОҚАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

ТОШКЕНТ - 2018

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИР ЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУХАММАД АЛ ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**“ПОЧТА АЛОҚАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ”
модули бўйича**

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ - 2018

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 201_ йил _____даги _____-сонли буйруғи
билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: ТАТУ, «Почта алоқаси технологияси»
кафедраси доценти, и.ф.н.

З.М. Отақўзиева

Ўқув -услугий мажмуа Мухаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент
ахборот технологиялари университети Кенгашининг қарори билан
нашрга тавсия қилинган (20_ йил _____даги _____ - сонли баённома)

МУНДАРИЖА

1

Ишчи дастур

2

Модулни
ўқитишда
фойдаланиладиган
интерфаол таълим
методлари

3

Назарий
материаллар

4

Амалий
машғулот
материаллари

5

Кейслар банки

6

Мустақил
таълим
мавзулари

7

Глоссарий

8

Адабиётлар
рўйхати

I. БЎЛИМ

ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **“Почта алоқасини ташкил этиш”** модулининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

“Почта алоқасини ташкил этиш” модулининг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

- **“Почта алоқасини ташкил этиш”** модули бўйича педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- ушбу фанни ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Почта алоқасини ташкил этиш” модули бўйича ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

“Почта алоқасини ташкил этиш” модули бўйича тингловчилар куйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- почта алоқасини ташкил этиш асослари;
- Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг ислоҳоти;
- почта алоқаси тармоғини оптималлаштириш вазифаларининг умумий характеристикаси;
- почта жўнатиш учун транспорт воситалари турлари ва сонини белгилаш;
- почта алоқаси объектлари ва уларнинг таснифи ва классификацияси;
- почта алоқаси хизматларини автоматлаштиришнинг техник воситасининг синфланиши ва унинг тавсифи;
- автоматлаштиришнинг комбинациялашган техник воситаси почта алоқасининг автоматлашган ахборот технологик тизимлари;
- технологик жараёнларини автоматлаштириш учун почта реквизитларини кодлаш услуги;
- замонавий ахборот технологиялар асосида почта алоқасининг янги имкониятларини *билиши* керак.

Тингловчи:

- почта ва курьерлик жўнатмаларини манзиллаш ва расмийлаштириш;
- миждозларга хизмат кўрсатиш;
- почта жўнатмалари ва буюмларини очиш;
- почта жўнатмалари ва пул ўтказмаларини қайта жўнатиш ва қайтариш;
- магистрал почта алоқасини лойиҳалаш;
- почта кутиларидан ёзма хат-хабарларни олиш бўйича почта йўналишларини тузиш;
- почтани жўнатиш режаларини тузиш;
- магистрал, вилоятчи, туманичи ва шаҳаричи почта йўналишларини ва почта жўнатиш жадвалларини тузиш;
- почта алоқасида почтага ишлов беришни автоматлаштириш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- почта алоқасида почтага ишлов беришни автоматлаштириш ва ахборотлаштириш;
- почтага ишлов бериш механизацияланган ва автоматлаштирилган технологик жараёнини штрихкод қўллаш орқали ўрганиш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- почта жўнатмаларини қабул қилиш, ишлов бериш ва етказиб бериш;
- почта алоқаси бўлимлари ва почта қутилари тармоғини ҳисоблаш;
- шаҳарда почта алоқасини ташкил этиш ва режалаштириш;
- пул ўтказмаларини қабул қилиш, ишлов бериш ва тўлаш;
- почтани жўнатиш ва алмаштириш;
- почтани етказиб беришни ташкил этиш;
- почтага ишлов бериш марказларида ахборот базалари билан ишлаш;
- алоқа бўлимларида технологик жараёнларни комплекс автоматлаштириш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			Жами	жумладан			
				Назай	Амалий машғулот	Қўчма машғулот	
1.	Почта алоқасини ташкил этиш асослари. Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг ислоҳоти.	4	4	2	2		
2.	Почтани етказиб беришни ташкил этиш.	4	4	2	2		
3.	Почта ташиш йўналишлари турлари. Почта кутиларидан ёзма хат-хабарларни олиш бўйича почта йўналишларини тузиш. Магистрал, вилоятчи, туманичи ва шаҳаричи почта йўналишларини ва почта жўнатиш жадвалларини тузиш.	4	4	2	2		
4.	Почтани етказиб беришни ташкил этиш. Почтани жўнатиш режаларини тузиш. Почтани жўнатиш ички ва халқаро режалари. Ягона почта алоқаси транспорт схемасини тузиш принциплари.	6	4	2	2		2
5.	Почта жўнатиш учун транспорт воситалари турлари ва сонини белгилаш. Почтани автомобил, темир йўл транспорти, ҳаво кемалари билан жўнатиш. Почтани почта вагонларида жўнатиш.	4	4	2	2		
6.	Почта жўнатиш учун транспорт воситалари турлари ва сонини белгилаш	2	2		2		
7.	Почта алоқаси объектлари ва пунктлари тармоғини жойлаштириш ва ривожлантириш	2	2		2		
8.	Туман почта алоқаси объектлари ва пунктлари тармоғини ҳисоблаш	4	2		2		2
Жами		30	26	10	16		4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-МАЪРУЗА.

ПОЧТА АЛОҚАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

РЕЖА:

1. Почта алоқасини ташкил этиш асослари.
2. Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг ислоҳоти.

2-МАЪРУЗА

ПОЧТАНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Режа:

1. Почтани етказиб беришни ташкил этиш.
2. Почтани жўнатиш режаларини тузиш.
3. Почтани жўнатиш ички ва халқаро режалари.
4. Ягона почта алоқаси транспорт схемасини тузиш принциплари.

3-МАЪРУЗА.

ПОЧТА ТАШИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТУРЛАРИ.

Режа:

1. Почта қутиларидан ёзма хат-хабарларни олиш бўйича почта йўналишларини тузиш.
2. Магистрал, вилоятчи, туманичи ва шаҳаричи почта йўналишларини ва почта жўнатиш жадвалларини тузиш.

4-маъруза.

ПОЧТА ЖЎНАТМАЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Режа:

1. Почтани етказиб беришни ташкил этиш.
2. Почтани жўнатиш режаларини тузиш.
3. Почтани жўнатиш ички ва халқаро режалари.
4. Ягона почта алоқаси транспорт схемасини тузиш принциплари.

5-МАЪРУЗА

ПОЧТА ЖЎНАТИШ УЧУН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ТУРЛАРИ ВА СОНИНИ БЕЛГИЛАШ.

Режа:

1. Почта жўнатиш учун транспорт воситалари турлари ва сонини белгилаш.
2. Почтани автомобил, темир йўл транспорти, ҳаво кемалари билан жўнатиш. Почтани почта вагонларида жўнатиш.
3. Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси корхоналари ва пунктлари жойлашуви ва ривожланиши

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

1-амалий машғулот. Почта алоқаси ишлаб чиқариш жараёнларини техник-иқтисодий ҳисоблаш

2-амалий машғулот. Ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш ва ишлаб чиқариш цикллари даврийлигини ҳисоблаш шакллари

3-амалий машғулот. Иш жойларини ташкил этиш ва уларнинг сонини ҳисоблаш

4-амалий машғулот. Операцион залларида иш жойларини оптимал ташкил этиш

5-амалий машғулот. Почтани жўнатиш режаларини тузиш. Почтани жўнатиш ички ва халқаро режалари

6-амалий машғулот. Почта жўнатиш учун транспорт воситалари турлари ва сонини белгилаш

7-амалий машғулот. Почта алоқаси объектлари ва пунктлари тармоғини жойлаштириш ва ривожлантириш

8-амалий машғулот. Туман почта алоқаси объектлари ва пунктлари тармоғини ҳисоблаш

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.8 балл

II. БЎЛИМ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ
МЕТОДЛАРИ

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ “SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Ўзбекистон Республикасида IPTV тизимининг ривожланиш истиқболларини SWOT таҳлилинини ушбу жадвалга туширинг.

S	Юқори сифат, юқори тезлик, интерактив хизматлар	HD форматдаги каналлар, 2 Мбит/с тезлик, элетрон телегид хизматларини жорий қилиш имкониятлари
W	Ташқи таъсирлар, транспорт тармоқларининг талаб даражада эмаслиги	Ташқи механик таъсирларга заиф, инфраструктураси яхши ривожланмаган шаҳарларда қўллай олмаслик
O	Битта оптик толадан 3та хизматни ташкил этилиши	IPTV, интернет, телефония
T	Тизим компонентлари таннархининг юқорилиги	Абонентлар интернетдан фойдаланиш даражасини оширилиши

“Ақлий ҳужум” методи

“Ақлий ҳужум” методининг моҳияти жамоа ҳамкорлиги асосида муаммони ечиш жараёнларини вақт бўйича бир қанча босқичларга (ғояларни генерациялаш, уларни танқидий ва конструктив ҳолатда ишлаб чиқиш) ажратишдан иборат.

Дарс жараёнида ақлий ҳужумдан мақсадли фойдаланиш ижодий, ностандарт тафаккурлашни ривожлантириш гарови ҳисобланади. “Ақлий ҳужум” ни уюштириш бир мунча содда бўлиб, ундан таълим мазмунини ўзгартириш жараёнида фойдаланиш билан биргаликда ишлаб чиқариш муаммоларининг ечимини топишда ҳам жуда қўл келади. Дастлаб гуруҳ йиғилади ва улар олдида муаммо қўйилади. Бу муаммо ечими тўғрисида барча иштирокчилар ўз фикрларини билдирадилар. Бу босқичда ҳеч кимнинг ўзга киши ғояларига ҳужум қилиши ва баҳолашига ҳаққи йўқ. Демак, “ақлий ҳужум” йўли билан қисқа минутларда ўнлаб ғояларни юзага чиқариш имкониятлари мавжуд бўлади. Аслини олганда ғоялар сонини қўлга киритиш асосий мақсад эмас, улар муаммо ечимини оқилона ишлаб чиқиш учунгина асос бўладилар. Бу метод шартларидан бири ҳеч қандай ташқи таъсирсиз қатнашувчиларнинг ҳар бири фаол иштироки бўлиши керак. Билдирилган ғояларнинг беш ёки олтитасигина асосий ҳисобланиб, муаммо ечимини топишга салоҳиятли имкониятлар яратади.

Шундай қилиб, “ақлий ҳужум” қоидаларини қуйидагича белгилаш мумкин:

*олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;

*иш сифатига эмас, сонига қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса, шунча яхши;

*исталган ғояларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилади;

*муаммо ечимидан узоқ ғоялар ҳам қўллаб қувватланади;

*барча ғоялар ёки уларнинг мағзи (фаразлари) қайд этиш йўли билан ёзиб олинади;

*“ҳужум”ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;

*бериладиган саволларга қисқача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.

Вазифаси. “Ақлий ҳужум” қийин вазиятлардан қутулиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлаш бир хиллилигини йўқотишга ва тенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси, муаммони ечиш жараёнида курашиш муҳитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гуруҳ (аудитория) янада жипслашади.

Объекти. Қўллаш мақсадига кўра универсал ҳисобланиб, тадқиқотчиликда (янги муаммони ечишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), ривожлантирилади (ўз-ўзини бир мунча самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни шакллантиради), асқотади.

Қўлланиш усули. “Ақлий ҳужум” иштирокчилари олдида қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилади ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қайтадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлади. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланади ва ҳужум давомида улар ташкил қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий ҳужум тугагач, муҳимлик жиҳатига кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони ечиш учун зарурлари танланади.

“Ажурли арра” методи

“Ажурли арра” методи тузилиш жиҳатдан ўзида қуйидаги босқичларни қамраб олади.

1. Топшириқни бўлиш. Топшириқ ва матнли материаллар бир нечта асосий қисмларга (ёки мавзуларга) киритилади.

2. Эксперт гуруҳлар. Қўлида бир мавзуга оид ўқув топшириқлари мавжуд бўлган талаблар мавзунини муҳокама қилиш, бошқаларга ўргатиш режасини эгаллаш учун эксперт гуруҳга бирлашадилар.

3. Бирламчи гуруҳлар. Тингловчилар ўзларининг бирламчи гуруҳларига қайтадилар ва эксперт гуруҳларда ўрганганларини ўқитишади.

“Ажурли арра” методи моҳиятига аниқлик киритиш учун баъзи бир тавсияларни ёритиш лозим.

1. Ўқитиш жараёнига бу тарзда ёндошилганда тингловчиларнинг ҳамкорликда ишлашига ва қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ахборотларни ўзлаштиришларига имкон яратилади.

2. У ёки бу фаолиятни дарсда амалга ошириш учун тингловчиларга бошланғич ахборотларни узатиш зарурияти туғилса, маъруза ўрнини боса оладиган самарали инструментарий ҳисобланади.

3. Ўқитувчи мураккаб мазмунли мавзулар бўйича тингловчиларни дарсга тайёрлаш учун олдиндан уларнинг ҳар бирига мўлжалланган алоҳида ахборотли пакет тайёрлайди. Унда дарсликдан, қўшимча тарзда газета, журнал, мақолалардан материаллар бўлиши керак.

4. Ҳар бир тингловчи 2 гуруҳ таркибида иштирок этади: дастлаб “ўз уйи” (бирламчи) гуруҳига, кейин эса “эксперт гуруҳига бирлашиб, ўқув элементларини мустақил ўрганишади. Эксперт гуруҳини тезда ташкил этиш учун тингловчилар олган ахборотли пакетларда ҳар бир мавзуга оид материаллар бир хил рангдаги қоғозларга ёзилган ёки рангли қалам билан қоғознинг бирон-бир бурчаги бўялгани маъқул.

5. Ҳар бир гуруҳда 3 тадан 5 тагача ўқувчи (ўқувчиларнинг сонига қараб) бўлиши мумкин. Ҳар бир тингловчи “ўз уйи” дагиларни қайта учрашиш жойини аниқлаб олиши керак.

6. Ўқитувчи тингловчиларни “рангли” топшириқлар асосида гуруҳга бирлаштиришни таклиф этади ва улар алоҳида мавзулар бўйича экспертга айланади. Мисол учун, “қизил”ларни аудитория хонаси охирида, “кўк”ларни эса йўлакчада учрашиш белгиланади. Ҳар бир эксперт гуруҳда 3 тадан кам тингловчи бўлмаслиги керак.

7. Гуруҳларга ахборотли пакет тарқатилади. Ҳар қайси гуруҳ турли хил материаллар тўпламини олишлари ва уларни ўқиши, муҳокама қилиши, айнан шу ахборотлар бўйича экспертга айланиши лозим, ўқув материаллари тўпламини олишлари ва уларни ўқиши, муҳокама қилиши, айнан шу ахборотлар бўйича “эксперт” бўлиши учун ўқувчиларда вақт етарли бўлиши керак. Бу учун агар материаллар мураккаб ва катта бўлса, эҳтимол, бир дарс тўлиқ талаб қилинади.

8. Тингловчиларга қуйидаги топшириқлар берилади:

-пакетдаги материалларни кунт билан ўрганинг ва муҳокама қилинг;

-бир-бирингиздан сўранг ва ўқув материалларини ҳар бирингиз тушуниб олганингизга ишонч ҳосил қилинг;

-ўз “уйингиз“ гуруҳини ўқитиш зарурлигини ҳисобга олиб, материалларнинг муҳим ўқув элементларига эътиборни қаратинг:

9. Тингловчиларнинг ўз “уйларига” қайтишларини илтимос қилинг. Ҳар ким ўз “уйи”-гуруҳига ахборот беради. Шаксиз, “уй” гуруҳида эксперт гуруҳларидан биттадан тингловчи бўлиши шарт, тингловчи ўрганиб келган материалларни ўз гуруҳи тингловчиларига ўргатиш жавобгарлигини бўйнига олиб, яна бир соат давом этиши мумкин.

10. Тингловчилар бир-бирларидан ахборотларни ўрганиб бўлишгач, ўқитувчи олдиндан режалаштирилган фаолият турини ўтказиши мумкин.

“Муаммо” технологияси

Технологиянинг мақсади: тингловчиларга ўқув фанининг мавзусидан келиб чиққан турли муаммоли масала вазиятларининг ечимини тўғри топишларига ўргатиш, уларда муаммо моҳиятини аниқлаш бўйича малакаларни шакллантириш, муаммолар ечишнинг баъзи усуллари билан таништириш ва услубларни тўғри танлашга ўргатиш, муаммони келиб чиқиш сабабларини, муаммони ечишдаги ҳатти-ҳаракатларни тўғри аниқлашга ўргатади.

Машғулотнинг ўтказиш тартиби:

Ўқитувчи тингловчиларни гуруҳларга ажратиб, уларни ўринларига жойлаштирилгандан сўнг, машғулотни ўтказиш тартиб-қоидалари ва талабларини тушунтиради, яъни у машғулотни босқичли бўлишини ва ҳар бир босқич тингловчилардан максимум диққат-эътибор талаб қилиниши, машғулот давомида улар якка, гуруҳ ва жамоа бўлиб ишлашларини айтади. Бундай кайфият тингловчиларга берилган топшириқларни бажаришга тайёр бўлишларига ёрдам беради ва бажаришга қизиқиш ўйғотади. Машғулотни ўтказиш тартиб-қоидалари ва талаблари тушунтирилгач, машғулот бошланади:

Тингловчилар томонидан машғулот учун тайёрланган кинолавҳани диққат билан томоша қилиб, унда ёритилган муаммони аниқлашга ҳаракат қилиш, хотирада сақлаб қолиш ёки дафтарга белгилаб қўйиш (агар

кинофильм кўрсатишнинг имконияти бўлмаса, у ҳолда ўқитувчи ўқув предметининг мавзуси бўйича плакат, расм, афиша ёки бир муаммо баён қилинган матн, китобдаги ўқув материалидан фойдаланиш мумкин):

*ҳар бир гуруҳ аъзолари томонидан ушбу лавҳадан (расмдан, матндан, ҳаётий воқеадан) биргаликда аниқланган муаммоларни ватман ёки форматдаги қоғозга фломастер билан ёзиб чиқилади;

*берилган аниқ вақт тугагач, тайёрлаган ишни гуруҳ вакиллари томонидан ўқиб эшиттирилади;

*ўқитувчи гуруҳлар томонидан танланган ва муаммолар ёзилган қоғозларни алмаштирган ҳолда гуруҳларга тарқатилади;

*тарқатилган қоғозларда гуруҳлар томонидан ёзилган муаммолардан ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзини қизиқтирган муаммодан бирини танлаб олади;

*ўқитувчи томонидан тарқатилган қуйидаги чизмага ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзини қизиқтирган муаммодан бирини танлаб олади;

*ўқитувчи томонидан тарқатилган қуйидаги чизмага ҳар бир гуруҳ аъзоси танлаб олган муаммосини ёзиб, мустақил равишда таҳлил этади.

“БЛИЦ ЎЙИН” методи - ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга мантиқий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, хилма хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган. Ушбу технология тингловчиларга тарқатилган қоғозларда кўрсатилган ҳаракатлар кетма кетлигини аввал яқка ҳолда мустақил равишда белгилаб, сўнгра ўз фикрини бошқаларга ўткази олиш ёки ўз фикрида қолиш, бошқалар билан ҳамфикр бўли олишга ёрдам беради.

“БУМЕРАНГ” техникаси – тингловчиларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материалларни ёддан сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрни эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча тингловчи талабаларни баҳолай олишга қаратилган. “Бумеранг” технологияси танқидий фикрлаш, мантиқли шакллантиришга, имконият яратади; хотирани, ғояларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради .

“СИНКВЕЙН” методи – таълим олувчиларни ахборотларни қисқа баён этишга ўргатади, ҳамда олинган маълумотлар устида чуқур иланишга чорлайди.

“ҚОРА ҚУТИ” методи – тингловчилар бу метод асосида ечиладиган муаммолар аниқ вазиятни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади, муаммолар сабаби йўл-йўлакай аниқланади.

“ЛОЙИҲА” методи – таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар.

Ш. БЎЛИМ

НАЗАРИЙ

МАТЕРИАЛЛАР

Ш. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-МАЪРУЗА.

ПОЧТА АЛОҚАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

РЕЖА:

1. Почта алоқасини ташкил этиш асослари.
2. Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг ислоҳоти.

Почта алоқаси бутун дунёда инсоннинг ҳар кунги ҳаёт тарзининг бир қисми ҳисобланади ва жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти учун муҳим роль ўйнайди. Почта алоқасининг самарадорлигини ишлаб чиқаришнинг нормал ишлаши ва товарлар ҳамда хизматларнинг муносабатлари, шунингдек жамият ривожланишининг замонавий босқичидаги инсоннинг ҳаёт фаолияти мумкин бўлмаган шароитларга киради. Почта товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолини боғлайди, ишлаб чиқарувчилар каби истеъмолчиларга хизмат кўрсатади, шу билан бирга иқтисодиётга, бошқарувга, шунингдек бизнесни ривожлантириш ва инсонларнинг турмуш тарзини оширишга фаол таъсир этади. Почта алоқаси хизматларининг бозори транспорт-логистик хизматлар (юк ташиш ва курьерлик почтаси қисмида), ахборот-коммуникация (почта алоқаси хизматлари янги ахборот-коммуникация: гибрид почтаси, Интернетга кира олиш ва бошқа хизматлари билан интеграцияланганлиги каби рақобатланади) ва молиявий хизматлар (пенсия ва нафақаларни тўлаш ва етказиб бериш, маиший ва бошқа тўловларни амалга ошириш) бозори билан кесишади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон почтаси уч марта ислоҳот қилинди:

1992 йилда МХДда биринчилардан бўлиб электр алоқадан ажралиб чиқди ва мустақил хизмат бўлиб фаолият кўрсата бошлади;

1997 йили Ҳукуматнинг қарорлари асосида почта алоқасининг давлат корхоналари акциядорлик жамиятларига ўзгартирилди ва таркибига 14 та ҳудудий акциядорлик жамиятлари кирган «Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси ташкил қилинди;

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги «Почта алоқаси соҳасида фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори «Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компаниясини қайта ташкил қилиш йўли билан ягона очиқ акциядорлик жамиятини яратиш ва унга барча акциядорлик жамиятларини, уларни филиалларга ўзгартириб, бирлаштириш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Аҳолининг ҳар бирига ёзма хат-хабарларни етказиб бериш сони бўйича ва почта алоқасининг кўрсатиладиган хизматлар сифати бўйича Ўзбекистон кўпгина ривожланган мамлакатлардан ортда қолмоқда, масалан, Ўзбекистонда аҳоли сонига етказиб беришнинг ўртача сони 25 йилга тўғри келади, ёзма хат-хабарларни етказиб беришнинг ўртача вақти анча катта, ривожланган мамлакатларга нисбатан - 95 фоиз хабарларни жўнатиш вақтидан бошлаб, 7 кун давомида етказиб берилади. Бироқ, почта қисқа муддатда ёзма хат-хабарларни етказиб беришни кафолатламаса, кўпгина миждозлар, ахборот алмашинувининг ишончли канали каби давлат почта хизматини кўриб чиқади.

Ушбу муаммони ҳал этиш йўлларида бири почта алоқасининг магистрал тармоғини оптималлаштириш ҳисобланади, Ўзбекистоннинг вилоят маркази ўртасида почтанинг ўтиш муддатини қисқартириш республиканинг турли вилоятларида жойлашган почта алоқасининг исталган кишилари ўртасида ўтиш вақтини мос равишда камайтиришга автоматик тарзда келтиради.

Ушбу қўлланма қисмларининг ҳар бири билан босқичма-босқич танишиш почта алоқасини ташкил қилиш бўйича масалаларнинг маъносини чуқур ўзлаштиришни талаб этади.

Ўзбекистонда Почта алоқаси Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий бутунлигини таъминлайдиган омиллардан бири бўлган фуқароларнинг манзилли мулоқотининг ягона умумқулай механизми саналади. У почта алоқаси объектларининг тақсимланган тармоғини, почта жўнатмаларини қабул қилиш, ишлов бериш ва етказиб бериш, давлат пенсиялари ва даврий нашрларни етказиб бериш учун мўлжалланган почта маршрутларини ўз ичига олади.

Мамлакатимиз почта алоқасининг миллий тармоғи географик принципи бўйича «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти (ОАЖ) томонидан ташкил қилинган ва у «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ филиалларини ўз ичига олган ҳамда уларни транспорт воситалари билан

бирлаштирадиган ягона тизимни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг миллий оператори - «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ қулай нархларда почта жўнатмаларининг барча турлари бўйича мамлакатлар билан алмашувни амалга оширади ва Умумжаҳон почта иттифоқи олдида республиканинг мажбуриятларини бажаради.

Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг тармоғи почта жўнатмалари мунтазам ташилишини таъминлайдиган 189 та туман ва шаҳар узеллари, 3017 та алоқа бўлимлари, улардан 2327 таси қишлоқ алоқа бўлимларидан иборат 14 та ҳудудий филиаллар ва ихтисослаштирилган филиаллар – «Халқаро почта»т», «Халқаро тезкор почта», «Ўзбекистон маркаси» ва «Пул ўтказмаларини назорат қилиш маркази», шунингдек 38 та авиа, 1 та темир йўл, 527 та автомобиль маршрутларини ўз ичига олган тизимдан иборат. Етказиб бериш участкалари 6879 та, шу жумладан шаҳар ва шаҳар типигадаги шаҳарча – 2466 та, қишлоқ жойларда – 4413 та ташкил қилинган. Хизмат кўрсатиладиган ҳудудда ёзма хат-хабарларни йиғиш учун 7369 та, шу жумладан қишлоқ жойларда 4542 та почта қутилари ўрнатилган (1-расм).

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Халқаро почта»т» филиали – халқаро почта жўнатмаларини қабул қилиш, ишлов бериш, жўнатиш, топшириш, почтани бириктирилган маршрутлар бўйича ташиш, транзит, чиқувчи ва кирувчи почта алмашувига ишлов бериш, шунингдек фойдаланувчиларга почта алоқасининг хизматларини кўрсатишни амалга оширувчи почта алоқасининг ихтисослаштирилган объекти.

Почта алоқаси узеллари – почта жўнатмалари, пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш), почтага бириктирилган ҳудудларда ишлов бериш ва уларнинг алмашуви бўйича ўзаро боғлиқ бўлган функциялар бажарилишини таъминлайдиган почта маршрутларининг кесишган ёки туташган пунктида жойлашган почта алоқасининг объекти. Алоқаси узеллари туманлараро, туман ва шаҳар типларига ажратилади. Туманлараро почта алоқаси узели – алоҳида шаҳар ёки вилоятнинг туман марказларида (Қорақалпоғистон Республикаси) ташкил қилинади ва ёнма-ён маъмурий туманларнинг почта алоқаси объектлари ўртасида почта ташилишини таъминлайди. Почта алоқасининг туман узели ва почта алоқасининг шаҳар узели туман марказларида ва шаҳарларда мос равишда ташкил қилинади.

Почта алоқаси бўлими (АБ) фойдаланувчиларга почта алоқаси хизматлари, хизматларнинг бошқа турларини кўрсатади ва почтага ишлов бериш ва почта алмашувини амалга оширади.

Почта алоқаси тармоғи республикаимиз почтасининг муҳим афзалликларидан биридир. Бугунги кунда филиалларда 14 000 дан ортиқ киши ишлайди, улар ҳар куни минглаб хатлар, телеграммалар, пул ўтказмалари, посилкаларга ишлов берадилар, миллионлаб обуначиларга газеталар ва журналлар, пенсия ва нафақаларни етказиб берадилар. Хизматларнинг қўшимча турлари – уй-жой коммунал хизматлар, телефон, мол-мулкни суғурталаш, лотарея билетларини тарқатиш, электрон почта ва Интернет хизматлари ва бошқалар жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Почта алоқаси миллий операторининг асосий вазифаси бўлиб турли почта жўнатмаларини жўнатувчилардан қабул қилиш, ишлов бериш, вазифаси бўйича жўнатиш ва етказиб бериш, шунингдек асосий, қўшимча ва шартномавий хизматларни аҳолига, корхоналарга ва муассасаларга кўрсатиш саналади.

Почта жўнатмалари деб Почта қоидаларига мувофиқ ўрланган ва расмийлаштирилган предметлар, шунингдек вазифаси бўйича жўнатиш ва адресатга топшириш учун почта алоқаси корхонасига топширилган босма нашрларга айтилади.

Почта жўнатмалари жойланмаси, ўлчамлари, оғирлиги ва ўрлаш хусусиятига мувофиқ қуйидаги турларга бўлинади:

- хатлар – қабул қилиш, ишлов бериш ва топширишга мувофиқ оддий, буюртмали ва қиймати эълон қилинганларга бўлинади;
- почта варақчалари – оддий ва буюртмалига бўлинади;
- бандероллар – оддий, буюртмали ва қиймати эълон қилинганларга бўлинади;
- секограммалар – оддий ва буюртмали бўлади;
- посилкалар – оддий ва қиймати эълон қилинганларга бўлинади;
- пул ўтказмалари - почта ва телеграф бўлади.

Хат – конвертда жўнатиладиган ёзма хабардир. Хатда ҳужжатлар, бадиий очик хат, фоторасмлар, чизмалар ва бошқалар жўнатилиши мумкин.

Почта варақчаси – махсус стандарт бланкида ёзилган ёки босма кўринишдаги ёзма хабардир. Ушбу бланкда газеталардан кесиб олинган кийқимлар, расмлар, фото ва бошқалар ёпиштирилган бўлиши мумкин.

Бандерол – маданий-маиший ва ишлаб чиқариш вазифали босма нашрлар, ишга оид қоғозлар, предметлари бўлган, қабул қилишда текшириш мумкин бўлган қоғоз тасмага ўралган ёки қобикқа ўровланган почта жўнатмаси.

Секограмма – очик кўринишда бериладиган, фақат кўзи ожизлар учун мўлжалланган секографик усул билан ёзилган ёзма хабарлар ва нашрлар, секография белгилари бўлган клище, товуш ёзувлари, тифлотехник воситалар жойланган почта жўнатмаси.

Посилка – сидирға (теп-текис) ўровга ўралган турли товар-моддий бойликлар жўнатиладиган қайд этилган почта жўнатмаси.


Пул ўтказмаси – қайд этилган почта жўнатмаси бўлиб, у ёрдамида жўнатувчи томонидан алоқа корхонасига киритилган пул суммасини жўнатувчи адресатнинг тўлашини топширади. Пул ўтказмасини жўнатиш усулига мувофиқ оддий (почта алоқаси тармоғидан фойдаланиб жўнатиладиган) ва тезкорга (телекоммуникация – телеграф, электрон ва бошқа тармоқларидан фойдаланиб жўнатиладиган) бўлинади.

Оддий почта жўнатмалари, хусусан хатлар, почта варақчаси ва бандероллар қвитанцияни бермасдан қабул қилинади, илова қилинган ҳужжатларга ёзилмасдан жўнатилади ва тилхатсиз адресатга топширилади. Буюртмали хатлар, почта варақчаси ва бандеролларни қабул қилишда жўнатувчига қвитанция берилади, улар олувчига имзо қўйдирилиб берилади, жўнатиш жараёнида илова қилинадиган ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Оддий посилкалар, шунингдек қиймати эълон қилинган хатлар, бандероллар ва посилкалар суғуртали тоифаларга киради, улар илова қилинган ҳужжатларда мажбурий қайд этилади, қабул қилишда қвитанция берилади, адресатга имзо қўйдирилиб берилади.

Эълон қилинган қиймат – жўнатманинг жойланмаси йўқолган ёки шикастланган ҳолатда жўнатувчига ёки адресатга тўланадиган тўловнинг миқдори. Қиймати эълон қилинган почта жўнатмаси устама тўлов билан

қабул қилиниши мумкин, яъни топширишда олувчидан устама тўлов суммаси олинади ва жўнатувчи кўрсатган манзил бўйича жўнатилади. Қиймати эълон қилинган хатлар, буюртмали хатлар ва варақчалар «шахсан кўлга топширилсин» белгиси билан қабул қилиниши мумкин.



1-расм. «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг ташкилий тўзимаси

Ўзбекистон ҳудудида жўнатиш учун мўлжалланган почта жўнатмаси ички, чет элга жўнатиладиган ёки чет элдан келадиганлари – халқаро деб номланади.

Халқаро почта жўнатмаларига жўнатмаларнинг қуйидаги турлари киради:

- хатлар (оддий, буюртмали, қиймати эълон қилинган);
- почта варақчаси (оддий, буюртмали);
- бандероллар ва «М» белгили қоғозлар (оддий, буюртмали);
- секограммалар (оддий, буюртмали);
- майда пакетлар (буюртмали);
- посилкалар (оддий, қиймати эълон қилинган);
- экспресс-почта халқаро жўнатмаси;
- электрон почта жўнатмаси;
- «Консигнация» гуруҳланган жўнатмаси.

Пул маблағлари халқаро почта ўтказмаларининг алмашуви Умумжаҳон почта иттифоқи мамлакатлари–аъзолари билан улар томонидан тузилган Битим асосида амалга оширилади.

Халқаро почта жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказма-лари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ички почта жўнатмалари учун норматив ҳужжатлар томонидан белгиланган муддатда жўнатилади ва етказиб берилади.

Халқаро почта жўнатмалари қонун ҳужжатлари ва Почта қоидаларига мувофиқ божхона назоратидан ўтиши ва божхона расмийлаштируви ўтказилиши керак.

Халқаро почта жўнатмалари дунёнинг бутун давлатларидан ер усти ва ҳаво транспорти билан жўнатилиши учун қабул қилинади.

Қиймати эълон қилинган хатлар, майда пакетлар ва посилкаларни қабул қилиш рухсат этилган мамлакатларга уларни жўнатиш учун қабул қилинади. Ушбу мамлакатлар тўғрисидаги маълумотлар Умумжаҳон почта иттифоқининг Халқаро бюро томонидан хабардор қилинади.

Халқаро почта жўнатмалари (майда пакетлар, оддий ва/ёки қиймати эълон қилинган посилкалар) учун жўнатувчи божхона декларациясини тўлдиради, уларнинг сони ҳар бир давлат учун алоҳида белгиланади. Почта алоқасидаги ишлаб чиқариш жараёни почта жўнатмаларини қабул қилиш, ишлов бериш ва адресатларга топширишда бажариладиган ишлаб чиқариш операцияларнинг йиғиндисини ўз ичига олади. Ушбу операциялар почта жўнатмалари учун хилма-хил ва турличадир, бироқ уларни бажариш учун почта жўнатмасининг олд томонида почта манзили мавжудлиги мажбурий шарти бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир жўнатма, туридан қатъи назар, баъзи мажбурий ишлаб чиқариш босқичлари орқали ўтади. Ишлаб чиқариш жараёнини етти босқичга бўлиш мумкин (2-расм).

Биринчи босқич - почта жўнатмаларини қабул қилишдир. Қабул қилиш почта кутиси орқали ва почта алоқаси объектларида амалга оширилади. Почта жўнатмаларини жўнатувчилари ва уларни қабул қилувчи алоқа ходимлари почта жўнатмаларига манзил ёзиш ва уларни ўрновлаш қоида-сига қатъий риоя қилиши, шунингдек тақиқланган предметлар жўнатилишига йўл қўймасликлари керак.

Иккинчи босқич қабул қилинган почта жўнатмаларига ишлов беришни ўз ичига олади. Ишлов бериш бўйича операциялар почта жўнатмаларининг кўчиши керак бўлган йўналишини ва жўнатишга тайёрлашни аниқлаш учун мақсад қилиб қўйилган. Асосий операциялардан бири почта жўнатмаларини йўналишлар бўйича гуруҳлаш учун манзил асосида амалга ошириладиган саралаш ҳисобланади.


Учинчи босқич - белгиланиши бўйича жўнатишдир. Ушбу босқичнинг асосий элементлари почта ва илова қилинган ҳужжатлар расмийлаштирилиши ва ишлов берилишининг тўғрилигини текшириш, почтани кузатувчи ходимларга топширилиши, почта алмашув жойигача ёки почтани жўнатувчи ва почта алмашинувини амалга оширувчи алоқа корхонасигача ташиш ҳисобланади.

Тўртинчи босқич - почтани белгиланган жойга ташиш ва зарур бўлганда йўлда унга ишлов бериш жараёнидир.

Бешинчи босқич - почта жўнатмаларини белгиланган жойларда олишни ўз ичига олади. Кирувчи почтани олишда асосий операциялар бўлиб кирувчи почта жўнатмалари ва буюмларни илова қилинган ҳужжатлар билан солиштириш, шунингдек ўрновларининг бутлигини текшириш ҳисобланади.

Олтинчи босқич - почта жўнатмаларига белгиланган жойдаги алоқа корхоналарида ишлов беришдир. Корхонада кирувчи почтага ишлов бериш жараёни кузатувчи ходимлардан уларни қабул қилишдан бошланади, бунда уларни ҳужжатлар бўйича текширилади ва ўровнинг бутлиги аниқланади. Почта жўнатмаларини топшириш корхоналари бўйича саралаш амалга оширилади.

Охирги еттинчи босқич - жўнатмаларни адресатларга топширишдир. Почта жўнатмаларини адресатларнинг уйига ва муассасаларга етказиб берилади ёки адресатлар хат-хабарларни олиш учун келадиган алоқа корхоналарида берилади.



2-расм. Почта жўнатмалари ўтишининг асосий босқичлари схемаси

2-МАЪРУЗА

ПОЧТАНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Режа:

1. Почтани етказиб беришни ташкил этиш.
2. Почтани жўнатиш режаларини тузиш.
3. Почтани жўнатиш ички ва халқаро режалари.
4. Ягона почта алоқаси транспорт схемасини тузиш принциплари.

Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси миллий операторининг ишлаб чиқариш фаолиятини характерлайдиган асосий кўрсаткичларидан бири почта алмашуви - аниқ вақт давомида белгиланиши бўйича қабул қилинган, ишлов берилган ва узатилган почта жўнатмалари сони ҳисобланади. Почта алмашуви кирувчи, чиқувчи ва транзитга бўлинади.

Чиқувчи почта алмашуви почта алоқаси хизматларининг фойдаланувчисидан белгиланиши бўйича жўнатиш учун қабул қилинган почта жўнатмаларини ўз ичига олади. Улар маҳаллий ва шаҳарлараро турларига бўлинади. Маҳаллий почта жўнатмалари бир шаҳар, туман маркази ёки шаҳар типигадаги шаҳарча ҳудудининг чегарасида, қишлоқ жойларда бир почта алоқаси объекти томонидан хизмат кўрсатиладиган ҳудуд чегарасида жўнатилади ва етказиб берилади; шаҳарлараро - кўрсатилган ҳудудлардан ташқарига жўнатилади ва етказиб берилади.

Кирувчи почта алмашуви адресатларга топшириш учун почта алоқаси объектига келиб тушадиган почта жўнатмаларидан иборат.

Транзит почта алмашуви белгиланиши бўйича ишлов бериш ва кейинчалик жўнатиш учун почта алоқаси объектига бошқа объектлардан келиб тушадиган почта жўнатмаларидан иборат.

Почта алмашувининг ҳар бир тури почта оқими - аниқ йўналиш бўйича йўлланадиган бир турдаги почта жўнатмаларининг сонини белгилайди. Почта оқими чиқувчи, кирувчи ва транзит почта жўнатмаларига бўлинади. Почта оқимлари почта алоқаси тизимининг радиал-узелли тузилмасига мувофиқ магистрал, вилоят ичидаги, туман ичидаги ва шаҳарга бўлинади. Почта оқимларининг тузилмаси, хусусияти ва миқдорий тавсифи шаҳар, туман, вилоятда ва бутун мамлакатда почта алоқаси тизимининг рационал тузилиши учун биринчи даражали қийматга эга.

Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг миллий оператори фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан яна бири **хизмат кўрсатиш сифати** ҳисобланади. У почтаамтлар, узеллар ва алоқа бўлимлари кирадиган почта алоқаси пунктлари, алмашув пунктлари, почта қутисининг зичлиги; хизмат кўрсатиш ҳудудининг радиуси ва бир алоқа пункти томонидан хизмат

кўрсатиладиган аҳоли сони; аҳоли, корхона, муассаса ва ташкилотлар учун иш режимининг қулайлиги; почта жўнатмаларига ишлов бериш, уларни жўнатиш ва адресатларга етказиб бериш учун сарфланган вақт каби кўрсаткичлари билан характерланади.

Ишлаб чиқариш жараёни бажарилиши керак бўлган чегаралардаги максимал вақт **назорат муддатини** лимит қилиб белгилайди, алоқанинг барқарорлиги ва мунтазамлиги почта жўнатмаларини етказиб бериш графиклари ва жадваллари бажарилиши ва хат-хабарни почта қутисидан чиқариб олиш билан баҳоланади. Хизмат кўрсатиш сифати почта қоидасининг талаблари бузилиши ва алоқа корхоналарининг иши юзасидан мижозлар асосланган даъволарининг сонини характерлайди.

Почта алоқасининг икки ёки бир нечта хизмат кўрсатиш пунктлари ва почта алмашуви пунктлари ўртасида почта транспортининг йўналиши почта маршрути дейилади.

Транспорт тармоқларининг асосий вазифаси почтани жўнатувчилардан олувчиларга ўз вақтида ва сифатли ташилишини таъминлашдан иборат.

Почтанинг почта маршрутлари бўйича ташилишини ташкил қилишда, авваламбор, катновнинг қисқа тармоқларини, алоқа корхоналари ўртасидаги мунтазам алоқани, шунингдек ташишларнинг тежамлилигини ҳисобга олган ҳолда, маршрутларнинг бошланғич ва охириги пунктларини аниқлаш зарур. Йўллар ва почта оқимларининг мавжудлигидан келиб чиқиб, транспорт тури ва унинг юк кўтариш қобилиятини танлаш, шунингдек почтани алмаштириш, ташиш, етказиб бериш ва чиқариб олиш даврийлиги нормативлари ва почта жўнатмаларига ишлов бериш ва уларни етказиб беришнинг асосий назорат муддатлари асосида транспорт ҳаракатини ишлаб чиқиш зарур.


Почта маршрутлари магистрал, вилоят ичидаги, туман ичидаги, шаҳар, автомобиль йўллари маршрутларига бўлинади.

Вилоятлараро ташишни таъминлайдиган транспорт тармоғининг участкаларини магистрал деб номланиши қабул қилинган. Вилоят ичидаги ёки туманлараро почта маршрутлари бир вилоятнинг вилоят ва туман марказларини боғлайди. Туман ичидаги маршрутлар туман марказини алоқа бўлимлари ёки бир туманнинг барча алоқа бўлимлари билан боғлайди. Шаҳар маршрутлари ўзаро почта алоқасининг шаҳар корхоналарини почта алоқасининг узеллари ва бўлимлари билан боғлайди, шунингдек етказиб бериш участкаларига хизмат кўрсатади. Кириш йўлка маршрутлари почта

алоқаси корхоналарини почта алмашуви амалга ошириладиган темир йўл станциялари ва аэропортлар билан боғлайди.


Почта маршрутлари тузилиш шаклига кўра, радиал, ҳалқали ва аралаш маршрутларга бўлинади.

Радиал маршрутлар – тўғри ёки эгри чизик, лекин берк бўлмаган чизик бўйича ҳаракатланадиган транспорт маршрутидир. Худди шундай маршрутларда почта жўнатмалари ўтишининг энг катта тезлигига эришилади, чунки почта тўғри йўналишлар каби тескари йўналишларда транспорт ҳаракатидаги маршрутда алмашади (3-расм).




3-расм. Радиал маршрут

Айланма почта маршрутлари – берк чизик, яъни ҳалқа бўйлаб ҳаракатланадиган транспорт маршрутларидир (4-расм).



4-расм. Ҳалқали маршрут

Аралаш почта маршрутлари радиал ва ҳалқали маршрутларнинг бирикишидан иборат, уларни радиал-ҳалқали маршрутлар ҳам дейилади. Транспортнинг ҳаракатланиши бундай маршрутларнинг бир участкаларида радиус бўйича, бошқасида - ҳалқа бўйича амалга оширилади (5-расм).



5-расм. Аралаш маршрут

Почта маршрутларининг узилиш тизимини танлашда қатнов йўлларининг хусусияти, почта жўнатмаларининг тезлик билан ҳаракатланишига эришиш, транспортдан самарали фойдаланиш ва пул маблағларини оқилона сарфлаш ҳисобга олинади.

Почта маршрутларида транспорт турлича – тўғридан-тўғри, қарши ва эстафета ҳаракатланиши ташкил қилинади.

Тўғридан-тўғри ҳаракатланиш йўлда транспортни алмаштирмасдан маршрутнинг бошланғич пунктдан охиригича амалга оширилади. Бундай ҳаракатланиш почта жўнатмаларининг максимал тезлигини таъминлайди, чунки йўлда почта ҳар хил юкланишларининг олди олинади. Транспортнинг тўғридан-тўғри ҳаракатланиши, одатда, автомобиль транспорти бир томон йўналиши бўйича йўлда бўлиш вақти 10-12 соатдан ошмайдиған масофадаги маршрутларга белгиланади.

Транспорт қарши ҳаракатланишда йўналишнинг бошланғич ва охиригича пунктларидан бир-бирига қараб ёки маршрутда жойлашган бошланғич пунктдан ва оралиқ алоқа бўлимидан йўналишда жўнатилади. Бундай ҳаракатланишда йўналишнинг бошланғич ва охиригича пунктларидан транспортни жўнатиш муддати почта оралиқ алмашув пунктига келиб, кечиктирмай жўнатилиши ҳисобга олинishi билан келишилган бўлиши керак. Қарши ҳаракатланиш, асосан, катта масофадаги маршрутларда ташкил қилинади.

Эстафета ҳаракатланиши бошланғич пунктдан транспорт маршрутнинг охиригача эмас, балки почта транспортнинг бошқа турларига юкланадиган оралиқ пунктларнинг биригача ҳаракатланади.

Почта маршрутлари бўйича почта алоқаси корхонасининг идоравий транспорти, турли мулкчилик шаклдаги жисмоний ва юридик шахсларнинг умумий фойдаланишдаги транспорти, шу жумладан рейс йўловчи автобуслари, шунингдек жисмоний шахсларнинг ижара транспорти билан почта ташилади.

Почтани ташиш учун транспортни танлашда транспортнинг тезлик нормативлари ва фойдаланишдаги тежамкорлиги ҳисобга олинади.

Автомобиль типини танлаш учун дастлабки маълумотлар бўлиб почтанинг сони, автотранспортдан фойдаланиш шартлари, хусусан - йўл қопламалари, алмашув сони - тўхташлар, метео шароитлар, шунингдек фойдаланилаётган автомобиль типлари саналади.

Почта жўнатмаларини турли транспортда ташишда транспорт воситаларининг ҳаракатланиш жадвали қатъий келишилиши талаб қилинади. Бунда асос қилиб магистрал транспортининг ҳаракатланиш жадвали қабул қилинади, унга бошқа маршрутлар бўйича транспорт воситаларининг ҳаракатланиш жадвали мувофиқлаштирилади.

Почтали транспортнинг ҳаракатланиш жадвалини ишлаб чиқишда транспортнинг асосий тури алмашув пунктлари орқали ўтиш вақти, почта алмашув даврийлигининг нормативлари, почта жўнатмалари почта алоқаси корхоналарида ишлов беришнинг белгиланган назорат муддатлари, транспорт воситалари ҳаракатланишининг белгиланган тезлиги ва почта жўнатмаларининг айрим маршрутлардаги оқими ҳисобга олиниши керак.

Почтали транспортнинг почта йўналишлари бўйича ҳаракатланиш даврийлиги почта алмашуви, уни ташиш, етказиб бериш, хат-хабарларни почта қутисидан олиш даврийлигининг нормативлари, почта жўнатмалари ва даврий нашрларга ишлов бериш ва етказиб беришнинг асосий назорат муддатларига мувофиқ белгиланади.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикасида почта алоқасини ташкил қилиш тўғрисида тўлиқ тасаввурни ўз ичига олган 4 та бобдан иборат.

ПОЧТА АЛОҚАСИДАГИ ТРАНСПОРТ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРНИ.
ПОЧТА АЛОҚАСИДА ПОЧТАНИ ТАШИШ УЧУН
ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ТРАНСПОРТ ТУРЛАРИ ВА
ВОСИТАЛАРИ

Транспорт жараёнлари почта алоқасининг бутун ишлаб чиқариш жараёнининг асосий ва ажралмас қисми ҳисобланади. Почта транспорти алоқа корхоналарининг бутун шахобланган тармоғини ягона тизимга боғлайди. У почта алоқасининг асосий вазифаси – почта жўнатмаларини жўнатувчидан адресатгача аниқ, узлуксиз ва ўз вақтида жўнатилишини, демакки, аҳоли, давлат бошқаруви органлари ва иқтисодиёт соҳаларига юқори сифатли хизмат кўрсатишни бажаришда ҳал қилувчи бўғин ҳисобланади. Бизнинг мамлакатимизда почта алоқалари тизими барча турдаги транспортдан фойдаланиш асосида қурилади.

Почта алоқаси объектлари почта жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш учун уларга тегишли бўлган транспорт, почта вагонлари, автомобиллар, шунингдек шартнома асосида юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспортдан фойдаланадилар. Почта жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш учун фойдаланиладиган почта алоқаси объектларининг транспорт воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус фарқлаш белгиларига эга бўлишлари мумкин. Почта жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш учун фойдаланиладиган почта алоқаси объектларининг транспорт воситаларидан уларнинг розилигисиз фойдаланилиши ва бошқа ишларни бажариш учун олиними мумкин эмас.

Почта алоқалари тизимида магистрал, вилоят ичи, туман ичи ва шаҳар маршрутлари бўйича почтани ташиш учун фойдаланиладиган автомобиль транспорти муҳим ўрин эгаллайди. Ёзма хат-хабарлар ва матбуот нашрларининг тезроқ ўтиши мақсадида авиация транспортдан фойдаланилади. Халқаро авиапочта ташишлари анча ривожланяпти. Кўп мамлакатлар билан авиапочта алоқалари ўрнатилган. Автомобиль ва ҳаво транспорти билан бир қаторда темир йўл транспортдан фойдаланилади.

Мунтазам шаҳарлараро ва халқаро пассажир ҳамда юк ташишни бажарадиган темир йўл, ҳаво ва автомобиль транспортининг хўжалик юритувчи субъектлари почта жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш учун шартномалар тузишда почта алоқаси объектларига рад жавобини беришга ҳақли эмаслар.

Почта жўнатмалари ва пул маблағларини ташиш учун фойдаланиладиган почта алоқаси объектларининг транспорт воситалари шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва бошқа аҳоли яшайдиган пунктларнинг кўчалари бўйлаб, автомобиль йўлларига ва почта алоқаси объектларига, автомобиль, темир йўл вокзаллари ва аэропортлар қошида жойлашган юк (багаж) комплексларига ҳеч қандай қаршиликсиз ўтиш ҳуқуқига эгадир.

Шаҳарлараро ва туман ичи маршрутлар бўйлаб юрадиган умумфойдаланадиган пассажир автобусларида фақат ёзма хат-хабарли қопларни, босма нашрлар солинган қоплар ва боғламларни жўнатишга рухсат берилади. Босма нашрлар солинган қоплар ва боғламларни ҳамда ёзма хат-хабарли қопларни ташиш почта алоқаси ходими ва автобуслар ҳайдовчи (чиптачи)лари кузатувида амалга оширилади. Шаҳарлараро ва туман ичи маршрутларида қатнайдиган умумфойдаланадиган пассажир автобусларида суғуртали почта жўнатмаларини ташиш алоҳида ҳолларда махсус ажратилган почта алоқаси ходими кузатувида йўл қўйилади.

ПОЧТА АЛОҚАСИНИНГ ЯГОНА ТРАНСПОРТ СХЕМАСИНИ ҚУРИШ ПРИНЦИПЛАРИ. ПОЧТАНИ ЙЎНАЛТИРИШ РЕЖАЛАРИ

Ўзбекистонда почта алоқаларини ривожлантириш уларни ташкил этишнинг тўғри методларини ишлаб чиқиш ва барча турдаги транспортдан энг самарали фойдаланишни талаб этади. Почта алоқасининг ягона транспорт схемасини куриш асосида қуйидаги принциплар бўлиши керак:

газеталар ва ёзма хат-хабарлар ўтиши, ишлов берилиши ва етказиб беришнинг назорат муддатларини бажариш;

алоқа амал қилишининг барқарорлиги ва доимийлигини таъминлаш;

почта жўнатмаларини ташиш учун транспортнинг барча турларидан комплекс фойдаланиш;

почта алоқаларининг тежамкорлиги.

Почта алоқаларини жўнатишни ташкил қилишга алмашув назрузкаси ва оқимлари катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун жойларда тизимли равишда ўтказиладиган алмашув оқимларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Магистрал алоқа йўллари бўйича оқимлар «Ўзбекистон почтаси» очик

акциядорлик жамияти томонидан ўрганилади ва умумлаштирилади. Почта нагрукаси ва оқимларини ўрганиш қандай транспорт воситаларидан фойдаланиш кераклиги, почта ҳаракатини тезкор тартибга солиш, почта оқимларининг тезроқ ўтиши мақсадида уларни йўналтириш зарур бўлган йўлларни аниқлаш имконини беради.

Бу асосий талабларни бажаришга почта йўналишининг оптимал вилоят ва батафсил режаларини тузиш, почта маршрутларини рационал куриш, транспорт воситаларининг барча турларидан фойдаланиш, почта транспорти ҳаракатининг графиклари ва жадвалларини ишлаб чиқиш йўли билан эришилади.

Почта жўнатмаларининг тезроқ ўтиши мақсадида почта йўналишлари режалари тузилади, улар почта жўнатмалари турларини Ўзбекистоннинг исталган аҳоли яшайдиган пунктдан мамлакатимизнинг исталган аҳоли яшайдиган пунктига ва чет элга ўтиш тартибини белгилайди. Уларда почта алоқаси объектдан қайси боғламалар ва қандай транспорт орқали почта йўналиши кераклиги кўрсатилади, улар почта алоқаси объектларининг ишини мувофиқлаштириш имконини беради.

Йўналиш режаси барча турдаги почтанинг ўтиш йўлларини белгилайдиган асосий ҳужжат ҳисобланади. Бу режалар ёрдамида қатнов йўллари ва транспорт воситаларидан комбинацияланган ва энг рационал фойдаланишга эришилади. Йўналиш режаларини тузишда почтани қайта юклаш пунктларида транспортнинг келиш ва жўнаш вақтининг мувофиқ келиши ҳисобга олинади.

Почта йўналиши режаларини тузиш учун асосий қўлланмалар бўлиб, почта ташиладиган, почта вагонлари бўлган поездлар, самолётлар ҳаракатининг схемаси ва жадвали ҳисобланади.

Почта йўналиши режалари вилоят ва батафсил режаларга бўлинади. **Вилоят режалари** почта алоқаси вилоят боғламаларидан почтанинг йўналиши тартибини белгилайди. Почта йўналишининг вилоят режаларини ишлаб чиқишда қуйидагилар ҳисобга олинади:

ҳар бир магистрал бўйича автомобиллар сони;

транспортнинг ташиш қобилияти, бошланғич ва оралик пунктларда уларни босма нашрлар ва ёзма хат-хабарлар билан юклаш;

почтамтлар ва ПТБларнинг ўтказиш қобилияти;

посилкалар ва суғурта почтасининг режалаштирилаётган оқими.

Почта йўналишининг **батафсил режалари** барча ПТБ (ТЙҚП) учун, почта вагонлари, автомобиллар, самолётлар билан бевосита почта алмашувини амалга оширадиган барча почта алоқаси объектлари учун ишлаб чиқилади.

Почта йўналишининг батафсил режалари ер усти транспорти каби, ҳаво транспорти орқали жўнатиладиган почта жўнатмаларининг ҳар бир тури: ёзма хат-хабарлар, босма нашрлар, посилкалар, суғуртали ва халқаро почта учун алоҳида тузилади.

Йўналишлар режаларини тузиш учун асос бўлиб, Ўзбекистон темир йўллари бўйлаб поездлар ҳаракатининг схемалари, автомобиль маршрутлари, почта вагонлари маршрутларининг рақамларини кўрсатган ҳолда республика вилоятлари рўйхати ва почта вагонлари билан почта алмашувини амалга оширадиган почта алоқаси объектлари рўйхати, мамлакат авиалиниялари схемаси хизмат қилади.

Ёзма хат-хабарлар йўналишининг асосий принципи унинг тезроқ ўтишини таъминлайдиган жўнатиш йўлларини танлаш ҳисобланади.

Посилкаларни жўнатишда уларга ишлов бериш учун катта майдонлар ва кўп меҳнат сарфлари, ташиш учун эса – транспортнинг етарлича ташиш қобилияти талаб этилишидан келиб чиқилади. Шунинг учун посилкаларни йўналтиришда йўлда ўта юкланмасликка ҳаракат қиладилар.

Ҳозирги вақтда ЭҲМ ёрдамида ёзма хат-хабарлар йўналишининг оптимал режаларини тузиш имконини берадиган ЭММ ишлаб чиқилган.

Ҳаракатни ташкил этишнинг энг муҳим элементларидан бири **почта маршрутларини паспортлаштириш** ҳисобланади. Ҳар бир маршрут учун паспорт тузилади, унда йўлнинг аҳволи, маршрутнинг амал қилиш вақти, узунлиги, ҳаракатланиш частотаси ва маршрутга қайси турдаги транспорт хизмат кўрсатаётганлиги кўрсатилади. Паспорт маълумотлари ташишлар ҳажмини босиб ўтилган йўл километрларида аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Транспорт воситалари ишлашининг тартиби, почта келиши ва жўнатилиши муддатлари ҳаракатланиш графиклари ва жадваллари билан белгиланади.

Графиклар алоқа корхоналари ва почта транспортининг ишини ўзаро боғлаш имконини беради, бу почта жўнатмаларининг тезроқ ўтишини таъминлашнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланади.

Улар ташқи транспортнинг келиши ва жўнатилиши жадвали, почта жўнатмаларига ишлов бериш ва ҳаракатининг назорат муддатлари, транспорт воситалари ҳаракатининг ва почта алмашуви учун белгиланган вақт тезлиги асосида курилади.

Почта жўнатмаларини транспортнинг ҳар хил турлари орқали ташишда транспорт воситалари ҳаракати жадвалининг қатъий келишилганлиги талаб этилади. Бунда транспорт воситаларининг вилоят ичи, туман ичи, шаҳар ва шохобча почта маршрутлари бўйича транспорт воситалари ҳаракатининг жадвали тўғриладиган магистрал транспорти (темир йўл, ҳаво, автомобиль)нинг ҳаракати жадвали асос қилиб олинади. Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ (21-модда) мунтазам шаҳарлараро ва халқаро пассажир ҳамда юк ташишларни бажарадиган темир йўл, ҳаво ва автомобиль транспортининг хўжалик юритувчи субъектлари почта жўнатмаларини ташиш учун шартномалар тузишда почта алоқасининг операторларига рад жавобини беришга ҳақли эмас.

Почтали транспорт ҳаракати жадвалини ишлаб чиқишда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш зарур:

транспорт асосий тури (темир йўл, ҳаво, автомобиль)нинг алмашув пунктлари орқали ўтиш вақти;

алмашув пунктлари орқали ва почта ташишнинг ўтиш нормативлари, почта алоқаси объектларида почта жўнатмаларига ишлов беришнинг назорат муддатлари;

транспорт воситалари ҳаракатининг белгиланган тезликлари;

алоҳида маршрутларда йиғилган почта жўнатмалари оқимлари.

Почта маршрутлари бўйича почта юкланган транспорт ҳаракатининг частотаси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан тасдиқланган алмашув, ташиш, почтани етказиб бериш, ёзма хат-хабарларни почта қутисидан олиш частотаси нормативлари, почта жўнатмалари ва даврий матбуотга ишлов бериш ва уларни етказиб беришнинг асосий назорат муддатларига мувофиқ белгиланади.

Транспорт ҳаракатини назорат қилиш

Маршрутнинг бошланғич оралиқ ва охириги пунктлари почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари ва объектлари (почта алоқаси боғламалари, почтамактлар)нинг махсус ажратилган ходимлари почта юкланган транспорт ҳаракатининг белгиланган жадвали қатъий бажарилишининг доимий назоратини амалга оширишлари керак.

Почта юкланган транспорт жадвалда белгиланган вақтда келмаган ҳолда почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки объектининг махсус ажратилган ходими дарҳол телефон орқали маршрут бўйича қўшни бўлган почта алоқаси объектдан почта юкланган транспортнинг жўнаган вақти тўғрисида сўраши ва айни вақтда бўйсунганлик бўйича раҳбарга дарҳол етказиши керак.

Агар почта юкланган транспорт жадвалга мувофиқ тайинланган жойига жўнатилган бўлса, жўнатиш ва қабул қилиш пунктлари почта алоқаси ҳудудий ташкилоти ёки объектининг раҳбари ушланиб қолиш сабабларини аниқлаштириш ва почтанинг тезроқ ўтиши учун амалий ёрдам зарур бўлган ҳолларда чоралар кўради.

Агар почта юкланган транспорт жадвалда белгиланган вақтга нисбатан кечикиб келган бўлса, бу ҳақда почта ташишлари бўйича 24-шаклдаги маршрут юкхатида қайд этилади.

Почта келадиган транспорт бузилганда, оралиқ почта алоқаси объектининг раҳбари почтанинг сақланиши ва маршрут бўйича яна жўнатилишини таъминлаш чораларини кўриши ва кўрилган чоралар тўғрисида телефон орқали бошланғич пункт почта алоқаси объектининг раҳбарига хабар қилиши керак.

Маршрутнинг бошланғич пункти почта алоқаси объекти, Халқаро почтамактнинг махсус ажратилган ходими почта ташишлари учун 24-шаклдаги маршрут юкхатларини кўриш билан почта юкланган транспорт ҳаракати жадвалининг бажарилиши ҳар куни назорат қилиши ва барча қоидабузарликлар тўғрисида чоралар кўрилиши учун почта алоқаси объекти, Халқаро почтамактнинг раҳбарига дарҳол хабар бериши керак.

Жадвалда кўзда тутилган магистрал почта маршрути бўйича почта жўнатилмаганда тегишли почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖга дарҳол телеграммалар юборилади. Туманлараро ва туман ичи почта маршрутлари бўйича почта жўнатилмаганда

бўйсунганлик бўйича ҳудудий почта алоқаси ташкилотига телеграмма юборилади. Телеграммаларда маршрутларнинг номлари, улардаги почта алоқаси объектларининг сони, жўнатилмаганлик санаси ва сабаби, кўрилган чоралар кўрсатилади.

Жадвалда кўзда тутилган почта транспортининг жўнатилмаганлиги ёки анча ушланиб қолганлиги тўғрисида телеграф (телефон) орқали у билан почта алмашувини амалга оширадиган барча почта алоқаси объектларига хабар қилинади. Хабарда маршрут санаси, номи, почтанинг жўнатилмаганлиги сабаби ва унинг ўтишини таъминлаш учун қандай чоралар кўрилганлиги кўрсатилади.

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ПОЧТА ТАШИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ

Автомобиль транспорти почта транспортининг асосий тури бўлиб ҳисобланади ва шаҳар ичи, туман ичи, шохобча, вилоят ичи ва магистрал маршрутларда фойдаланилади.

Почта алоқаси автомобиль транспортини эксплуатация қилишнинг хусусияти бўлиб, алоқа органлари учун қулай бўлган исталган вақтда уни жўнатиш имконияти, шунингдек алоқа корхоналари билан бевосита алмашув, бу почтани қайта юклашнинг қўшимча босқичларини четлаб ўтиш имконини беради.

Шунингдек, ҳаракатланиш составининг юқори ҳаракатчанлиги, юк кўтариш бўйича автомашиналар турларининг ҳар хиллиги, машиналар кузовларининг почта ташишлари талабларига мослашиши, нисбатан юқори тезликни автомобиль транспортининг афзалликларига киритиш мумкин.

Почтани ташиш алоқа корхоналари томонидан тузиладиган ҳаракатнинг тасдиқланган маршрутлари ва графиклари бўйича амалга оширилади.

Почтани ташиш учун автомобиль транспортдан рационал фойдаланиш кўп ҳолларда автомобиль турини тўғри танлай олишга, яъни унинг эксплуатация қилиш шароитларига мувофиқлигига боғлиқ.

Автомобиллар турларини танлашда ташишлар характери (шаҳар, вилоят ичи, туман ичи ва бошқа маршрутлар), юкланиш ҳажми, йўлларнинг аҳволи,

ташилаётган почта жўнатмаларининг сақланишини таъминлаш ҳисобга олиниши керак. Почта ёпиқ ва қулфланадиган кузовли, бойликлар учун қулфланадиган сандиқлар билан жиҳозланган автомашиналарда ёки контейнерларда, от-улов транспортдан фойдаланганда эса – почтанинг бутлигини таъминлайдиган араваларда ташилади. Агар почта очик кузовли автомашинада ёки очик аравада ташилса, у ҳолда у зич қилиб тахланади, брезент билан ёпилади ва шундай боғлаб қўйиладики, унинг йўлда бутлиги ҳамда чанг ва намликдан сақланиши таъминланади.

ТЕМИР ЙЎЛЛАР БЎЙЛАБ ПОЧТА ТАШИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Почта вагонлари катта юк кўтариш қобилиятига эга, ташилаётган бойликлар ва почта жўнатмаларининг сақланишини таъминлайдилар; вагонларда сайёр бригадаларнинг ишлаши учун керакли қулайликлар мавжуд. Почта вагонлари билан почта алмашувини почта алоқаси объектлари амалга оширадилар. Почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари поездлар ҳаракатининг янги жадвали киритилишидан бир ойдан кечиктирмасдан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ билан келишувга кўра бўйсундирилган почта алоқаси объектлари қайси поездлар билан почта алмашишларини белгилайдилар ва бу тўғрисида ихтиёрида почта вагонларининг бригадалари бўлган Халқаро почта ташкилотига хабар берадилар.

Халқаро маршрутларнинг почта вагонлари билан почта алмашиш тартиби Умумжаҳон почта иттифоқи ҳужжатлари, Халқаро почтани қабул қилиш ва жўнатиш қоидалари, халқаро почта алмашуви пунктлари ва почта қоидалари билан тартибга солинади.

Алмашув пункти мавжуд бўлган пунктларда почта вагонлари билан бевосита почта алмашувини шаҳар алоқа бўлимлари амалга оширмайдилар, балки уни топширадилар ва почта алоқасининг алмашув пункти орқали оладилар.

Ишнинг катта ҳажмига эга бўлган почта алоқасининг объектлари почта вагонлари билан алмашув учун камида иккита алоқа ходимини ажратадилар. Почта-багаж поездларининг почта вагонлари билан почтани алмашиш учун поезд турган вақти ичида барча вагонлар билан алмашувни таъминлаш учун етарли бўлган миқдордаги алоқа ходимлари ажратилади.

Аввал почта почта вагонидан берилади, кейин эса, қабул қилинади. Поезднинг туриш вақтининг давомийлиги 5 минут ва ундан кам бўлган пунктларда алмашув почта билан келган алоқа ходимининг почта вагонига кирмасидан амалга оширилади.

Ёзма хат-хабарлар ва газеталар пассажир вагонларининг купеларида, тез юрар ва пассажир поездларининг багаж вагонларида, шунингдек умум фойдаланиладиган автобусларда жўнатилиши мумкин.

Кичик иш ҳажмига эга бўлган маҳаллий линияларда почта пассажир вагонларининг купеларида бир ёки иккита алоқа ходимлари кузатувида ташилиши мумкин. Юк багаж билан ёзма хат-хабарлар ва газеталарни режага кўра жўнатилишини ўрнатиш тўғрисида жўнатиш пунктларининг почта алоқаси объектлари олиш пунктларига олдиндан хабар беришлари керак. Агар қандайдир сабабларга кўра ёзма хат-хабарлар юк багаж билан жўнатилмаган ёки режадан ташқаридаги поезд орқали жўнатилган бўлса, жўнатиш пунктларининг почта алоқаси объектлари бу тўғрисида телеграф (телефон) орқали хат-хабарлар ва газеталарни режа бўйича жўнатиш белгиланган тегишли тайинланган пунктга хабар беришлари керак. Юк багаж билан жўнатилган почта ва огоҳлантирувчи телеграмма (телефонограмма) олинмаганда, бу тўғрисида телеграф (телефон) орқали почтани юк багаж билан жўнатаётган почта алоқаси объектига хабар берилади.

Ҳаракатланиш тезлигига кўра пассажир поездлари тез юрар, пассажир, юк-пассажир ва почта-багаж поездларига, бориш масофасига боғлиқ равишда эса – узоқ, маҳаллий ва шаҳар чети поездларига ажратилади. Ҳар бир тоифадаги поездлар ҳаракатланишнинг турли тезликларига эга, станцияларда тўхташларнинг турли миқдори ва давомийлигига эга.

Почта вагонлари, одатда, тўхташларнинг кўп сонига эга бўлган пассажир поездлари таркибига киритилади.

Темир йўллар бўйлаб почта ташиш масалаларини тартибга соладиган ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилайдиган асосий ҳужжат бўлиб, Почтани ташиш ва темир йўлларда почта вагонларини эксплуатация қилиш қоидалари ҳисобланади.

Қоидалар билан темир йўллари бўйлаб почтани почта вагонларида ташиш каби, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК вагонларида ташиш тартиби, почта вагонларини таъмирлашга қараш тартиби, темир йўллари бўйлаб почтани ташиш учун тарифлар ва ҳисоб-китоблар, почта вагонларини назорат

килиш, шунингдек икки муассаса ташкилотларининг бу қоидаларнинг бажарилиши учун жавобгарлиги белгиланган.

Почта вагонларида почтани ташиш Ўзбекистон Республикаси темир йўлларининг барча линиялари бўйлаб амалга оширилади.

Почта вагонларида ва бошқа вагонларнинг махсус мослаштирилган жойларида ташиладиган почта алоқа ходимлари томонидан кузатилади. Оддий багаж вагонларида почта алоқа ходимларининг кузатуви билан ҳам, кузатувисиз ҳам ташилади.

Таркибига почта вагонлари киритиладиган поездлар рўйхати «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК билан келишувга кўра «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан белгиланади. Таркибига почта вагонлари киритилган поездлар ҳаракати жадвалининг ўзгариши ҳоллари тўғрисида «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК янги жадвал киритилишигача 5 кундан кечиктирмасдан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖга хабар қилади.

Почта алмашуви поезднинг жадвал бўйича керакли туриш вақтида амалга оширилади. Почтанинг тайёр эмаслиги туфайли поездларнинг ушланиб қолишига йўл қўйилмайди.

Почта ва бошқа вагонларда Умумжаҳон почта иттифоқи ҳужжатлари ва почта алоқаси тизимида амал қиладиган норматив ҳужжатларга мувофиқ жўнатиш учун қабул қилинган почта ташилади.

Поездлар ҳаракатининг хавфсизлиги мақсадларида почтанинг умумий оғирлиги вагоннинг юк кўтара олиш қобилиятидан ошмаслиги керак. Темир йўл вакили почтанинг оғирлигини вагон тарозисида текшириш ва белгиланган нормадан ошадиган ортиқча почтани вагондан туширишни таклиф этиш ҳуқуқига эга.

Почта вагонларини жўнатиш белгиланган тартибда темир йўл ходимлари томонидан расмийлаштирилади.

Багаж вагонларда почта почта ходимлари кузатувисиз қопларга жойланган ҳолда ташилади.

Багаж билан жўнатиш учун почта поезд бошланғич станциядан жўнаб кетишидан 30 минут олдин, оралиқ станцияларда - поезд келишидан 30 минут олдин етказилиши керак.

Алоҳида ҳолларда, бир маротаба тартибда, почтани ташиш учун юк вагонларидан фойдаланиш мумкин.

Йўлда кузатиш, қўриқлаш, ишлов бериш ва алмашиш учун почта вагонлари ва пассажир поездларининг махсус мослаштирилган жойларида кетиш «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан берилган бўйича сайёр бригаданинг ишчиларига рухсат берилади.

Сайёр бригада ишчилари таркибига: почта вагонининг бошлиғи, вагон бошлиғининг ёрдамчилари, проводник-электрмонтёр, сараловчилар киради.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Ўзбекистон Республикаси темир йўллари техник эксплуатация қилиш талабларига мувофиқ почта вагонларини соз ҳолатда ушлаши керак. Почта вагонлари составларнинг белгиланган схемаларига мувофиқ поездлар таркибига киритилади. Почта-багаж поездларини шакллантириш схемаларини ўзгартириш «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ билан келишув бўйича амалга оширилади.

ҲАВО ТРАНСПОРТИ ОРҚАЛИ ПОЧТА ТАШИШНИ

ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Почта алоқасининг асосий вазифаси – почта жўнатмаларининг ўтишини максимал даражада тезлаштириш билан боғлиқ ҳолда почтани, айниқса, газеталар ва ёзма хат-хабарларни ташиш учун авиатранспортдан фойдаланиш масаласи истиқболли ҳисобланади.

Тўловидан қатъи назар, ёзма хат-хабарларни ташиш учун ер усти транспорти орқали жўнатишга нисбатан унинг ўтишини бир кеча-кундуз ва ортиқ вақтга тезлаштириш ва белгиланган жойларга етказиб бериш шarti билан ҳаво транспортдан фойдаланилади.

Авиакорхоналар ва почта алоқаси объектларининг почта ташишдаги ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг почтасини ҳаво линиялари бўйлаб ташиш қоидалари, почта қоидалари ва тузилаётган шартномалар билан белгиланади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпания томонидан почтани ташиш Халқаро почта (почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари) ва Миллий авиакомпания ва унинг таркибий бўлинмалари ўртасидаги узоқ муддатли шартномалар, шунингдек амалдаги узоқ муддатли шартномаларга

кўшимчалар кўринишида расмийлаштириладиган бир мартабали талабномалар бўйича амалга оширилади.

Почтани ташиш учун шартномаларни тузишда ҳар бир аэропорт бўйича ҳар чоракка бўлиб чиққан ҳолда бир йил учун прогноз қилинадиган ташиш ҳажмларини ҳисобга олиш керак.

Республика ичидаги линияларда почтани юклашнинг келишилган нормалари белгиланиши мумкин. Авиакомпания шартномаларга мувофиқ ташиш учун қабул қилинган почтанинг шартномаларда кўрсатиб ўтилган муддатларда жўнатилишини кафолатлаши керак.

Аэропорт ҳудудида жойлашган почта алоқаси объектдан почтани олиб келиш ва уни ҳаво кемаларига юклаш, шунингдек почтани ҳаво кемаларидан тушириш, почта алоқаси объектларига ташиш аэропорт кучлари ва воситалари ёрдамида амалга оширилади. Почта алоқаси объекти мавжуд бўлмаган аэропортларда почта ҳаво кемаларига аэропортлар кучлари ва воситалари билан юкланади ва туширилади, аэропортлардан почта алоқаси объектларигача (аэропортлардан ташқарида) шу почта алоқаси объектларининг кучлари ва воситалари ёрдамида ташилади. Почтани етказиб бериш ва қабул қилиш муддатлари Халқаро почтама т ёки почта алоқасининг ҳудудий ташкилотлари ҳамда авиакомпания ёки аэропорт ўртасида тузиладиган шартномаларда белгиланади.

3-МАЪРУЗА.

ПОЧТА ТАШИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТУРЛАРИ.

Режа:

3. Почта қутиларидан ёзма хат-хабарларни олиш бўйича почта йўналишларини тузиш.
4. Магистрал, вилоятчи, туманичи ва шаҳаричи почта йўналишларини ва почта жўнатиш жадвалларини тузиш.

Вилоят ичида почта алоқаси вилоят марказини туман марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар билан, шунингдек туман марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларнинг ўзаро барқарор алоқасини таъминлаши керак.

Ёзма хат-хабарлар, посилкалар ва даврий нашрлар алмашувининг асосий қисми вилоят ичидаги почта маршрутлари бўйича жўнатилади. Шунинг учун вилоят ичидаги почта алоқасини тўғри ташкил қилиш бутун почта алоқасини ташкил қилиш учун аҳамиятли таъсир этади.

Вилоят ичида почта алоқасини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг асосий вазифаси почта жўнатмалари ва даврий нашрларни йўналтиришнинг берилган муддатларини таъминлаш ҳисобланади:

вилоят газеталари муҳим марказларда адресатларга нашрдан чиққан куни етказиб берилиши керак;

марказий газеталар - биринчи куни ва фақат айрим вилоятларнинг
узоқда жойлашган туманлари учун иккинчи куни;

вилоятдан туман марказларига ва туман марказларидан вилоят
марказларига юбориладиган ёзма хат-хабарлар адресатларга иккинчи
кундан кечиктирмасдан етказиб берилиши керак.

Қўйилган вазифалар ҳал этилишига қуйидаги йўллар билан
эришилади:

вилоят ичида почта алоқаси тузилишининг энг рационал тизимини
яратиш;

почта алоқасининг туманлараро узелларини тўғри жойлаштириш;

почтани ташиш учун ер усти ва ҳаво транспорти воситаларидан
аралаш фойдаланиш;

почта маршрутларини рационал тузиш;


ишлаб чиқариш жараёнларини почта алоқаси корхоналарининг
узелида тўғри ташкил қилиш;

почта ҳаракатланиши учун мунтазам оператив-диспетчер
раҳбарликни ва назоратни ташкил қилиш.

Вилоят ичида почта алоқаси иккита - узел-туман ва туманлараро
типи базасида радиал-узел тизими асосида қурилади.

Вилоят ичида почта алоқасининг намунавий принципиал схемаси
б-расмда кўрсатилган.

Туман алоқаси узеллари ўзининг почтаси каби туман ичидаги тармоқнинг алоқа бўлимларидан келадиган почтага ишлов беради ва жўнатади.



6-расм. Вилоят ичида почта алоқасининг намунавий
принципиал схемаси

ВУ - вилоят узели; ТАУ - туманлараро узел; ТУ - туман узели

Туманлараро узел юзага келган почта оқимлари, катнов йўллари ва хизмат кўрсатиладиган туманларнинг иқтисодиётини ҳисобга олган ҳолда, пунктлардан бирига туташ бўлган туманларнинг энг кўп интилган

пунктларида ташкил қилинади ва темир йўл, авиация ёки тупроқ йўллар туташган ёки кесишган жойларда жойлаштирилади.

Туманлараро узелларнинг функциясини, одатда, қулай жойда жойлашган туман алоқаси узеллари ва айрим ҳолларда почтани ташиш бўлимлари бажаришлари мумкин.

Вилоят маркази бир томондан республика пойтахти ва интилиш принципи бўйича бошқа узеллар билан алоқа қилиш учун туташ бўлган магистрал йўлга чиқади, бошқа томондан вилоят марказлари ўзининг барча туман марказлари ва вилоятга бўйсунадиган шаҳарлардан доимо почта алоқасини олади.

Туман марказлари ўзининг вилоят марказлари, шунингдек ўзаро интилиш бўлганда, яқин жойлашган бошқа туманлар ва ўз туманининг барча алоқа корхоналари билан алоқа (тўғридан-тўғри ёки туманлараро узел орқали) қилади.

Режалаштирилади: - туман марказлари почта вағони, авто, самолёт линияси бир маршрутда жойлашганда - *тўғридан-тўғри*; туман марказлари тенг маршрутларда жойлашганда *вилоят ёки туманлараро узели орқали*.

Туман марказлари ўртасидаги бевосита алоқа барқарор интилиш етарлича мавжуд бўлганда ва почта жўнатмалари етказиб берилиши сезиларли даражада тезлаштириш имкони бўлганда ташкил қилинади.

Туман узелини қатновнинг магистрал йўлларига чиқиши вилоят маркази ёки туманлараро узели орқали таъминланади.

Вилоят ичида почтани ташиш темир йўл, ҳаво, автомобиль транспорти, қувватли ва сув транспортдан комплекс фойдаланиш асосида ташкил қилинади.

Транспорт воситаларининг турларини танлашда мажбурий талаб сифатида ёзма хат-хабарлар ва даврий нашрларни етказиб беришнинг берилган назорат муддатларини бажаришда қўлланади. Зарур транспорт воситалари ҳаракатланиш тезлигига мувофиқ танланади.

Транспорт воситаларининг тезлиги қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилиши мумкин:

$$V_3 = L / [24(n-1) + K - t], \quad (1)$$

бу ерда V - ёзма хат-хабарлар ва даврий нашрларни етказиб беришнинг берилган муддатларини таъминлаш учун зарур транспорт ҳаракатланишининг фойдаланиш тезлиги, км/с;

L - вилоят марказидан туман марказигача масофа;

n - етказиб беришнинг берилган муддати, кун;

K - ёзма хат-хабарлар ва даврий нашрларни махсус давлат органи томонидан етказиб беришнинг нормаланган муддати (уларнинг туман алоқаси узелига келган куни);

t - транспортни вилоят марказидан жўнатилган вақти.

Зарур тезлик транспортнинг бир нечта турлари билан таъминланса, энг самаралиги бўлиб кам харажатлар билан почтанинг берилган ҳажмини таъминлайдиган транспорт тури ҳисобланади.

Вилоят марказининг темир йўл линиясида жойлашган туманлар билан алоқани темир йўл транспорти ёрдамида ташкил қилиш мумкин, тупрок йўлларда жойлашган туман марказлари билан автомобиль транспорти билан ташкил қилинади.

Транспорт турларининг ҳаракатланиш тезлигининг фарқи ва почта жўнатмалари ва нашрларни етказиб беришнинг берилган муддатларини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда вилоят ичидаги почта алоқаси тизимида почта жўнатмаларини ташиш учун асосан автомобиль транспортларидан фойдаланилади.

Вилоят ичида почта алоқасини ташкил қилиш самарадорлиги нафақат транспорт воситаларини рационал танлашга боғлиқ, балки почта маршрутларини тўғри ташкил қилишга боғлиқдир. Аниқ шароитлардан келиб чиқиб, вилоят ҳудудида газеталар ва почта жўнатмаларини туман марказларига келишини максимал тезлаштиришни таъминлайдиган махсус автомаршрутларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Почта ва нашрни ташиш учун йўловчи авиа ва темир йўл линияларидан кенг фойдаланади. Вилоят ичида алоқанинг маршрутлари ва жадваллари маҳаллий органлар ва транспорт идоралари билан келишилиб «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ, унинг филиаллари ва почта алоқаси оператори томонидан белгиланади.

Почта ва нашр йўналтирилишининг белгиланган муддатларини таъминлаш учун автомобиль транспорт маршрутлари, одатда, **радиал** курилади. Вилоят ичидаги маршрутларда почтани ташиш учун ҳаракатланиш жадваллари почта алоқасининг талабларини қаноатлантирса, йўловчи автобуслардан фойдаланади. Почта жўнатмаларини ташиш учун йўловчи автобуслардан фойдаланиш ҳаракатланиш даврини ошириш ва ташиш таннархини камайтириш имконини беради. Барча мумкин бўлган ҳолатларда почтани шартнома

асосида автобус ҳайдовчиларининг жавобгарлиги остида почта ходимларининг кузатувисиз ташилади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ филиаллари ва операторлар маҳаллий вилоят органлари билан келишиладиган ва уларнинг раҳбари томонидан тасдиқланадиган вилоят ичида почта алоқасини ташкил қилиш схемасини ишлаб чиқади.

Вилоят ичида почта алоқасини ташкил қилиш даражасини баҳолаш учун почта жўнатмаларининг тезлиги, барқарорлиги, мунтазамлиги ва тежамлилигини характерловчи линиялардан фойдаланилади.

Вилоят ҳудудида почта алоқасини лойиҳалаштиришда ушбу вилоятнинг амалдаги почта алоқасини ташкил қилишнинг иқтисодий-географик характеристикалари ва техник-иқтисодий таҳлили асосида аниқланадиган маҳаллий шароитлар ҳисобга олинади. Таҳлилнинг мақсади вилоят ичида почта алоқасини ташкил қилишда мавжуд камчиликларни аниқлашдан иборат. Бунда қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

узеллашнинг амалдаги тизими, вилоятлар ва туман марказлари ўртасидаги почта оқимлари;

почтани ташишни ташкил қилиш, почта жўнатмаларини етказиб бериш муддатлари;

алоқа ҳаракатларининг барқарорлиги ва мунтазамлиги, почтани ташиш тежамкорлиги.

Аниқланган камчиликларни ҳисобга олиб, вилоят ичида почта алоқасини ташкил қилишнинг янги схемаси лойиҳаси ишлаб чиқилади, бунинг учун қуйидаги масалалар ҳал этилади:

вилоят ва туман марказлари ҳамда туман марказлари ўртасида почта оқимлари режали даврига белгиланади;

вилоят ҳудудида почтани ташишни ташкил қилиш учун транспорт воситаси асосланади;

узеллаш тизими қурилади ва маршрутлар тизими лойиҳалаштирилади, транспорт ҳаракатланиш графиги ва жадвали тузилади;

ҳаракатланиш вагон составининг парки ва вилоят ичида маршрутларга хизмат кўрсатиш учун ходимлар сони ҳисоблаб чиқилади;

почта жўнатмаларини йўналтириш муддатлари ҳисоблаб чиқилади;

вилоят ичида почта алоқасини ташкил қилиш лойиҳасини амалга ошириш учун капитал маблағлар, меҳнат унумдорлиги, эксплуатация харажатлари ва почтани ташиш ҳамда кузатиш бўйича хизматлар таннархи аниқланади.

Лойиҳанинг якунловчи қисмида вилоят ичида лойиҳалаштирилётган почта алоқасининг умумий самарадорлиги аниқланади.

ТУМАН ИЧИДА ПОЧТА АЛОҚАСИНИ ТАШКИЛ

ҚИЛИШ

Туман ичида почта алоқаси Ўзбекистон почта алоқасининг таркибий қисми ҳисобланади ва у туманнинг аҳолиси, корхоналари ва муассасаларини алоқа воситалари билан хизмат кўрсатилишини таъминлайди деб тан олинган. Қишлоқ жойларини ва хўжаликларни ривожлантириш, туманлар иқтисодиётини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг фаровонлиги ва маданий даражасини ошириш туман ичида почта алоқасини ташкил қилишга қўйиладиган талабларнинг ошишини кўрсатади. Унинг асосий элементлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

почта алоқаси корхоналари ва пунктлари;

туман ичида почтани ташиш схемаси;

почта жўнатмаларини етказиб беришни ташкил қилиш.

Туман ичида почта алоқасини ташкил қилишда қуйидаги асосий ҳолатлар ҳисобга олинади:


туман аҳолиси, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини алоқа хизматлари билан тўлиқ қаноатлантириш;

почта жўнатмаларининг йўналтириш тезлигини ошириш ва уларни етказиб бериш;

туман ичида почта алоқасининг самарадорлигини ошириш.

Ушбу вазифалар туманнинг почта алоқаси тизимининг рационал тузилиши, алоқа объектлари ва пунктларининг тармоғини тўғри жойлаштириш ва ривожлантириш, почта қатновининг оптимал тизимини танлаш, почта жўнатмалари етказиб берилишининг рационал ташкил қилиш ҳисобига ҳал этилиши мумкин.

Туман ичида почта алоқаси почта алоқасининг туман ва туман ичидаги узеллар негизида радиал-узел тизими бўйича қурилади. Туман ичида почта алоқасининг принципиал схемаси 7-расмда кўрсатилган.



7-расм. Туман ичида почта алоқасининг принципиал схемаси

ТУ – туман узели, ТИУ – туман ичидаги узел, АБ – алоқа бўлими

Туман узели, одатда, ўз туманининг кўпгина алоқа бўлимлари билан тўғри алоқага эга. Узоқ масофадаги бўлимлар билан туман ичидаги узел орқали алоқага эга бўлиши мумкин.

Битта почта маршрутидаги алоқа бўлимлари ўзаро тўғри алоқага эга. Барча қолган ҳолатларда бўлимлар туман ёки туман ичидаги узел орқали ўзаро боғланган.

Почта алоқаси туман ичидаги узелларнинг вазифасини вилоят ичидаги маршрутларнинг почта автомашинаси билан почта алмашадиган алоқа бўлимлари бажаради. Туман ичидаги узеллар ўз почтасига ишлов бергани каби, унга бириктирилган алоқа бўлимларининг почтасига ҳам ишлов беради. Туман узеллари ва туман ичидаги узеллар кўп ҳолатларда алоқаси узеллари ва чегарадош туманлар учун почтага ишлов беради ва йўллайди.

Почта алоқасини ташкил қилиш схемасини танлаш маҳаллий шароитлар - туманлар конфигурацияси, темир йўл транспортининг воситаларини жойлаштириш, алоқа бўлимларининг туман узелидан узоқдалиги ва бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Почта алоқаси тизимини қуришда туманда почта ва наشرни етказиб беришнинг белгиланган назорат муддатларини бажаришга асосланган.

Туман ҳудудидаги аҳоли, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга хизмат кўрсатиш учун туман алоқаси узели, штатда бўлмаган алоқа ходимлари томонидан хизмат кўрсатиладиган алоқа бўлимларининг стационар ва кўчма тармоғи ва пунктлари ташкил қилинади.

Почта алоқасининг туман узеллари – (ПАТУ) почта алоқасининг барча турдаги хизматларининг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун маъмурий-ҳудудий туман марказларида ташкил қилинди. Шу билан бирга улар туман ичидаги маршрутлар бўйича почтани ташишни ташкил қилади, бўйсунувидаги алоқа бўлимларининг фаолиятига раҳбарлик қилади ва уларни назорат қилади. Туман марказида аҳолининг зичлиги ва сонига мувофиқ алоқа бўлими очилади.

Туман ҳудудида қишлоқ алоқа бўлими ташкил қилинади. Одатда, улар иқтисодий жиҳатдан муҳим бўлган аҳоли пунктларида, биринчи навбатда ўз-ўзини бошқариш органлари, ташкилотлар ва хўжаликлар жойлашган ерларда жойлаштирилади. Хизмат кўрсатишнинг зарур сифатини таъминлаш мақсадида радиуси ҳар бир алоқа бўлимига, хизмат кўрсатилаётган аҳоли сонига тенг бўлган белгиланган зона бириктирилади. Почта алоқаси объектларининг нормативлари ҳамда почта ва нашр йўналтирилишининг назорат муддатлари махсус ваколатланган органи томонидан белгиланади.

Барча қишлоқ алоқа бўлимларида почта операцияларининг тўлиқ доираси амалга оширилади (ёзма хат-хабарлар, пул ўтказмалари, посылкаларни қабул қилиш ва етказиб бериш, даврий нашрни етказиб бериш, газета ва журналларга обунани қабул қилиш, уларни чакана савдода сотиш, қўшимча хизматлар ва жамғарма кассаларнинг операцияларини кўрсатиш). Барча стационар қишлоқ алоқа бўлимларида,

одатда, телеграф операциялари амалга оширилади, шаҳарлараро ва маҳаллий телефон алоқа хизматлари кўрсатилади.

Янги очилаётган алоқа бўлимлари нормал ишлаши учун барча шароитларга мос келадиган хона, ускуна ва бошқаларга эга бўлиши керак. Турли хўжаликларда очиладиган алоқа бўлими учун хоналар ушбу ташкилот томонидан оператор билан шартнома асосида тақдим этилади.

Қишлоқ жойларда алоқа бўлимлари тегишли давлат органларининг нормативларига мувофиқ, шу жумладан улар ишининг рентабеллиги таъминланганда очилади.

Стационар алоқа бўлимларининг очилиши рентабелли деб ҳисобланмаганда, *штатда бўлмаган алоқа ходимлари томонидан хизмат кўрсатиладиган* кўчма алоқа бўлимлари ва пунктлари лойиҳалаштирилади.

Кўчма алоқа бўлими томонидан стационар алоқа бўлимидан уч километрдан узоқда жойлашган аҳоли пунктларига хизмат кўрсатиш мақсадга мувофиқдир, улар қуйидаги функцияларни бажарадилар:

барча турдаги почта жўнатмалари ва телеграммаларни қабул қилиш, почт тўловлари белгиси, газеталар, журналлар ва адабиётларни чакана савдода сотиш, радионукта, электр энергияси учун абонент тўловларини қабул қилиш;

стационар алоқа объектлари бўлмаган кўчма алоқа бўлимларининг ҳаракатланиш маршрути бўйича жойлашган аҳоли пунктларида почта қутисидан хатларни чиқариб олиш;

кўчма алоқа бўлимлари маршрутида жойлашган почтальонларнинг
етказиб бериш участкаларидаги алоқа бўлимлари ва таянч пунктларига
почтани ташиш;

етказиб берилиши керак бўлган почта жўнатмалари ва
телеграммаларни кўчма бўлимга бириктирилган штатда бўлмаган алоқа
ходимларига бериш, улардан олдинги кундаги иш тўғрисидаги ҳисоботни,
шунингдек миждан қабул қилинган почта жўнатмалари,
телеграммаларни қабул қилиш;

почта жўнатмалари ва телеграммалар, пул маблағлари, ҳужжатлар
ҳамда белгиланган ҳисоботни иш куни тугаганда узел алоқа корхоналарига
топшириш.

Кўчма алоқа бўлими туман алоқаси узели томонидан тузилган ва
маҳаллий ҳокимият органлари билан келишилган жадвал бўйича ишлайди.
Хар бир хизмат кўрсатиладиган аҳоли пунктларида кўчма алоқа бўлими
тўхташининг аниқ жойи белгиланади, унда унинг ишлаш вақти
тўғрисидаги жадвали осиб қўйилади.

Почтальонларнинг иш вақти сарфланишининг тажрибаси ва таҳлили
шунини кўрсатадики, унинг энг кўп қисми алоқа бўлимидан етказиб бериш
участкасида, участкадаги аҳоли пункти ўртасида ва участкадан алоқа
бўлимидаги ўтишлар учун сарфланади. Бундай шароитларда почтальон
маршрутига кирадиган аҳоли пунктларига уни ташиш учун кўчма алоқа
бўлимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, бу эса ўз навбатида етказиб

бериш участкаларининг ошиши ва почтальонларнинг иш шароитларини энгиллаштириш имконини беради.

Кўчма алоқа бўлимининг иш вақти исталган пунктда аҳолига алоқа хизматларини кўрсатиш учун вақт сарфланишига боғлиқдир. Бундан ташқари, у аҳолиси кўп пунктда почтани етказиб бериш учун етарли бўлиши керак (почтальон аҳолига кўчма алоқа бўлими турган вақтда хизмат кўрсатади).

Тумандаги кўчма алоқа бўлимининг сони алоқа бўлимининг маршрутига кирадиган аҳоли пунктларининг сонига боғлиқ.

Кўчма алоқа бўлимининг иш вақти T_{AB} қуйидагича аниқланади:

$$T_{AB} = T_{алм} + T_{хв} + T_{ст}, \quad (2)$$

бу ерда, $T_{алм}$ – бир соатга тенг рейс бошланишида ва охирида почта алоқаси узелидаги кўчма АБ алмашуви учун вақт;

$T_{алм}$ почта ва пул маблағларини қабул қилиш учун вақт, миждоз билан операцияни ўтказишига кўчма АБни тайёрлаш учун зарур вақтни, иш куни охирида ҳисоботни ўз ичига олади;

$T_{хв}$ – ҳаракатланиш вақти: $T_{хв} = \bar{t}_{хв} (n-1) + t_{a.n}$, $\bar{t}_{хв}$ - иккита қўшни аҳоли пунктлари ўртасида кўчма АБ ҳаракатланиш учун ўртача

вақт; $t_{a,n}$ - маршрут бўйича биринчи аҳоли пунктигача ва охириги пунктдан кўчма АБ ҳаркатланиши учун вақт.

Ушбу вақт сарфи мувофиқ равишда қуйидагиларга тенг:

$$\bar{t}_{дв} = \bar{l} / V_T; l_{a,n} / V_T, \quad (3)$$

бу ерда \bar{l} - қўшни аҳоли пунктлари ўртасидаги ўртача вақт, км;

V_m - кўчма АБ ҳаракатланиши техник тезлиги, км/с;

$l_{a,n}$ - биринчи аҳоли пунктигача ва охириги аҳоли пунктдан бўлган масофа, км;

T_{mx} - хизмат кўрсатиладиган аҳоли пунктларида кўчма АБ тўхташи учун вақт ва ҳаракатланиши йўналишида алоқа бўлимлари билан алмашиши учун вақт: $T_{mx} = \sum_{i=1}^n t_{mxi}$, бунда n - маршрутдаги хизмат кўрсатиладиган аҳоли пунктлари ва алоқа бўлимларининг сони; t_{mx} - i -чи алоқа бўлимдаги алмашиши учун ёки i -чи аҳоли пунктига хизмат кўрсатиши учун вақт.

Дастлабки формулага унинг барча ташкил этувчиларини қўйиб ҳамда зарур алмаштиришларни амалга ошириб қуйидагиларни ҳосил қиламиз

$$n = \frac{V_m (T_{oc} - 1) + \bar{l} - l_{n,n}}{V_m \bar{t} + \bar{l}}, \quad (4)$$

бу ерда \bar{t} - битта пунктга хизмат кўрсатиши учун ўртача вақт, маълум даражада ундаги аҳоли сонига боғлиқ.

Почта алоқасининг оддий хизматларини кўрсатиш учун алоқаси узелсига яқин жойда жойлашган унча катта бўлмаган аҳоли пунктларида

штатда бўлмаган алоқа ходимлари томонидан хизмат кўрсатиладиган пунктларни ташкил қилиш мумкин.

Штатда бўлмаган ходимлар вазифасига, одатда, қуйидагилар киради:

мижозларга оддий алоқа хизматларини кўрсатиш (оддий ва буюрт-мали хат-хабарлар, бандероллар ва телеграммаларни қабул қилиш, почта тўлов белгиларини сотиш, шаҳарлараро телефон сўзлашувлар, газета ва журналлар учун обуналарни қабул қилиш, даврий нашрларни чакана савдода сотиш);

почта жўнатмаларини аҳоли пунктида етказиб бериш.

Штатда бўлмаган ходимлар сифатида, қўшимча вазифада ишлаш учун қўшимча ходимлар жалб этилади.

Штатда бўлмаган ходимлар яқин жойда жойлашган стационар алоқа бўлимига бириктирилади, алоқа бўлими уларнинг ишига раҳбарлик ва назорат қилади.

Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатишни яхшилашнинг муҳим шарти бўлиб почта қутиси тармоғини ривожлантириш ҳисобланади. Йирик қишлоқ аҳоли пунктларида битта почта қутиси билан хизмат кўрсатишнинг ўртача радиуси 0,5 километрдан кўп бўлмаслиги керак. Почта қутилари фойдаланиш учун қулайроқ бўлган жойларга жойлаштирилади.

Нашр ва хат-хабарларни ер усти транспорти ёрдамида ташиш ва етказиб беришнинг баъзи бир шароитларида назорат муддатларига тўғри келмайди, шунинг учун авиатранспортдан фойдаланилади.

Туман ичидаги алоқани тўғри ташкил қилишнинг муҳим шартларидан бири туман ҳудудидаги транспорт ҳаракати графигининг аниқ келишилганлиги ҳисобланади. Бунинг учун почтани туман ичидаги маршрут бўйича ҳаракат жадвали транспорт ҳаракат жадвали ва уларнинг келиши ҳамда туман алоқаси узелидан почтани жўнатиш вақтига мувофиқ тузилади.

Почтани жўнатиш ва келиш вақти алоқа бўлимларида назорат қилинади ва махсус юк-хат ҳужжатларида белгиланади. Туман алоқаси узелларида почтани жўнатиш ва келиш графиклари ва жадвалларининг бажарилиши устидан доимий назорат олиб борилади.

Қишлоқ жойларда почта жўнатмаларини қишлоқ почтальонлари етказиб беради. Мамлакатимизда жўнатмаларни бевосита уйга етказиб бериш билан адресатнинг кўлига топширишнинг ўта прогрессив шакли қўлланилади.

Қишлоқ жойларда етказиб бериш частотаси махсус ваколатланган давлат органи - Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (ЎзААА) томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Кирувчи хат-хабарлар, етказиб бериш корхонасига почтальонларнинг етказиб бериш учун йўлга чиқишларидан бир соат олдин келиб тушган бўлса, туман марказларида, ишчи посёлкалар ва бошқа аҳоли пунктларида шу куннинг ўзида етказиб берилди.

Почта алоқаси объектларидан ташқарисида жойлашган почта қутиларидан хат-хабарларни чиқариб олиш даврийлиги чиқувчи хат-хабарлар ўз вақтида жўнатилиши ва маҳаллий хат-хабарларнинг етказиб берилишини ҳисобга олган ҳолда белгиланади, лекин етказиб берилган почта миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

Ҳар бир қишлоқ почтальони яқин жойлашган почта бўлимига бириктирилади ва муайян етказиб бериш участкасига хизмат кўрсатади. У жадвалда белгиланган кун ва соатда почта жўнатмалари ва телеграммаларни етказиб беради, хатларни почта қутиларидан чиқариб олади, газеталар ва журналларга обунани амалга оширади, аҳолига адабиёт, почта маркалари, конвертлар, қоғоз сотади. Почтальоннинг иш вақтига корхонадаги иш вақти, почта жўнатмаларини етказиб бериш, объектдан аҳоли пунктигача бўлган йўл учун сарфланадиган вақт киради.

Почтальоннинг иш вақти (почта жўнатмаларини саралаш, ҳисобот тузиш ва топшириш ва бошқалар) етказиб бериладиган почта миқдорига ва уларга ишлов бериш учун белгиланган нормативларга боғлиқ бўлади.

Почта жўнатмаларини топшириш вақти етказиб бериладиган почта жўнатмаларининг миқдори ҳамда топшириш характерига боғлиқ ҳолда (абонент жавони орқали ёки бевосита адресатга) ҳар бир турининг бирлиги учун белгиланган нормалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Етказиб бериш участкаларининг ўлчами ва конфигурацияси техник нормалаш методи билан белгиланади. Етказиб бериш участкаси, одатда, почта алоқаси оператори жойлашган аҳоли пунктдан бошланади. Қишлоқ жойлардаги (N) етказиб бериш участкаларининг сонини (5) формула бўйича аниқлаш мумкин

$$N = (T_{\text{ич}} + T_{\text{тш}} + T_{\text{йўл}}) / 7, \quad (5)$$

бу ерда $T_{\text{ич}}$ - корхона ичида ишлаш учун керакли вақт, с;

$T_{\text{тш}}$ - почта жўнатмаларини топириш учун вақт, с;

$T_{\text{йўл}}$ - йўл учун сарфланадиган вақт, с;

7 - почтаьоннинг иш вақти, с;

Баъзи бир районларда, кичик аҳоли пунктлари ҳудудида жойлашган почта қутисига хизмат кўрсатиш учун гуруҳли абонент жавонлари (ГАЗ) ишлатилиши мумкин, улар аҳоли пунктлари гуруҳининг марказига ўрнатилади. Гуруҳли жавон олувчиларнинг сонига кўра, абонент қутиларига ҳамда хат-хабарларни қабул қилиш учун қутига эга. Почта ГАЗга автомашиналарда етказиб берилади, бу почтаьонларнинг меҳнатини маълум даражада енгиллаштиради, меҳнат унумдорлигини оширади, етказиб бериш таннархини пасайтиради.

Қишлоқ жойларидаги ҳар бир алоқа бўлими учун почтаьонлар сони етказиб бериш участкаларининг сонидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади:

$$P_{\text{умум}} = N \cdot 1,05, \quad (6)$$

бу ерда, $P_{\text{умум}}$ - почтаьонларнинг умумий сони;

N - етказиб бериш участкаларининг сони;

1,05 - таътил учун резервни ҳисобга олувчи коэффициент.

Почта ва нашрларни етказиб бериш вақти почта алоқасининг туман узели томонидан тузилган жадваллар билан белгиланади.

Алоқа операторларининг муҳим вазифаси қишлоқ жойларга почтани етказиб бериш учун транспорт таъминоти (моторлаштириш) ҳолатини янада яхшилашдир.

Алоқа бўлимида почта тузилган ҳар бир маршрут бўйича адресатлар учун сараланади, бунда адресатнинг фамилиясидан ташқари, хонадони, абонент жавонининг рақами ва жойлашган ўрни кўрсатилади. Бунда почта жўнатмаларини етказиб беришни ташкил қилишнинг қуйидаги иккита варианты мавжуд:

1. Почтани абонент жавонининг катаклари бўйича тарқатиш ва суғурта жўнатмаларини (қимматли хатлар, бандероллар, пул ўтказмалари) ҳайдовчи етказиб беради, яъни у почтальон функциясини бажаради.

2. Почтани абонент жавонининг катаклари бўйича тарқатишни ҳайдовчи бажаради. Қимматли хатлар ва бандероллар, пул ўтказмаларини почтальонлар махсус ишлаб чиқилган маршрутлар бўйича машиналарда етказиб берадилар.

Ушбу вариантда биринчисига нисбатан транспорт воситасига эҳтиёж камаяди, суғурта жўнатмаларининг яхши сақланиши таъминланади. Гуруҳли абонент жавонларини қўллаган ҳолда, почтани моторлаштирилган тарзда етказиб беришнинг жорий этилиши билан етказиб беришдаги меҳнат унумдорлиги ошади, почтальонларнинг меҳнат шароитлари маълум даражада энгиллашади ва яхшиланади.

Кўчма алоқа бўлиmidан фойдаланган ҳолда, почтани моторлаштирилган тарзда етказиб бериш варианты ҳам мавжуд. Аҳоли пунктида АБ тўхтаб турган вақтда АБ бошлиғи мижозларга алоқа хизматларини кўрсатади, ҳайдовчи эса почтальон функциясини бажаради.

ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Шаҳар почта алоқаси почта алоқаси умумий тизимининг муҳим ташкил этувчи қисми бўлиб ҳисобланади. Шаҳарлар мамлакатнинг маъмурий ва маданий маркази, қудратли транспорт узели бўлиб ҳисобланади.

Уларда йирик саноат корхоналари, муассаса ва ташкилотлар, газета-журнал ва китоб нашриётлари жойлаштирилади. Шу сабабли шаҳарларда почта жўнатмаларининг катта оқимини ташкил этади. Шаҳар узелли тузилмаларда бутун чиқувчи почта алмашувининг асосий ҳажмига ишлов берилади.

Шаҳар почта алоқасининг тўғри ташкил қилинганлиги почта алоқасини ташкил қилиш учун ҳал қилувчи таъсирини кўрсатади. Шу сабабли шаҳар

почта алоқаси олдига қуйидаги вазифа қўйилди - почта жўнатмаларига ишлов бериш ва шаҳар ҳудудида ҳаракатланиш вақтини қисқартириш.

Шаҳар почта алоқасини ташкил қилишнинг асосий элементлари қуйидагилар ҳисобланади:

почта жўнатмаларига ишлов бериш ва ҳаракатланиш тизимини белгилаш;

узел ва пунктлар тармоғини жойлаштириш ва ривожлантириш;

шаҳар ичида почта қатновини ташкил қилиш;

почта жўнатмаларини адресатларга етказиб беришни ташкил қилиш.

Почта жўнатмаларига ишлов бериш ва етказиб бериш босқичлари ва муддатларини минимумгача қисқартирадиган почтага ишлов бериш ва ҳаракатланиш тизими ўта рационал ҳисобланади. Транспорт воситалари, ишлаб чиқариш хоналари ва ускуналаридан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, почта алоқаси ишининг таннархини пасайтириш ва рентабеллигини ошириш бир вақтнинг ўзида таъминланиши керак.

Почтага ишлов бериш ва ҳаракатланиш тизимини танлашда қуйидаги асосий омилларни: шаҳарнинг маъмурий-ҳудудий ва хўжаликдаги аҳамияти, ҳудуд майдони, вокзаллар, аэропортларнинг жойлашиши, транспорт ҳаракатининг даврийлиги ва трафики, юклама катталиги ва унинг келиш вақтини ҳисобга олиш керак.

Почта жўнатмаларига ишлов бериш ва ҳаракатланиши марказлаштирилган, марказлаштирилмаган ва аралаш тизимига бўлинади.

Марказлаштирилган тизимда барча чиқувчи, кирувчи ва транзит почта жўнатмаларига шаҳар почта алоқаси узели бўлиб ҳисобланадиган битта корхонада ишлов бериледи. Почта алоқаси узелини почта ташиш бўлимида ёки темир йўл почтамти қошида ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу почтамтда почта узелини ташкил қилишга нисбатан кўпроқ устуворликка эга бўлади, почтага ишлов бериш босқичлари сони камаяди, шу билан бирга, шаҳар ичидаги транзит алмашиш камаяди, почта жўнатмаларининг ҳаракатланиш вақти қисқаради ва сарф-харажатлар камаяди.

Вилоятлараро почта оқимлари ўтадиган вилоят марказида, шунингдек, шаҳарда жойлашган почта ташиш бўлими фақат ушбу шаҳар почтасига ишлов

бериш билан чекланиб қолмасдан, транзит почта жўнатмаларига ҳам ишлов беради, бу ишчи кучи, ишлаб чиқариш майдонлари ва ускуналаридан яхшироқ фойдаланиш имконини беради. Шаҳарларда почта алоқаси узели бўлиб темир йўл қошидаги почтампт ёки почтани ташиш бўлими ҳисобланади, уларнинг марказлаштирилган тизимда почта жўнатмаларига ишлов бериши ва ҳаракатланишининг принципиал схемаси.

Почта кутиларидадан чиқариб олинган барча чиқувчи ёзма хат-хабарлар, шунингдек алоқа корхоналарида қабул қилинган ва алоқа бўлимидан келган почта жўнатмаларининг бошқа турларига бевосита темир йўл қошидаги почтамптга (ТПБ) жўнатилади, у ерда тўлиқ ишлов берилади ҳамда тегишли турдаги транспорт билан манзил бўйича, шаҳар чегарасидан ташқарига жўнатиладиган жўнатмалар шаҳардан ташқарига, маҳаллий жўнатмалар - тегишли шаҳар пунктларига жўнатилади.

Шаҳарга кирувчи почта жўнатмаларига темир йўл қошидаги почтамптда (ТПБ) ишлов берилади, у ердан адресатларга етказиб бериш учун автотранспортда шаҳар корхоналарига ёки корхонадан адресатларга топшириш учун жўнатилади.

Вилоят марказларига самолёт ёки темир йўл орқали келиб тушадиган республика даврий нашрлари кирувчи ёзма хат-хабарлар ўтган босқичлардан ўтади.

Марказий газеталарни марказлаштирилмаган тарзда босиб чиқаришда босмахонада жойлашган экспедиция бўлимида улар вилоят газетаси билан бирга жўнатилади, у ердан ташқи транспортда жўнатиш учун шаҳар алоқа корхоналари ва темир йўл қошидаги почтамптга (ТПБ) жўнатилади.

Чакана савдода сотиш учун даврий нашрлар нашрларни тарқатиш цехидан бевосита шаҳар газета киоскларига жўнатилади.

Шаҳар алоқа объектларида қабул қилинган барча чиқувчи посилкалар ишлов бериш учун темир йўл қошидаги почтамптга (ТПБ) йўлланади, шундан сўнг улар белгиланиши бўйича жўнатиш учун почта вагонларига, самолётларига почтани жўнатиш режасига мувофиқ топширилади.

Кирувчи посилкаларнинг ҳаракатланиши ва ишлов берилиши тесқари йўналишда ташқил қилинади, улар почта вагонлари, самолётлардан темир йўл қошидаги почтамптга (ТПБ) ишлов бериш учун келиб тушади, кейин эса посилкаларни адресатларга топшириш ва етказиб беришни амалга оширувчи шаҳар алоқа корхоналарига транспортда ташилади.

Чиқувчи ва кирувчи почта жўнатмаларига ишлов бериш бўйича шаҳар тармоғи почтаamt ҳисобланади, почта қутиларидаги ёзма хат-хабарлар ва шаҳар алоқа бўлимларида қабул қилинган бошқа почта жўнатмаларига ишлов бериш учун почтаamtга жўнатилади. Почта жўнатмалари почтаamtдан ички транспортда ташиш учун ТПБга етказиб берилади.

Почта вагонларидан, пароходлар ва самолётлардан келадиган кирувчи почта жўнатмалари ТПБдан почтаamtга транспортда ташилади, бу ерда уларга ишлов берилади ва адресатларга етказиб бериш учун алоқа бўлимларига жўнатилади.

Шаҳар узелини ТПБ почтаamtда жойлаштирганда у фақат транзит шаҳарлараро почта жўнатмаларига ишлов беради. Шаҳар ҳудудида ишлов беришнинг марказлаштирилмаган тизими шароитларида иккита ёки бир нечта почта алоқасининг шаҳар узели тузилади, улар шаҳарнинг белгиланган қисми почтасига ишлов беради.

Узеллар ўзининг хизмат кўрсатиш туманидаги почта қутиларидан хат-хабарларни чиқариб олади, чиқувчи ва кирувчи хат-хабарларни саралайди ҳамда уни ташқи транспортнинг тегишли тури билан ўзининг хизмат кўрсатиш зонасидаги шаҳар етказиб бериш узелларига жўнатади.

Кирувчи хат-хабарлар ва посилкалар, одатда, почта вагонларининг йўналишида шаҳарнинг шаҳар алоқаси узеллари бўйича сараланади. Қандайдир сабабларга кўра, йўл давомида сараланиши мумкин бўлмаган (масалан, самолётларда келадиган) хат-хабарлар ички транспортда келиб тушадиган шаҳар алоқаси узеллари бўйича сараланади, сўнгра батафсил ишлов бериш ва кейинги алоқа бўлимларига транспортда ташиш учун тегишли шаҳар алоқаси узелларига жўнатилади.

Маҳаллий хат-хабарлар, шаҳар алоқаси узеллари бўйича бевосита почта қутилари ва қабул қилиш пунктларидан келиб тушган узелда сараланади.

Хат-хабарлар саралангандан сўнг тегишли узелларга жўнатилади, у ерда кирувчи хат-хабарлар билан бирга сараланади ва етказиб берувчи алоқа бўлимлари ва пунктларига жўнатилади.

Бир қатор шаҳарларда почтага ишлов бериш ва ҳаракатланишнинг аралаш тизимидан фойдаланилади. Аралаш тизимда бир турдаги почта жўнатмаларига ишлов бериш бўйича узел бўлиб почтаamt ҳисобланади, бошқаларида эса - ТПБ.

Юқорида кўриб чиқилган почта жўнатмаларига ишлов бериш ва ҳаракатланиш тизимларини солиштириб, қуйидаги хулосага келиш мумкин: марказлаштирилган ишлов бериш тизими почта жўнатмаларининг қувватли оқимларини ҳосил қилади, ишнинг оқимли методини кенг қўллаш ва комплекс тарзда автоматлаштиришни жорий этиш имконини беради.

Марказлаштирилган ишлов бериш тизими, одатда, ишчилар сонига бўлган эҳтиёжни қисқартиради, почта жўнатмаларига ишлов бериш учун меҳнат сарфининг ҳажмини камайтиради. Оқимли тизимни ва механизациялаш ҳамда автоматизациялаш воситаларини жорий этиш меҳнат унумдорлигининг ўсишига ҳамда операцион ва умумий назорат муддатларининг давомийлигини қисқартириш билан бирга хизматлар таннарининг пасайишига ёрдам беради.

Ишлов беришнинг марказлаштирилмаган тизимда тегишли узелнинг хизмат кўрсатиш зонасидаги чиқувчи ва кирувчи жўнатмаларнинг ҳаракатланиш муддатларини қисқариши учун шароит яратилади. Бироқ марказлаштирилмаган тизим қатор камчиликларга эга, улардан асосийси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

умумий юкланишни алоқаси узеллари бўйича тарқатиш натижасида ишлаб чиқариш жараёнларининг механизациясидан чекланган ҳолда қўллаш;

малакали ишчи кучи, ишлаб чиқариш майдонлари ва ускуналари эҳтиёжининг ортиши;

почта жўнатмаларига ишлов бериш ва ҳаракатланишдаги ортиқча босқичлар.

Почта ҳаракатланиши ва ишлов бериш тизими ҳар бир шаҳарнинг аниқ шароитларини ҳисобга олган ҳолда танланади. Почта жўнатмаларининг йўналиш схемаси, шундай тузиладики, бунда почтанинг бир қисми авиаузел ёки темир йўл узели орқали ўтади.

Шаҳарда (авиа - ёки темир йўл узелида) почтага ишлов бериш жойи тўғрисидаги масалани ҳал этишда, биринчи навбатда, почтанинг ҳаракатланиш тезлиги ва тежамлилик кўрсаткичларини ҳисобга олиш керак.

Самолётлар билан жўнатиладиган чиқувчи хат-хабарларга темир йўл қошидаги узелда ишлов бериш мақсадга мувофиқдир, чунки унга аэропорт қошидаги алоқа корхонасида ишлов беришда қошларга беркитиш билан боғлиқ ортиқча вақт ва меҳнат сарфи юзага келади.

Авиажўнатиш зонасидан ер усти зонасига келувчи транзит хат-хабарларга ҳам темир йўл қошидаги узелда ишлов бериш мақсадга мувофиқдир. Бунда параллел ишчи жойларга зарурат қолмайди, узелдан чиқувчи тўкилишлар сони камаяди, постпакетлар қўшиб юборилади ва уларнинг сони қисқаради. Бунинг ҳаммаси жўнатишнинг катта тезлиги ва тежамкорлигини таъминлайди.

Авиатранзитга ишлов бериш жойини танлашда авиапочта жўнатиладиган самолётларнинг учиб келиш ва учиб кетиш оралиғидаги интервални ҳамда аэропортдан темир йўл узелигача масофани ҳисобга олиш керак. Транзит авиапосилкаларга аэропорт қошидаги алоқаси узелида ишлов бериш керак, чунки уларни ортиш учун қўшимча меҳнат сарфи юзага келади.

Шаҳар почта алоқаси тизими қуйидаги иккита тузилма тури мавжудлигини кўзда тутаяди:

шаҳарнинг марказий алоқаси узели - почтаamt, шаҳар алоқаси узели;

истеъмолчиларга фақат почта ва электр алоқа хизматлари билан бевосита хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган узел - алоқа бўлимлари.

Биринчи турдаги тузилма истеъмолчиларга барча хизмат турларини тақдим этади, бўйсунувидаги шаҳар алоқа бўлимлари тармоғига раҳбарлик қилади ва унинг ишини назорат қилади ҳамда маҳаллий шароитларга мувофиқ чиқувчи, кирувчи ва транзит почта жўнатмаларига ишлов беради ҳамда почта шаҳарда ташилишини ташкил қилади.

Юқорида қайд этилган икки турдаги алоқа объектлари тармоғини жойлаштириш ва ривожлантириш принциплари бир хил эмас, чунки бу объектлар ишлаб чиқариш вазифаси ва бажариладиган функцияларнинг хусусиятига кўра турличадир.

Вилоят марказларида почтаamtлар, вилоят бўйсунувидаги шаҳарларда эса - шаҳар алоқаси узеллари ташкил этилади.

Алоқа бўлимлари ва пунктлари тармоғини ривожлантиришнинг муҳим принципи бўлиб истеъмолчиларнинг максимал яқинлашуви ва кенг қулайлик, АКТ негизида маданий хизмат кўрсатиш учун шароитларни яратиш ҳисобланади.

Нормативларга мувофиқ барча шаҳарлар аҳоли зичлигига кўра тўртта гуруҳга бўлинган ва ҳар бир гуруҳ учун хизмат кўрсатиш радиуси ва хизмат кўрсатиладиган аҳоли сони нормативлари қабул қилинган.

Шаҳарларда алоқа бўлимлари тармоғини ривожлантиришдаги асосий норматив сифатида алоқа воситаларининг истемолчиларга яқинлашишини аниқ характерлайдиган хизмат кўрсатиш радиуси кўзда тутилади.

Шу билан бирга, ундан: хизмат кўрсатиладиган аҳоли сони ва лойиҳалаштирилаётган объект рентабеллиги каби бошқа кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқликда фойдаланиш керак. Алоқа объектлари тармоғининг истиқболда режалаштирилаётган ўсиш даражаси қуйидаги ифодадан келиб чиққан ҳолда белгиланади

$$\Delta N = N_{\text{пл}} - N_{\text{баз}}. \text{ Бунда } N_{\text{пл}} = 0,5^2 S_{\text{пл}}/R_{\text{пл}}^2, \quad (7)$$

бу ерда ΔN - алоқа корхоналари тармоғининг режалаштирилаётган ўсиш даражаси;

$N_{\text{пл}}$ - истиқболдаги алоқа корхоналари тармоғи;

$S_{\text{пл}}$ - истиқболда хизмат кўрсатиладиган шаҳар ҳудуди;

$R_{\text{пл}}$ - истиқболда режалаштирилаётган хизмат кўрсатишининг ўртача радиуси;

$N_{\text{баз}}$ - истиқбол даври бошидаги корхоналар тармоғи.

Аҳоли зичлиги бўйича ушбу шаҳар қайси нормативлар гуруҳига кириши белгиланади, режалаштирилаётган йил бошида эришилган хизмат кўрсатишининг ўртача радиуси ва тармоқ зичлиги ҳисоблаб чиқилади, истиқболдаги шаҳар алоқа объектлари тармоғи белгиланади.

Алоқа бўлимини шаҳарнинг бутун ҳудудида имкон қадар бир текис жойлаштириш керак. Асосий норматив сифатида хизмат кўрсатиш радиуси қабул қилинган бўлса, унда алоқа тармоғининг истемолчиларга яқинлашиш даражаси бир хил, бироқ алоқа объектлари ва узелларининг иш кўлами шаҳар аҳолисининг зичлигига боғлиқ бўлади. Аҳоли зичлиги катта бўлган

шаҳарларда алоқа объектларининг иш ҳажми аҳоли зичлиги кичик бўлган шаҳарларга нисбатан катта бўлади.

Алоқа бўлимлари учун хоналар янги қурилаётган турар-жой ва муассаса уйлариининг биринчи қаватида жойлаштирилади.

Ёпиқ турдаги алоқа объектларининг ривожланиши рентабеллик ўлчамини ҳисобга олган ҳолда шаҳарнинг йирик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг алоқа хизматларига бўлган талаблари ҳажминини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилади.

Барча шаҳарларда алоқа бўлимларидан ташқари почта қутилари тармоғи, почтани қабул қилиш ва топшириш пунктлари, почта тўлови белгиларини сотиш пунктлари (китоб ва савдо дўконларида, киоскларда ва ҳ.) ташкил қилинади.

Почта қутилари тармоғини ривожлантириш аҳолига хизмат кўрсатиш ҳамда ёзма хат-хабарлар алмашувини фаоллаштириш яхшилашнинг муҳим шarti бўлиб ҳисобланади. Почта қутиларининг зарур сони ҳар бир шаҳарнинг аниқ хусусиятлари, майдоннинг катталиги ва конфигурацияси, алоҳида туманлар бўйича аҳоли сони ва зичлиги, муассаса, корхона ва ташкилотларнинг жойлашган ўрнини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Почта қутилари тармоғини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичи бўлиб битта почта қутиси билан хизмат кўрсатиладиган радиус катталиги ҳисобланади. Почта қутилари тармоғи Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан белгиланган нормативларни ҳисобга олган ҳолда режалаштирилади.

Почта қутилари шаҳар ҳудудида истеъмолчилар учун қулай бўлган жойларда бир текис жойлаштирилади ҳамда объектга кириш жойларида ва унинг ичкарасида (операция залида) осиб қўйилиши шартдир.

Шаҳар ичида почта қатновини ташкил қилишда асосий вазифа бўлиб транспортдан самарали фойдаланиб, почта жўнатмаларини ташишда белгиланган назорат муддатларини таъминлаш ҳисобланади. Шаҳарларда почтани ташиш учун автотранспортдан фойдаланилади. Шаҳар ичидаги почта транспортининг барча ишлари жадваллар бўйича қатъий амалга оширилладиган ташишнинг аниқ маршрути асосида қурилади.

Шаҳарларда қуйидаги почта маршрутлари ташкил қилинади:

алоқа объектлари билан почта алмашуви бўйича;
нашриётлар ва алоқа объектлари ўртасида;
почта алоқасининг шаҳар узеллари ва вокзал, аэропорт ўртасида;
почта қутиларидан хатларни чиқариб олиш учун;
почтани етказиб бериш участкаларидаги таянч пунктлари етказиб бериши учун;
посилкаларни уйга етказиб бериш ва бошқалар.

Шаҳарларда радиал ва ҳалқали маршрутлар ташкил қилинади.

Радиал шаҳар ичидаги маршрутлар, одатда, кириш йўлка маршрутларида, шунингдек, ҳалқали маршрут белгиланган назорат муддатлари бажарилишини таъминлаш имкони бўлмаганда қўлланилади.

Барча қолган ҳолларда шаҳарларда босиб ўтиладиган масофани қисқартиришига ва ҳаракатланувчи составга бўлган эҳтиёж камайишига сабаб бўлувчи **ҳалқали автомаршрутлар** ташкил қилинади.

Почтани ташиш самарадорлиги маълум даражада оқимлар катталиги ва тузилмасини ҳамда маршрутлар рационал тузилишини ҳисобга олган ҳолда автомобиллар тури тўғри танланишига боғлиқ. Шаҳар почтани ташиш учун ташиш хусусияти ва юкланиш ҳажмига боғлиқ ҳолда ҳар хил турдаги машиналардан фойдаланилади.

Маршрутлар алмашув пунктлари ўртасидаги масофа, ташки транспортнинг келиш ва кетиш частотаси ва вақти, газеталарнинг босмадан чиқиш вақти, етказиб бериладиган хат-хабарларнинг сони, маршрутларга хизмат кўрсатиш учун берилган вақт ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда тузилади. Транспортнинг шаҳар ичидаги маршрутлар бўйича ҳаракатланиш даврийлиги белгиланган нормативларга мувофиқ ҳар бир маршрутнинг тури бўйича белгиланади. Масалан, шаҳар алоқа бўлимлари билан почта алмашуви бўйича маршрутлардаги ҳаракатланиш даврийлиги етказиб бериш сонидан кам бўлмаслиги керак ҳамда қабул қилинган барча турдаги почта жўнатмаларини истеъмолчилар билан ишлаш вақти тугагунга қадар ўз вақтида жўнатилишини таъминлаши керак.

Кун давомида хат-хабарларни почта қутиларидан чиқариб олиш частотаси почта алоқасининг миллий ва бошқа операторлари томонидан белгиланади.

Почтамтлар билан бир қаторда туман алоқаси узеллари мавжуд бўлган йирик шаҳарларда хатлар почтамт ва алоқаси узеллари томонидан марказлаштирилмаган тизим бўйича почта қутиларидан чиқариб олинади. Туман алоқаси узеллари мавжуд бўлмаган шаҳарларда хат-хабарлар марказлаштирилган тарзда (почтамт, ШАУ, ТЙҚП томонидан) чиқариб олинади.

Шаҳарнинг муайян шароитларидан келиб чиқиб, шаҳар ичида почтани ташиш учун ихтисослаштирилган маршрут сингари бирлаштирилган маршрутлар ҳам ташкил қилинади.

Ихтисослаштирилган маршрутлар сони (M) (масалан, алоқа объектлари билан алмашув) маршрутга киритилиши лозим бўлган (A^1) пунктлар сони, (V_T) транспортнинг техник тезлиги, алоқа пунктида алмашув учун вақт, пунктлар орасидаги масофа ва маршрутга хизмат кўрсатиш учун берилган вақтдан ($T_{\text{рейс}}$) келиб чиқан ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

$$M = N/n, \quad (8)$$

бу ерда n - битта маршрутга киритиладиган пунктларнинг ўртача сони:

$$n = T_{\text{рейс}} / \bar{t}_{xp} + \bar{t}_{\text{алм}};$$

\bar{t}_{xp} - 2 та алмашиш пункти ўртасидаги автомобиль ҳаракатининг ўртача вақти, дақ:

$$\bar{t}_{xp} = \bar{l} / V_m; \bar{l} - \text{алмашув пунктлари ўртасидаги ўртача масофа};$$

$$\bar{t}_{\text{алм}} - \text{алмашув пунктида алмашиш учун ўртача вақт.}$$

Автотранспортдан самарали фойдаланиш учун бирлаштирилган маршрутлар ташкил қилинади. Маҳаллий шароитларга боғлиқ ҳолда бирлаштиришнинг турли вариантларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, хатларнинг почта қутиларидан чиқариб олинishi почтани етказиб бериш билан бирлаштирилади; етказиб бериш участкаларидаги таянч пунктларга почта етказиб берилиши почтани ташиш билан бирлаштирилиши ва бошқалар.

Бирлаштириш вариантлари уларни қиёслаш йўли билан ҳамда белгиланган сифат нормативларига амал қилиш шарти билан танланиши керак.

Бирлаштирилган маршрутлар сони ихтисослаштирилган марш-рутлар каби ҳисоблаб чиқилади.

$$M = (N_{n.қ} + N_{ШАБ} + N_{ГСП}) / n \quad (9)$$

бунда $N_{n.қ}$, $N_{ШАБ}$, $N_{ГСП}$ - почта қутиларининг сони, бирлаштирилган маршрутларда хизмат кўрсатилиши лозим бўлган шаҳар алоқа бўлимлари ва ГСП пунктлари;

n - 1-бирлаштирилган маршрутга киритиладиган пунктлар сони

$$n = T_{рейс} / (\bar{t}_{хр} + \bar{t}_{алм});$$

$\bar{t}_{хр}$ - бирлаштирилган маршрутларда алмашув пунктлари ўртасидаги автомашиналар ҳаракатланишининг ўртача вақти, минут, пунктлар (7) орасидаги ўртача масофа ва автомашиналарнинг техник ҳаракатланиши тезлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади

$\bar{t}_{алм} = (t_{nқ} N_{nқ} + t_{ШАБ} N_{ШАБ} + t_{ГСП} N_{ГСП}) / (N_{nқ} + N_{ШАБ} + N_{ГСП})$ $t_{nқ}$ - почта қутисидан хатларни чиқариб олиш учун вақт,

$t_{ШАБ}$ - ШАБда алмашиши учун вақт;

$t_{ГСП}$ - битта ГП пункти билан алмашиши учун вақт.

Бирлаштирилган маршрутлар почта автотранспортдан унумли фойдаланишга, почтани ташиш учун эксплуатация харажатларини қисқартиришга ва кузатувчилар сонини камайтиришга сабаб бўлади.

Шаҳар ичидаги маршрутларда почта алоқа ходимлари кузатувида ва кузатувисиз ташилади. Хат-хабарларни почта қутиларидан чиқариб олиш,

почтани пунктларга ва етказиб бериш участкаларидаги таянч пунктларига етказиб бериш бўйича маршрутларда кузатувчининг функциясини, одатда, ҳайдовчилар бажаради, бунинг учун улар тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ мукофотланади.

Шаҳар почта алоқаси узелида почтанинг ҳаракатланиши ва унга ишлов бериш муддатларини оператив бошқариш ва назорат қилиш учун газета-журналларни жўнатувчи шаҳар объектлари, аэропорт ҳамда вокзал ва ҳоказолар билан диспетчер алоқаси ташкил этилиши мумкин. Почта алоқасининг йирик шаҳар узелларида икки томонлама диспетчер алоқасининг махсус қурилмалари, шунингдек, автомашиналарнинг ўз вақтида ҳаракатланиши, почтани алмашиш, ишлов бериш, ортиш ва туширишни кузатиш учун телевизион қурилмаларнинг қўлланиш ҳолатлари учрайди.

Ҳалқали маршрутнинг тузилмаси, маршрутга киритиладиган пунктлар олдиндан белгиланган бўлса, мураккаб кўп вариантли вазифани ўз ичига олади.

Маршрутларга киритиладиган n пунктларда пунктларни айланиб чиқишнинг мумкин бўлган вариантлар сони $(n - 1)$ ташкил этади.

Янада мураккаб вазифа хизмат кўрсатилиши белгиланган назорат муддатларидан ўтиб кетмаслиги керак бўлган бир нечта ҳалқали маршрутларни ўз ичига олувчи почта ташиш схемасини тузишда юзага

келади. Ушбу вазифа ҳал этилиши учун «тарқатиш вазифаси»
алгоритмидан фойдаланиш мумкин.

Ушбу методни қўллаш маршрутлар сонини оптимал ёки оптималга
яқинроқ белгилаш, улар ўртасида корхоналарни тақсимлаш ва уларни ҳар
бир маршрут доирасида белгиланган назорат муддатларини ҳисобга олган
ҳолда айланиб чиқиш кетма-кетлигини белгилаш имконини беради.

4-майруза.

ПОЧТА ЖЎНАТМАЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ

ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Режа:

5. Почтани етказиб беришни ташкил этиш.
6. Почтани жўнатиш режаларини тузиш.
7. Почтани жўнатиш ички ва халқаро режалари.
8. Ягона почта алоқаси транспорт схемасини тузиш принциплари.

Етказиб бериш корхоналарининг аниқ иши почта алоқаси ишидаги юқори сифатнинг зарурий шарти бўлиб ҳисобланади. Етказиб беришнинг тўғри ташкил этилиши хат-хабарлар ва нашрларнинг жўнатувчидан адресатга олиб борилиши учун сарфланадиган вақтнинг қисқаришига ва ишдаги тежамкорлик натижаларига эришишга сабаб бўлади.

Ёзма хат-хабарлар ва даврий нашрларнинг катта қисмини адресатларга почтальонлар тарқатади. Қолган қисми адресатларга бевосита алоқа объектларида «йўқлаб олиннадиган», ижарага олинган жавонлар орқали етказиб берилади ёки топширилади.

Шаҳарда почта жўнатмаларини етказиб беришни ташкил қилишда истеъмолчиларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш, етказиб беришнинг белгиланган муддатларини бажариш, уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, етказиб бериш таннархини пасайтириш, янги технологияларни ва АКТни жорий этиш таъминланган бўлиши зарур.

Юқорида баён этилган талаблар асосида етказиб беришни ташкил қилиш учун қуйидаги асосий масалаларни ҳал этиш зарур:

етказиб бериш учун келган почта жўнатмалари юкланишини белгилаш;

етказиб беришнинг зарур миқдорини белгилаш;

етказиб бериш районларини ва етказиб бериш участкаларини қуриш;

механизациялаш воситаларини, АКТ ва етказиб беришни ташкил

қилишнинг мукамал методларини татбиқ этиш.

Қўйилган масалалар қандай ҳал этилаётганлигини кўриб чиқамиз.

Тизимни танлаш ва почта жўнатмаларини етказиб беришни ташкил қилиш

маълум даражада мазкур шаҳар доирасида етказиб бериш учун келган

оқимлар катталигига боғлиқдир. Ҳар бир етказиб бериш участкаси бўйича

ўртача бир кеча-кундузлик юкланиш ҳажми ҳисобга олиш маълумотлари

асосида белгиланади.

Режалаштирилган давр учун юкланиш ёзма хат-хабарлар, нашрлар, пул

ўтказмаларининг кирувчи алмашуви режалаштирилган ўсиш темпидан

келиб чиққан асосий йил учун ҳисобот маълумотлари асосида ҳисоблаб

чиқилади.

Етказиб беришлар сони аҳолига хизмат кўрсатиш жадаллигининг

даражасини характерловчи муҳим норматив бўлиб ҳисобланади.

Почтальоннинг ҳар бир етказиб бериш учун чиқиш вақти, жумладан,

айланиб чиқиш ва қайтиш вақти ҳам алоқа узелининг раҳбарияти

томонидан тасдиқланган жадвал билан тартибга солинади. Хизмат кўрсатиш ҳудудининг катталашishi билан почтальонларнинг юксиз юришлари кўпаяди, шунинг учун йирик шаҳарларда почта жўнатмаларини етказиб бериш, одатда, марказлаштирилмаган усулда амалга оширилади. Бу почтальонларнинг унумсиз бўш юришларини қисқартиришга олиб келади ҳамда хат-хабарлар ва нашрларнинг ҳаракатланишини тезлаштиради, етказиб бериш участкалари ва хизматнинг рентабеллигини оширади.

Етказиб бериш районларининг сони шаҳар конфигурацияси ва планировкасига, аҳоли таркиби ва зичлигига, алоқа узелининг жойлашишига боғлиқ. Етказиб бериш райони ҳар бир узел учун шаҳарнинг схематик плани бўйича етказиб бериш узеллари ўртасида хат-хабарлар ва нашрларнинг адресатларгача тезроқ боришини ҳисобга олган ҳолда шаҳар ҳудудини тақсимлаш йўли билан белгиланади.

Ҳар бир район етказиб бериш участкаларига бўлинади.

Участкаларни лойиҳалаштиришда қуйидаги маълумотлардан: хизмат кўрсатишнинг асосий объектларини - муассасалар, корхоналар, билим юртлари ва ҳоказоларни ажратиб кўрсатилган ҳолда, ҳар бир кўча ва тор кўча бўйича хат-хабарлар ва нашрларни битта етказиб бериш участкаси учун назорат муддати (К_Б), участкани айланиб чиқиш ва адресатларга хат-хабарларни ва нашрларни топшириш учун вақт нормаларидан фойдаланилади. Бунда хизмат кўрсатиш районларининг жойлашиш

хусусияти, шунингдек участкадаги турар биноларнинг хусусияти ҳисобга олинади. Почтальоннинг участкани айланиб чиқиш, хат-хабарларни топшириш ва бошқа ишлар учун вақт нормаси маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда техник нормалаш методлари билан белгиланади.

Етказиб бериш участкаси ва айланиб чиқиш маршрутининг ҳудудини белгилашда қуйидагилар ҳисобга олинади:

ҳар бир кўча ва тор кўча имкон қадар битта участка таркибига киритилади, бу хат-хабарларни участкалар бўйича саралашни сезиларли даражада осонлаштиради;

почтальонларнинг бўш юришларини бартараф этиш учун етказиб бериш участкаларининг боши, одатда, етказиб бериш узелига яқин жойга лойиҳалаштирилади;

ҳар бир участкага хизмат кўрсатиш, жумладан уни айланиб чиқиш ва хат-хабарларни адресатларга топшириш вақти жадвал билан белгиланади.

Янгитдан ташкил қилинган етказиб бериш участкалари техник нормалаш методлари билан текширилади ва шундан сўнг қатъий белгиланади.

Етказиб бериш участкаларини айланиб чиқишнинг оптимал маршрутлари, улар ўртасида ҳудудни оптимал тақсимлаш каби махсус математик метод - «тарқатиш вазифаси» алгоритми ёрдамида белгиланиши мумкин. Ҳар бир участкага паспорт тузилади, унга мунтазам равишда унда юз бераётган барча ўзгаришлар киритилади.

Паспортлардан ташқари, ҳар бир етказиб бериш узелида етказиб бериш районининг харитаси тузилади, унда кўча ва тор кўчаларнинг номи, бурчакдаги уйларнинг рақамлари, йирик корхона ва муассасалар, таянч пунктларнинг жойлашиши ва участкани айланиб чиқишнинг мақсадга мувофиқ бўлган маршрутлари кўрсатилади.

Ёзма хат-хабарлар ва нашрларни етказиб берувчи почтальонларнинг битта етказиб бериш учун умумий вақт сарфи (T) сумма (10) кўринишида тақдим этилиши мумкин:

$$T = T_{уч} + T_{ўт} + T_{вм} , \quad (10)$$

бу ерда $T_{уч}$ - корхона ичида ишлаш учун вақт;

$T_{ўт}$ - етказиб бериш участкалари бўйича ўтиш учун вақт;

$T_{вм}$ - адресатларга хат-хабарлар ва нашрларни топшириш, жумладан уй ва квартираларга кириш учун вақт.

Почтальоннинг корхона ичидаги иши етказиб бериш учун хат-хабарлар ва нашрларни қабул қилиш, етказиб бериш участкасининг марш-рутлари бўйича саралаш, тарқатилмаган хат-хабарларни ҳамда устама тўлов ва бошқа пул маблағлари операциялари бўйича ҳисоботларни расмийлаштириш ва топширишдан иборат. Почтальонларнинг ишини

корхона ичида иш вақти сарфини қисқартириш учун уларнинг иш жойларини махсус столлар билан жиҳозлаб тўғри ташкил қилиш зарур. Ҳар бир почтальоннинг иш жойида етказиб бериш участкасининг плани илиб қўйилади, унда айланиб чиқиш йўли кўрсатилади.

Почтальон ишининг иккинчи ташкилий элементи бўлиб етказиб бериш участкалари бўйича юриш ҳисобланади.

Бунга қуйидагилар киради: биринчидан, корхонадан участкадаги биринчи уйгача бўлган йўл; иккинчидан, участка бўйлаб йўл юриш, бунга кириб-чиқишлар кирмайди (киришларга уй (дарвоза, подъезд)га киришдан бошлаб ундан чиқишгача бўлган вақт киради); учинчидан, участкадан етказиб бериш узелигача қайтиш йўли. Бу вақт техник нормалаш методи билан белгиланади. Етказиб бериш участкаси қанчалик тўғри қурилган бўлса ҳамда уни айланиб чиқиш маршрути қанчалик яхши ташкил этилган бўлса, участкани айланиб чиқиш учун сарфланадиган вақт шунчалик кам бўлади.

Маршрутни танлашда почтальоннинг хизмат кўрсатадиган етказиб бериш участкаси ҳудудида мақсадга мувофиқ ва тежамли юриши тўғрисидаги масалани ҳал этиш зарур.

Участкани айланиб чиқишнинг учта варианты мавжуд: кўчаларни бир томонлама, икки томонлама ва аралаш кетма-кетликда айланиб чиқиш.

Масалани ҳал этишда, шаҳар марказидаги кўчалар кенг бўлса ёки унча кенг бўлмаса, юкланиш катта бўлади, бунда бир томонлама юриш

фойдалироқ ҳисобланади; кўчалари тор, юкланиш эса кичик бўлган шаҳар туманларида икки томонлама юриш тежамлидир.

Почтальоннинг участкадаги ишининг учинчи элементи адресатларга почта жўнатмаларини топшириш ҳисобланади, бунга кириб-чиқишлар учун вақт ҳам киради. Топшириш учун вақт катталиги қуйидаги қатор омилларга боғлиқ:

бино характери ва уйларнинг қаватлилиги;

уйларда лифтларнинг мавжудлиги;

уйнинг абонент жавонлари ва бошқалар билан таъминланганлиги.

Почтальонларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ва меҳнат сарфини тежаш учун қаватлар сони учтадан ортиқ бўлган уйларнинг биринчи қаватидаги подъездларда абонент жавонлари ўрнатилиши мумкин.

Шаҳарда етказиб беришни аниқ ташкил қилиш шарти бўлиб уй ва квартираларнинг тўғри рақамланганлиги, уйларнинг етарлича ёритилганлиги ҳисобланади.

Режали давр учун етказиб бериш участкаларининг зарур сони ($N_{реж}$) қуйидаги ифода билан белгиланади:

$$N_{реж} = \frac{Q_{отч} I_Q (\bar{t}_{ви} + \bar{t}_{вр}) + T_{прох} I_S}{K_S - \bar{t}_{д,у} - \bar{t}_{с,у}}, \quad (11)$$

бу ерда $Q_{отч}$ - асосий даврда битта етказиб беришга юкланиш;

I_Q - режали давр учун юкланишининг ўсиш индекси;

$\bar{t}_{ер}$ - битта жўнатмани топшириш учун ўртача вақт;

$\bar{t}_{вн}$ - узел ичида битта жўнатмага ишлов бериш учун ўртача вақт;

$T_{прох}$ - асосий даврда битта етказиб беришда барча участкалар бўйлаб ўтиш учун вақт;

I_S - хизмат кўрсатиш райони ҳудудининг ўзгариш индекси;

$\bar{t}_{д.у}$ - алоқа корхонасидан етказиб бериш участкасигача бўлган йўлда юришининг ўртача вақти;

$\bar{t}_{с.у}$ - етказиб бериш участкасидан алоқа объектигача бўлган йўлда юришининг ўртача вақти;

K_S - битта етказиб бериш учун белгиланган назорат муддати.

Почтальонларнинг штати етказиб бериш участкаларининг сонига боғлиқ ҳолда қуйидаги формула бўйича белгиланади

$$P_{умум} = T_{гр}N \cdot 30,4 \cdot 1,05/174, \quad (12)$$

бу ерда $P_{умум}$ - почтальонларнинг зарур сони;

$T_{гр}$ - почтальонларнинг график бўйича ишлаш вақти;

N - участкалар сони;

1,05 - таътил учун резервни ҳисобга олувчи коэффициент.

Ҳозирги вақтда шаҳарларда ёзма хат-хабарлар ва нашрларни моторлаштирилган тарзда етказиб бериш кенг қўлланилади. Етказиб беришни моторлаштириш почтальонлар меҳнатини сезиларли даражада енгиллаштиради, унинг унумдорлигини оширади, почтальонлар сонига бўлган эҳтиёжни қисқартиради. Бу етказиб беришни сезиларли даражада марказлаштириш ва етказиб берувчи алоқа корхоналаридаги кирувчи почта жўнатмаларига ишлов бериш бўйича ишлаб чиқариш жараёнини рационал ташкил этиш имконини беради.

Почта жўнатмаларини моторлаштирилган тарзда етказиб беришнинг турли усуллари мавжуд. Шаҳарларда таянч пунктлардан фойдаланган ҳолда моторлаштирилган етказиб бериш методи ривожланганлиги амалиётда кўриниб турибди, бунда почта почтамтларда, алоқа узеллари ва бўлимларида ҳар бир адресатгача сараланади ва таянч пунктларига автомобиллар (мотороллерлар)да ташиб келтирилади. Ушбу усулнинг афзалликлари ички ишларни янгича ташкил қилиш, почтага ишлов бериш муддатларини қисқартириш ва меҳнат сарфини камайтиришга йўналтирилганлиги, почтальонларнинг рационал маршрутларини ташкил қилиш мақсадида етказиб бериш участкаларини қайта қуриш ҳисобланади. Почтани етказиб бериш учун тайёрлашни ташкил қилишнинг прогрессив параллел кетма-кетликдаги шакли бўйича иш олиб борилади.

Почта алоқаси бўлимига келиб тушганидан кейин ички ишда бажариладиган барча операцияларни бир вақтнинг ўзида амалга ошириш ва почта ортилган автомашинани ҳамда почтальонларни узоқ участкаларга кетма-кетлик билан жўнатиш жараёни бошланади. Етказиб бериш участкалари алоқа корхонасидан жойлашиш масофасига мувофиқ катталиги бўйича турлича қурилади. Алоқа бўлимига яқин жойлашган участкалар, одатда, хизмат кўрсатиладиган хонадонларнинг сони, етказиб бериладиган почтанинг ҳажми бўйича катта бўлмайди.

Нашрлар алоқа бўлимига келиб тушганидан кейин яқин участкалардаги почтальонлар етказиб бериш ташкилотчиси ва сараловчи билан биргаликда барча етказиб бериш участкалари учун газеталар букланади. Бу вақтда узоқ участкаларнинг почтальонлари бошқа почтальонлар ёрдамида ўз участкаларига почтани етказиб бериш учун тайёрлаш билан шуғулланади.

Маркалаш машиналари шаҳар муассасалари, ташкилотлари ва корхоналарига хизмат кўрсатишда маълум қулайликлар яратади. Улар хат-хабарларга тақвим тамға изини почта йиғимининг тўлов суммасини кўрсатган ҳолда туширади, буюртмали хатларда эса, бундан ташқари, тартиб рақамини

кўрсатган ҳолда қабул қилиш ёрлиғи изи туширилади. Почта тўловининг белгиларини сотиб олиш, почта жўнатмаларига маркалар ёпиштириш, улар бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисобот юритиш заруратига ҳожат қолмайди.

Бунда алоқа объектларида почта тўловининг белгиларига бўлган эҳтиёж қисқаради, маркалаш машинаси орқали ўтказилган чиқувчи хат-хабарларга тамға тушириш зарурати бартараф этилади, бу унга ишлов берилишини тезлаштиради ва арзонлаштиради. Йиғим суммасини кўрсатадиган ҳисоблагичли маркалаш машиналарининг жорий этилиши хат-хабарларнинг тўловини назорат қилишни енгиллаштиради.

5-МАЪРУЗА

ПОЧТА ЖЎНАТИШ УЧУН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ТУРЛАРИ ВА СОНИНИ БЕЛГИЛАШ.

Режа:

5. Почта жўнатиш учун транспорт воситалари турлари ва сонини белгилаш.
6. Почтани автомобил, темир йўл транспорти, ҳаво кемалари билан жўнатиш. Почтани почта вагонларида жўнатиш.
7. Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси корхоналари ва пунктлари жойлашуви ва ривожланиши

Почтани магистрал ташиш Ўзбекистон почта алоқаси тизимининг муҳим ташкилий элементи бўлиб ҳисобланади. У транспорт воситаларининг магистрал маршрутлари билан ўзаро боғланган Тошкент, республика ва вилоят марказларида жойлашган почтани ташиш маршрутлари тармоғини ўз ичига олади. Почта жўнатмаларининг асосий қисми айнан магистрал почта тармоқлари бўйлаб жўнатилади, халқаро почта жўнатмаларининг барча оқимлари ҳам улар орқали ўтади. Шу тариқа, магистрал почта алоқаси бутун почта алоқасини ташкил қилишга катта таъсир кўрсатмоқда.

Почтани магистрал ташиш тизимининг қурилиши ва эксплуатация қилинишининг қатор сабабларига: мамлакатнинг майдони, транспорт инфратузилмасининг хусусиятлари, аҳолининг тўлаш имконияти мавжудлиги, шунингдек, миллий почта операторининг иқтисодий ҳолатига асосланган. Ўзбекистон ҳудуди 448,9 минг квадрат километрни ташкил этади, бу ерда 2005 йил маълумотларига кўра, 25707,4 мингта киши истиқомат қилади. Ўзбекистонда 2000 йилга қадар авиа ва темир йўл транспорти устувор бўлган, бу қулай ва ишончли бўлиб ҳисобланган. Автомобиль транспорти фақат Тошкент ва Тошкент вилояти бўйича фойдаланилган.

Бугунги кунда почта вагонлари ва авиатранспортнинг қўлланиши ҳам иқтисодий жиҳатдан, ҳам кўрсатиладиган хизматлар нуктаи назаридан фойдасиз ва номувофиқ бўлиб бормоқда. Бу поезд составида почта вагонлари бўлган поездларнинг, шунингдек авиарейсларнинг ҳаракатланиш жадвали почта жўнатиш графигига жавоб бермасди, натижада Ўзбекистон Республикаси бўйлаб ёзма хат-хабарлар ва нашрлар ўтишининг назорат муддатлари бузилар эди.

Бугунги кунда почтани ташишни ривожлантириш учун истиқболли транспорт бўлиб автомобиль транспорти ҳисобланади. Фақат автомобилларнинг қўлланиши ёзма хат-хабарларни жўнатишга тайёрлиги ва транспорт воситасининг ҳаракатланиш жадвалини вақт бўйича келишиш, минимал харажатлар билан қисқа муддатларда почтани етказиб бериш имконини беради. Магистраллардаги почта алоқаси транспорти ва узелларининг келишилган тарзда ишлаши иш жадваллари ва графиклари, ёзма хат-хабарлар, нашрлар ва посилкаларнинг йўналиш планлари, шунингдек, почта жўнатмаларига ишлов бериш ва ҳаракатланишининг барча босқичларида назорат қилиш билан эришилади. Магистрал тармоқ вилоят бўлимида 6 та автомаршрут, 10 та авиамаршрут ва 2 та темир йўл магистрал маршрутни ўз ичига олади.

Халқаро темир йўл магистралларида почта жўнатмалари алмашуви почта вағони билан Тошкент-Оренбург-Тошкент йўналишидаги поезд составида ҳафтасига 5/6 марта, Тошкент-Москва-Тошкент йўналишидаги поезд составида ҳафтасига 1 марта амалга оширилади. Шу билан бирга, ушбу йўналишда катта габаритли посилкалар ташилади.

Қозоғистон Республикаси билан ер усти почта алмашуви ҳафтасига 3 марта, ҳафтанинг 1, 3 ва 5 (душанба, чоршанба, жума) кунларида автомобилнинг Тошкент-Ипак йўли-Тошкент магистрал маршрути бўйича катновида амалга оширилади. Тошкент-Ипак йўли-Тошкент магистрал маршрутининг умумий масофаси 62 километрдан иборат, бунда автомобилнинг йўлдаги ўртача тезлиги соатига 50 км, йўлга (бориш ва қайтиш учун) 1 соат 20 минут сарфланади. Бу энг қисқа магистрал почта маршрутидир. Қозоғистон билан почта алмашуви учун умумий сарфланадиган вақт 40 минутга яқин. Машина «Халқаро почта»дан соат 10.00 чиқади ва 40 минутдан сўнг - соат 10.40 да алмашиш амалга ошириладиган алмашув пунктига етиб боради, божхона назорати учун 1 соат ажратилади. Соат 12.20 да автомобиль орқага қайтади ва соат 13.00 да «Халқаро почта» алмашув пунктига етиб келади.

Туркманистон Республикаси билан ер усти почта алмашуви икки ҳафтада 1 марта, ҳар бир ойнинг иккинчи ва тўртинчи ҳафтасидаги чоршанба кунлари автомобилнинг Тошкент-Навоий-Бухоро-Олот-Тошкент магистрал маршрути катнови бўйича амалга оширилади. Тошкент-Олот-Тошкент маршрутининг умумий масофаси 1532 километрдан иборат, бунда автомобиль соатига 70 км тезликда ҳаракатланади ва йўлда (бориш ва қайтиш учун) 21 соат 55 минут бўлади.

Ушбу почта маршрути масофаси бўйича, мос равишда вақт бўйича энг узун ҳисобланади. Почта маршрути Навоий ва Бухоро шаҳри орқали ўтади, кейин эса Олотга йўл олади. Машина «Халқаро почтамт»дан «Шарқ» НМАК пунктига соат 2.30 да етиб келади, бу ердан бир соатдан кейин (соат 3.30 да) Навоийга жўнайди. Ушбу пунктлар орасидаги 524 км масофани автомобиль 7,5 соатда босиб ўтади. График бўйича почта Навоий шаҳрининг алмашув пунктида соат 11.00 да бўлиши керак, бу ердан эса улар Навоий вилояти бўйича Зарафшон, Томдин ва Учқудуқ туманларига тақсимланади. График бўйича почта Олотда соат 15.05 да бўлиши керак, бу ерда Туркменистон билан почта алмашуви амалга оширилади. Тошкент-дан Олотгача бўлган бутун йўл 769 километрдан иборат. Бунда автомобиль йўли учун 11 соат, почта алмашуви учун эса 1 соат ажратилади. Тошкент йўналишига қайтиш учун автомобиль соат 17.00 да йўлга чиқади ва Бухоро орқали қайтади. Бухородан эртаси куни соат 6.00 да йўлга чиқади ҳамда Навоий орқали Тошкентга жўнайди. Жадвал бўйича машина «Халқаро почтамт»га кейинги кун соат 15.40 да етиб келиши керак (1-жадвал).

1-жадвал. Тошкент-Олот-Тошкент маршрути бўйича почта жўнатмалари билан алмашув графиги					
Тўғри ва тескари йўналиш				Масофа, км	Алмашув пунктининг номи
Йўлдаги вақт	Келиш	Алмашуш вақти	Жўна-тиш		
	2-00	0-25	2-25		Халқаро почта (қабул қилиш)
0-05	2-30		3-30	6	«Шарқ» НМАК
7-30	11-00	0-20	11-20	524	Навои (бир томонлама алмашув)
1-50	13-10	0-20	13-30	128	Бухоро (бир томонлама алмашув)
1-35	15-05	0-20	15-25	111	Олот (икки томонлама алмашув)
	Божхона назоратидан ўтиш вақти - 45 минут				
Бухорода тушлик вақти соат 1-00 (соат 16-10 дан 17-10 гача)					
1-35	18-45	0-20	6-00	111	Бухоро (бир томонлама алмашув)
1-50	7-50	0-20	8-10	128	Навои (бир томонлама алмашув)
7-30	15-40	0-30	16-10	519	Халқаро почта (топшириш)

Республика бўйича даврий матбуотни етказиб беришни тезлаштириш, шунингдек почта жўнатмаларини ўз вақтида етказиб бериш мақсадида республиканинг вилоят марказлари билан 6-маротабали алмашув ташкил қилинган.

Республика пойтахтига яқин жойлашган Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари билан республика ичидаги маршрутларда почта алмашуви, шунингдек автомобиль транспортида куйидаги тартибда амалга оширилади:

- *Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидан Тошкент-Хонобод (Наманган)-Қўқон-Фарғона-Андижон-Тошкент магистрал маршрути бўйича 2, 3, 4, 5, ва 6-кунлар бўйича ҳафтасига 5 марта.*
- *Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларидан Тошкент-Гулистон-Жиззах-Самарқанд-Тошкент маршрути бўйича 2, 3, 4, 5 ва 6-кунлар бўйича ҳафтасига 5 марта амалга оширилади.*
- *Қашқадарё вилояти билан Тошкент-Гулистон-Жиззах-Самарқанд-Қарши-Тошкент маршрути бўйича оғир почта билан алмашув 5 кун бўйича ҳафтасига 1 марта амалга оширилади.*
- *Навои ва Бухоро вилоятлари билан Тошкент-Навои-Бухоро маршрути бўйича оғир почта билан алмашув 3 кун бўйича ҳафтасига 1 марта амалга оширилади.*

Тошкент-Андижон-Тошкент магистрал маршрутининг умумий масофаси 934 километрдан иборат, бунда йўл 15 соат 45 минутни (ҳам бориш, ҳам қайтиш) ташкил этади. Почта алмашувига сарф этиладиган умумий вақт тахминан 3,5 соатни ташкил этади. Автомобиль «Халқаро почта»дан «Шарқ» Нашриёт-матбаа акциядорлик концернига соат 2.15 да етиб келади, у ердан бир соатдан кейин (соат 3.15да) Хонободга жўнайди. Бу икки пункт орасидаги 218 км масофани автомобиль 3 соат 40 минут ичида босиб ўтади. Шу тариқа, соат 7.10 да почта Хонободга етиб келади, у ерда Наманган (шу жумладан, Наманган) вилоятининг барча туманларига тақсимланади. Ҳар бир пунктда почта алмашуви бир томонлама саналади ва 20 минутни ташкил этади.

Почта магистрал маршрути бўйлаб кейинги алмашув пункти Қўқонда жойлашган. 45 километрдан иборат масофа 45 минут ичида босиб ўтилади, яъни почта жойлаштирилган автомобиль соат 8.15да алмашув пунктига етиб келади, у ердан почта жўнатмалари Боғдод, Бешариқ, Риштон, Данғара, Учкўприк, Бувайда, Сўх, Фурқат қишлоқ аҳоли пунктларига тақсимланади.

Шундан сўнг почта магистрал маршрути бўйича автомобиль Қўқондан 108 км масофада жойлашган Фарғонага йўл олади. 1 соат 50 минутдан кейин соат 10.25 да автомобиль алмашув пунктига етиб келади. Фарғонадан почта Олтиариқ, Водил, Қува, Қувасой, Охунбобоев, Марғилон, Тошлоқ, Ёзёвон қишлоқ аҳоли пунктларига тақсимланади. Соат 10.45 да автомобиль Андижон йўналиши бўйича жўнайди, 1 соат 45 минутдан кейин 93 км масофани босиб ўтиб, соат 12.20 да ярим соат давомида икки томонлама почта алмашуви амалга оширилади. Андижондан почта Андижон вилоятининг туманлари бўйича тақсимланади. Тошкентдан Андижонгача бўлган бутун масофа 470 километрдан иборат, йўлга сарфланадиган вақт 7 соат 55 минутни, почта алмашуви учун эса – бир ярим соатни ташкил этади. Шундай қилиб, бутун почта Тошкентдан охириги пункт – Андижон шаҳригача соат 12.50 да етказилади. Тескари йўналишда, Тошкентга, автомобиль соат 14.20 да жўнайди ва 7 соат 50 минут йўлда бўлади, соат 21.50 да «Халқаро почта»га етиб келади, бунда у худди шу почта маршрути бўйича Фарғона, Қўқон ва Хонобод орқали юриб, худди шу тариха ҳар бир пунктда 20 минут давомида бир томонлама алмашувни амалга оширади.

Тошкент-Самарқанд-Тошкент почта маршрутнинг умумий масофаси 704 километрдан иборат, бунда йўл 10 соат 5 минутни ташкил этади. Почта алмашуви сарфланадиган умумий вақт тахминан 2 соат 50 минутни ташкил этади. Автомобиль «Халқаро почта»дан «Шарқ» НМАК пунктига соат 2.30 да етиб келади, у ердан бир соатдан кейин (соат 3.30 да) Гулистонга йўл олади. Бу пунктлар орасидаги 121 км масофани автомобиль 1 соат 45 минутда ўтади. Шу тариха, соат 5.15 да почта Гулистонга етиб келади, у ердан почта Сирдарё вилоятининг барча туманларига тақсимланади. Бу пунктда почта алмашуви ярим соат давом этади ва бир томонлама ҳисобланади.

Почта алмашуви бўйича кейинги пункт Жиззахда жойлашган. 122 километрдан иборат масофа 1 соат 45 минут давомида босиб ўтилади, яъни почта жойланган автомобиль соат 7.30 да почта алмашуви пунктига етиб келади, у ердан почта жўнатмалари Жиззах вилоятининг барча туманларига тақсимланади. Бу ерда бир томонлама почта алмашуви барча қолган пунктлардаги каби 20 минут давомида амалга оширилади. Кейин почта магистрал маршрути бўйича автомобиль Жиззахдан 106 км масофада жойлашган Самарқандга йўл олади. 1 соат 30 минутдан кейин соат 9.20 да автомобиль алмашув пунктига етиб келади ва бу ерда икки томонлама алмашув амалга оширилади. Самарқанддан почта Самарқанд вилоятининг барча туманларига тақсимланади. Тошкентдан Самарқандгача бутун масофа 349 километрни ташкил этади, йўлга сарфланадиган вақт 5 соат 5 минутни,

почта алмашувига сарфланадиган вақт – бир соат 10 минутни ташкил этади. Шу тариқа, бутун почта Тошкентдан охириги пункт Самарқанд шаҳригача соат 9.40 гача етказилади. Тескари йўналишда, Тошкентгача автомобиль соат 11.10 да йўлга тушади ва 5 соат йўлда бўлади, соат 16.35 да «Халқаро почта»га етиб келади, бунда худди шу почта маршрути бўйича Жиззах ва Гулистон орқали юриб, ҳар бир пунктда 20 минут давомида худди шу тарзда бир томонлама алмашувни амалга оширади.

2-жадвал. Тошкент-Самарқанд-Тошкент маршрути бўйича почта жўнатмалари билан алмашув графиги					
Тўғри ва тескари йўналиш				Масофа, км	Алмашув пунктининг номи
Йўлдаги вақт	Келиш	Алмашуш вақти	Жўна-тиш		
	2-00	0-30	2-30		Халқаро почтаamt (қабул қилиш)
0-05	2-35	0-55	3-30	6	«Шарк» НМАК (бир томонлама алмашув)
1-45	5-15	0-30	5-45	121	Гулистон (бир томонлама алмашув)
1-45	7-30	0-20	7-50	122	Жиззах (бир томонлама алмашув)
1-30	9-20	0-20	9-40	106	Самарқанд (икки томонлама алмашув)
Самарқандда тушлик вақти соат 1-30 (соат 9-40 дан 11-10 гача)					
1-30	12-40	0-20	13-00	106	Жиззах (бир томонлама алмашув)
1-45	14-30	0-20	14-50	122	Гулистон (бир томонлама алмашув)
1-45	16-35	0-30	17-05	121	Халқаро почтаamt (топшириш)

Тошкент-Қарши-Тошкент маршрутининг умумий масофаси 1038 километрни ташкил этади, бунда йўлга 14 соат 55 минут сарфланади (хам бориш, хам қайтиш). Почта алмашувига сарфланадиган умумий вақт тахминан 3,5 соатдан иборат. Почта маршрути Тошкент-Самарқанд почта марш-рути бўйича худди шу алмашув пунктлари орқали ҳаракатланади ва худди шунча вақтни сарфлайди. Фақат Самарқанддан автомобиль 9.50 да 167 км масофада бўлган алмашувнинг охириги пункти – Қарши шаҳрига йўл олади. 2 соат 25 минутдан кейин 10.25 да автомобиль икки томонлама алмашув амалга ошириладиган алмашув пунктига етиб келади.

Қарши шаҳридан почта Қашқадарё вилоятининг барча туманларига тақсимланади. Тошкентдан Қарши шаҳригача бўлган бутун масофа 522 км ни ташкил этади, йўлга сарфланадиган вақт 7 соат 30 минутдан, почта алмашувига – 1 соат 50 минутдан иборат. Шу тариқа, Тошкентдан бутун почта охириги пункт Қарши шаҳрига соат 12.45 гача етказилади. Тескари йўналишда, Тошкентга автомобиль соат 14.15 да йўлга тушади ва 7 соат 25 минут йўлда бўлади, соат 22.45 да «Халқаро почта»га етиб келади. Бунда автомобиль Самарқанд, Жиззах ва Гулистон орқали худди ўша марш-рут бўйича юради ва худди шунингдек ҳар бир пунктда 20 минут давомида бир томонлама алмашувни амалга оширади (3-жадвал).

3-жадвал. Тошкент-Қарши-Тошкент маршрути бўйича почта жўнатмалари билан алмашув графиги

Тўғри ва тескари йўналиш				Масофа, км	Алмашув пунктнинг номи
Йўлдаги вақт	Келиш	Алмашув вақти	Жўнатиш		
	2-00	0-30	2-30		Халқаро почтаamt (қабул қилиш)
0-05	2-35	0-55	3-30	6	«Шарқ» НМАК (бир томонлама алмашув)
1-45	5-15	0-30	5-45	121	Гулистон (бир томонлама алмашув)
1-45	7-30	0-20	7-50	122	Жиззах (бир томонлама алмашув)
1-30	9-20	0-30	9-50	106	Самарқанд (бир томонлама алмашув)
2-25	12-15	0-30	12-45	167	Қарши (икки томонлама алмашув)
Қаршида тушлик вақти соат 1-30 (12-45 дан 14-15 гача)					
2-25	16-40	0-20	17-00	167	Самарқанд (бир томонлама алмашув)

1-30	18-30	0-20	18-50	106	Жиззах (бир томонлама алмашув)
1-45	20-35	0-20	20-55	122	Гулистон (бир томонлама алмашув)
1-45	22-40	0-30	23-10	121	Халқаро почта (топшириш)

Тошкент-Бухоро-Тошкент маршрутининг умумий масофаси 1310 километрни ташкил этади, бунда йўл 18 соат 45 минутни ташкил этади (хам бориш, хам қайтиш). Почта алмашувига сарфланадиган умумий вақт тахминан 2 соатдан иборат. Машина «Халқаро почта»дан «Шарқ» НМАК пунктига соат 2.00 да етиб келади, у ердан бир соатдан кейин (соат 3.00 да) Навоийга йўл олади. Бу пунктлар орасидаги 524 км масофани автомобиль тахминан 7,5 соатда босиб ўтади. График бўйича почта Навоий шаҳрининг алмашув пунктида соат 11.00 да бўлиши керак, у ердан почта Навоий вилояти бўйича Зарафшон, Томди ва Учқудук туманларига тақсимланади. Ҳар бир пунктдаги почта алмашуви 20 минутни ташкил этади.

Маршрут бўйича кейинги алмашув пункти Бухорода жойлашган, у охириги ҳисобланади. 128 км масофа бир ярим соат давомида босиб ўтилади, яъни почта жойланган машина алмашув пунктига соат 13.10 га етиб келади, у ердан почта жўнатмалари Бухоро вилоятининг туманлари бўйича тақсимланади. Бу ерда ҳам почта алмашуви 20 минут давомида амалга оширилади.

Тошкентдан Бухорогача бўлган бутун масофа 658 километрни ташкил этади, йўлга сарфланадиган вақт 9 соат 25 минутдан, почта алмашуви учун – 40 минутдан иборат. Шу тариқа, бутун почта Тошкентдан охириги пункт бўлган Бухорога соат 13.30 гача етказилади. Тескари йўналишда, Тошкентгача автомобиль соат 15.00 да йўлга тушади ва 9 соат 20 минут йўлда бўлади.

4-жадвал. Тошкент-Бухоро-Тошкент маршрути бўйича почта жўнатмалари билан алмашув графиги					
Тўғри ва тескари йўналиш				Масофа, км	Алмашув пунктининг номи
Йўлдаги вақт	Келиш	Алмашув вақти	Жўнатиш		
	1-30	0-30	2-00		Халқаро почтаamt (қабул қилиш)
0-05	2-05	0-55	3-00	6	«Шарқ» НМАК (бир томонлама алмашув)
7-30	11-00	0-20	11-20	524	Навобий (бир томонлама алмашув)
1-50	13-10	0-20	13-30	128	Бухоро (бир томонлама алмашув)
Бухорога келиш вақти 1-30 (13-30 дан 15-00 гача)					
1-50	16-50	0-20	17-10	128	Навобий (бир томонлама алмашув)
7-30	00-40	0-30	1-10	524	Халқаро почтаamt

Почта жўнатмалари ва даврий матбуот Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятларига ва Қорақалпоғистон Республикасига «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК авиа рейслари билан қуйидаги йўналишларда ташилади:

Тошкент-Нукус, тўғри йўналишда масофа 1107 километрни ташкил этади, якшанбадан ташқари, ҳафтанинг барча кунлари.

Тошкент-Урганч, тўғри йўналишда масофа 1050 километрни ташкил этади, якшанбадан ташқари, ҳафтанинг барча кунлари.

Тошкент-Термиз, тўғри йўналишда масофа 657 километрни ташкил этади, якшанбадан ташқари, ҳафтанинг барча кунлари.

Тошкент-Бухоро, тўғри йўналишда масофа 549 километрни ташкил этади, якшанбадан ташқари, ҳафтанинг барча кунлари.

Тошкент-Қарши, масофа 433 километрни ташкил этади, якшанбадан ташқари, ҳафтанинг барча кунлари.

Тошкент-Навоий, масофа 434 километрни ташкил этади, якшанбадан ташқари, ҳафтанинг барча кунлари.

Тошкент-Самарқанд, масофа 281 километрни ташкил этади - душанба кунлари ва Тошкент-Наманган – 283 км, Тошкент-Фарғона – 308 км, Тошкент-Андижон – 343 км, душанба кунлари.

Почта ташиш магистрал тармоғининг математик модели бўлиб, чўққилари почта алоқаси тармоғининг магистрал узеллари ҳисобланган граф хизмат қилиши мумкин. Икки магистрал узеллари ўртасида ўта юкланишларсиз бевосита алоқа мавжуд бўлганда, бу икки узелни белгилайдиган графнинг икки чўққиси қирра билан боғланган. Транспорт воситаси ҳаракатининг ҳар бир маршрути бир нечта шундай қирраларни ҳосил қилади; бундай маршрут ўтайдиган ҳар бир чўққи маршрутдаги барча кейинги чўққилар билан шундай қирра орқали боғланган. Ҳаракатланиш йўллари бири-бирига мос келган тўғри ва тесқари маршрутлар мавжуд бўлса, моделдаги бу жуфтликка тўлиқ граф мувофиқ келади.

Икки узеллар ўртасида почтани ташиш тармоғининг моделида биттадан ортиқ ёй мавжуд бўлиши мумкин. Ҳал этилаётган масалага боғлиқ ҳолда бу ёйлар бирлаштирилиши ёки алоҳида ҳисобга олиниши мумкин. Шунингдек, граф берилишининг икки имконияти мавжуд. Уларнинг бирида транспорт

воситалари ҳаракатининг маршрутлари берилади, ёйлар ва уларнинг сонли тавсифлари масалани ҳал этиш давомида ҳисоблаб чиқилади. Бошқасида – масала ҳал этилгунча махсус алгоритм ёрдамида ёйларга қайта ўзгартирилади. У ёки бу ёндошувнинг мақсадга мувофиқлиги масаланинг аниқ мазмуни билан белгиланади.

Магистрал почта ташишнинг йўллари аниқлаш масаласини ечиш учун кўриб чиқиладиган моделга бир қатор тушунчалар киритилиши мумкин.

Магистрал почта оқими деганда ҳар бир алоқанинг магистрал узелида ҳосил бўладиган ва ҳар қандай бошқа магистрал узелга жўнатиш учун мўлжалланган почта жўнатмалари сони назарда тутилади. Бир кеча-кундуздаги бу оқимнинг катталиги юкланиш деб аталади. Почта алоқаси учун юкланишнинг ҳафта кунлари ва йил ойларига боғлиқлиги ўзига хосдир. Бу боғлиқлик тасодифий характерга эга, функционал боғлиқлик билан характерланиши ва олдиндан ҳисоблаб чиқилиши мумкин эмас, шунинг учун ташишларни режалаштиришда бир кеча-кундуздаги ўртача юкланишдан фойдаланилади. Моделда юкланиш матрицага ёзилади, унинг i -қатори ва j -устунлари кесишувида турган элементи графнинг i -чўққисидан j -чўққисига йўналтириладиган оқимнинг бир кеча-кундуздаги ўртача катталигини кўрсатади.

Корхонанинг ўтказиш қобилияти деганда у томонидан бир кеча-кундузда ишлов берилиши мумкин бўлган почта жўнатмаларининг сони тушунилади. Ўтказиш қобилияти бир қатор омилларга боғлиқ, улардан асосийлари ишлаб чиқариш майдони, механизациялаш даражаси, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, бир кеча-кундуз давомида келиб тушишнинг нотекислиги, транспортни жўнатиш частотаси ва вақти ҳисобланади. Ташишларни режалаштиришда ўртача оқимдаги ўтказиш қобилияти қизиқиш уйғотади.

Ушбу қирра бўйича маҳсулот бирлигини ташиш қиймати ва қирра узунлиги деганда ҳар бир қирра ёки граф ёйи учун белгиланган қиймат тушунилади. Маҳсулот бирлиги деганда қўйилган вазифанинг аниқ мазмунига боғлиқ ҳолда хатлар жойланган қоп, посылкали контейнер, битта посылка тушунилади. Иккита узеллар ёки узелларнинг ҳар бир жуфтлиги ўртасидаги масофа ташиш «қиймати» бўлиши мумкин. Агар бизни жўнатувчидан олувчигача бўлган йўлда ўта юкланишлар сони қизиқтирса, у ҳолда ҳар бир қирранинг узунлиги бирга тенг деб олинади.

Почта жўнатмаларининг янада тезроқ ҳаракатланишини таъминлайдиган ташишнинг магистрал режаларини ҳисоблашда графнинг ҳар бир чўққисига ушбу узелда почта жўнатмаларига ишлов беришнинг назорат вақти, ушбу алоқаси узелида почтани жўнатишга тайёрлик вақти мувофиқликка келтирилган бўлиши керак. Ҳал этилиши магистрал режаларни тузиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган оптималлаштиришнинг умумий вазифасини ифодалаймиз.

Хат-хабарлар билан алмашадиган иккита магистрал узелни ёки графнинг тегишли чўққиларини кўриб чиқамиз. Чўққилардан бири – w_s , бошқаси эса – w_t сток бўлсин. Манбадан стокка келадиган оқимни $(x_1, \dots, x_j, \dots, x_n)$ кўриб чиқамиз. d_j ёйлари $x_j > 0$ билан w_s дан w_t гача бўлган йўлни ҳосил қилади, у w_s дан w_t гача бўлган йўлга кирадиган чўққилар ва (ёки) ёйлар рўйхати сифатида белгиланиши мумкин. Шу орқали почтанинг w_s дан w_t гача почтанинг йўналиш режаси аниқланади. Шу тариқа, режалаштириш вазифаси хат-хабарлар билан алмашувчи барча магистрал узеллар ўртасидаги оқимларни аниқлаш вазифаси сифатида ифодаланиши мумкин, бунда оқимларнинг йўналишларини танлаш маълум мезонга жавоб бериши керак.

Почтани ташиш магистрал тармоғида бир вақтнинг ўзида бир нечта бири-бирига ўзаро силжимайдиган оқимлар мавжуд, уларнинг ҳар бири ўзининг оқими ва (ёки) стоки билан тавсифланади. Бу ҳолатни q : $X^q = (x_1^q, \dots, x_j^q, \dots, x_n^q)$ оқим рақамини киритиш орқали акс эттириш зарур. Ҳар бир X^q оқимни ва рад этмасликни сақлаш шартларига жавоб бериши керак.

$$AX^q = V^q; X^q \geq 0, \quad (13)$$

бу ерда V^q – барча элементлари нолга тенг бўлган вектор, q рақам билан белгиланган манба ва стокка тегишли бўлганлардан ташқари. Бу элементлар мос равишда v_q ва v_q га тенг; A – ташиш тармоғининг модели бўлган граф инцидентиялари матрицаси. A матрица m қаторлар ва n устунларидан иборат, бунда m ва n – графнинг чўққилари ва қирралари сони.

Шартлардан ташқари (13) X^q оқимлари режалаштиришнинг баъзи вазифаларида қўшимча шартларга жавоб бериши керак. Улардан энг муҳими w_i чўққисининг ўтказиш қобилияти барча оқимлари суммасидан ошмаслиги керак:

$$\sum_{q=1}^r \sum_{j \in S^+(w_i)} x_j^q \leq h_i, \quad (14)$$

бу ерда h_i - w_i чўққисининг ўтказиш қобилияти; r - хат-хабарлар билан алмашадиган тармоқдаги узеллар жуфтларининг сони; $S^+(w_i)$ - w_i узелга йўналтирилган кўплаб ёйлар; $i = 1, \dots, m$.

$G_i = (g_{i1}, \dots, g_{ij}, \dots, g_{in})$ векторни кўриб чиқамиз. d_j қирраси w_i чўққисига ва тескари ҳолда нолга йўналтирилган бўлса, бу векторнинг g_{ij} элементи 1 га тенг. G вектор инциденциялар матрицасининг қатори ҳисобланади, унда 1 элементлари нолга алмаштирилган.

У ҳолда $\sum_{j \in S^+(w_i)} x_j^q = G_i X^q$ кўринишда ёзиш мумкин, бунда (14) тенгламаси куйидагича кўринишда бўлади:

$$G_i \sum_{q=1}^r X^q \leq h_i. \quad (15)$$

Чизикли мезонлар классдаги оптималлаштириш вазифасининг мезонини қидириб топамиз. $C = (c_1, \dots, c_j, \dots, c_n)$ ва c_j - d қирраси бўйича оқим бирлигини ташишнинг «нархи» бўлсин, уни d_j қиррасининг узунлиги деб қабул қилиш мумкин. У ҳолда $X^1, \dots, X^q, \dots, X^r$ оқимларнинг чизикли функцияси куйидагича ёзилиши керак:

$$z = CX^1 + \dots + CX^q + \dots + CX^r = C(X^1 + \dots + X^q + \dots + X^r). \quad (16)$$

μ^q - ёйлар рўйхати кўринишида берилган баъзи манбадан стоккача бўлган йўл (d_{q1}, \dots, d_{qk}) бўлсин. Йўлнинг узунлигини бу йўлга кирадиган ёйлар узунлигининг суммаси сифатида аниқлаймиз:

$$l_q = \sum_{d_{qj} \in \mu^q} c_j \text{ ёки } l_q C Y^q, \quad (17)$$

бу ерда $Y^q = (y_{q1}, \dots, y_{qj}, \dots, y_{qn}) - d_{qj} \in \mu^q$ га ва акс ҳолда нолга тенг бўлса, y_{qj} - бирга тенг бўлади.

Чизиқли тенгламалар тизимининг ечими (13) қуйидаги кўринишда берилиши мумкин

$$X^q = v_q Y^q. \quad (18)$$

(17) ва (18) формаларни ёнма-ён қўйиб, қуйидаги натижани оламиз

$$z = Cv_1 Y^1 + \dots + Cv_q Y^q + \dots + Cv_r Y^r = v_1 l_1 + \dots + v_q l_q + \dots + v_r l_r. \quad (19)$$

Йўлнинг ўртача узунлигини киритамиз

$$\bar{l} = \frac{1}{v} \sum_{q=1}^r v_q l_q, \text{ бу ерда } v = \sum_{q=1}^r v_q. \quad (20)$$

(19) ва (20) формулаларни таққослаш шуни кўрсатадики, чизиқли мақсадли функция тармоқдаги йўлнинг ўртача узунлигига пропорционалдир, бунда v пропорционаллик коэффиценти оқимларни тақсимлаш режасига боғлиқ эмас.

Оптималлаштиришнинг танланган мезони почта жўнатмалари йўналишининг фойдаланиладиган принципларига мос келади. Хат-хабарлар йўналишининг режаларини тузишда унинг янада тезроқ ўтишини таъминлайдиган жўнатиш йўли танланади. Бу принципга жавоб берадиган йўлларнинг танланишини таъминлаш учун ёй бўйича ташиш «нархи» ташиш вақти деб ҳисоблаш ва мақсадли функциянинг минимумини таъминлайдиган йўлларни аниқлаш керак.

Посилкали почта йўналишининг режаларини тузиш ишлов бериш учун катта майдонлар, кўпгина меҳнат сарфлари талаб этилишидан келиб чиқади. Шунинг учун, имкониятга кўра, йўлда уни ортиқча юкламасдан жўнатиш

кўзда тутилади. Агар икки чўққи ўртасида ёй мавжуд бўлса ва акс ҳолда $c_j = \infty$ бўлса, ва функциянинг минимуми топилса, $c_j = 1$ деб тахмин қилинса, бундай йўлларни олиш мумкин.

Шундай қилиб, чеклашларни ҳисобга олган ҳолда (9) почта ташишнинг магистрал режаларини аниқлаш масаласи куйидаги чизиқли дастурлаш масаласи кўринишида ифодаланиши мумкин:

$$\begin{aligned}
 \min z &= C(X^{-1} + \dots + X^q + \dots + X^r); \\
 G_1(X^{-1} + \dots + X^q + \dots + X^r) &\leq h_1; \\
 &\vdots \\
 G_m(X^{-1} + \dots + X^q + \dots + X^r) &\leq h_m; \\
 AX^{-1} &= V^{-1}; \\
 &\vdots \\
 AX^q &= V^q; \\
 &\vdots \\
 AX^r &= V^r.
 \end{aligned} \tag{21}$$

Узеллар ва ёйларнинг ўтказиш қобилияти ҳисобга олинмаса, масаланинг умумий кўйилиши анча соддалаштирилиши мумкин. Бунда ўтказиш қобилиятлари шунчалик каттаки, ҳар доим ушбу узел ёки ёй орқали ўтадиган оқимнинг катталигидан ошиб кетади деб ҳисобланади. Бу ёзма хат-хабарларни ташиш учун характерлидир.

Ёзма хат-хабарларни ташиш режаларини тузишда унинг олувчисига тезроқ етказилиши мезон бўлиб ҳисобланар экан, оптималлаштириш вазифасининг мақсадли функцияси тармоқнинг барча узеллари ўртасида ташиш учун вақтнинг минимумини таъминлаши керак. Шу тариқа, алгоритмни тузиш учун асос бўлиб, энг қисқа йўлларни аниқлаш методлари хизмат қилиши мумкин, булар - Дейкстра алгоритми ва Флойд алгоритми.

Дейкстра алгоритми кирраларнинг манфий бўлмаган узунликлари учун фойдаланилади ва берилган икки чўққилар ўртасида энг қисқа йўлни ёки берилган чўққидан тармоқнинг қолган барча чўққиларига энг қисқа йўлларни аниқлаш имконини беради.

Алгоритм тармоқ чўққиларига вақтинча ёки доимий белгиларни кўйишга асосланган. Алгоритмнинг ҳар бир итерациясида белгилар катталиги камаяди ва вақтинча белгилардан фақат биттаси доимий бўлади. Бу, w_s

чўққидан белгиси доимийга айланган чўққигача бўлган энг қисқа йўл топилганлигини кўрсатади. m – тармоқдаги чўққилар сони бўлган m итерациялардан кейин барча чўққиларга энг қисқа йўллар топилади. Алгоритмнинг тавсифи ва у энг қисқа йўлларни аниқлаш имконини беришининг исботи.

Қуйидаги белгилар киритилади:

c_{ij} - w_i ва w_j чўққилар ўртасидаги ёйнинг узунлиги

l'_i - w_i чўққининг вақтинча белгиси

l_i - w_i чўққининг доимий белгиси

m - тармоқдаги чўққилар сони

Алгоритмнинг тавсифи:

1. $i = 1, \dots, m; j = 1, \dots, m; i = 1, \dots, m; p = s$

2. Вақтинча белгили w_p чўққининг барча қўшнилари учун қуйидаги ифодага мувофиқ белгилар ўзгартирилсин:

$$l'_i = \min(l'_i; l_p + c_{pi}). \quad (22)$$

3. Вақтинча белгиларга эга барча чўққилар учун $l_i = \min l'_i$ топилсин.

4. $p = r, k = k + 1$ қўйилсин.

5а. w_t узелигача энг қисқа йўлни аниқлаш талаб қилинса: $p = t$ да ҳисоблашлар тугалланган, энг қисқа йўл топилган; бу тенглама бажарилмаганда 2-қадамга ўтилсин.

5б. Агар тармоқнинг барча чўққиларигача бўлган энг қисқа йўлларни аниқлаш талаб қилинса: $k = m$ да ҳисоблашлар тугалланган, акс ҳолда 2-қадамга ўтилсин.

Алгоритм энг қисқа йўлларни аниқлашга имкон беришининг исботига ўтамин. $w_s, \dots, w_j, \dots, w_t - w_s$ дан w_t гача энг қисқа йўл бўлса, у ҳолда $w_s, \dots, w_j -$

w_s дан w_j гача энг қисқа йўл деб белгилаб қўйилади. Шундай бўлмаганда, w_s дан w_j гача йўлнинг узунлигини камайтириш мумкин бўлар эди, бунинг натижасида w_s дан w_j гача йўл қисқаради.

Биринчи итерацияда алгоритм w_s га яқинроқ бўлган чўққини топади. Бу итерация учун иккинчи қадамда w_s дан барча қўшни бўлган чўққиларгача бўлган масофа жойлашган, учинчи қадамда эса, минимал масофага эга бўлган чўққи танланади. Узунликларнинг манфий бўлмаслиги оқибатида бошқа қўшни чўққилар орқали танланган чўққига ўтадиган йўлнинг ҳеч қандай узунлиги аниқланган ушбу узунликдан кам бўлиши мумкин эмас.

k – қадамда w_2, \dots, w_k чўққигача энг қисқа йўллар тузилган, w_p чўққи $k + 1$ қадамда доимий белгига эга. У ҳолда $2l_p - w_1, \dots, w_k$ чўққилар орқали ўтадиган w_p гача бўлган масофадир, w_1, \dots, w_k чўққиларгача энг қисқа йўллар қурилган. w_j – энг қисқа йўл қурилмаган чўққи бўлсин. Аммо 3-қадам ва ёйлар узунликларининг манфий эмаслиги туфайли w_p гача йўл w_j орқали ўтиши мумкин эмас. Охиргиси w_p гача энг қисқа йўл қурилганлигини исботлайди. Индукциягача алгоритм тармоқ чўққиларигача энг қисқа йўлларни қуриши керак.

Дейкстра алгоритми барча маълум бўлган алгоритмлардан энг тежамлисидир. Берилган чўққидан барча бошқа чўққиларгача энг қисқа йўлларни аниқлаш учун зарур бўлган операциялар миқдорини юзаки қўпол баҳолаш $3m^2$ ни беради. Реал равишда бу миқдор графдаги қирралар сонига ва кўрсатилган катталиқдан анча камлигига боғлиқдир. $w_s = w_1, \dots, w_s = w_m$ ни кетма-кет қабул қилиб, алгоритмдан тармоқнинг барча чўққилари ўртасида энг қисқа йўлларни аниқлаш учун фойдаланиш мумкин. Бу ҳолда операциялар сонининг юқори баҳоси $3m^3$ ни ташкил этади.

Флойд алгоритмидан қирраларнинг ихтиёрий, шу жумладан манфий бўлган узунликлари учун қўлланилади. У тармоқ чўққиларининг барча жуптлари ўртасида энг қисқа йўлларни аниқлаш имконини беради. Метод дастлаб тармоқнинг барча ёйлари c_{ij} узунликлари ёзилган S матрицанинг кетма-кет қайта ўзгартирилишига асосланган. Мўлжалланмаган қирра бўлганда, унга мувофиқ иккита ёй қўйилади.

Алгоритмнинг тавсифи:

1. Элементи қуйида кўрсатилган S матрицани ифодалаш:

0, агар $i=j$;

c_{ij} бундай ёй бўлса, w_i ва w_j ўртасидаги ёй узунлиги;



$k = 1$ ни қўямиз.

2. Барча $i \neq k$, $j \neq k$ учун $c_{ij} = \min[c_{ij}, (c_{ik} + c_{kj})]$ операциясини амалга ошириш.

3. Агар $c_{ii} < 0$ бўлса, у ҳолда қаторда w_i чўққига эга бўлган манфий узунлик цикли мавжуд. Ечими чекланмаган. Акс ҳолда 4-қадамга борилади.

4. Агар $k = m$ бўлса, ҳисоблашлар тугалланган, масаланинг ечими аниқланган. Агар бундай бўлмаса, 2-қадамга ўтилади.

5. $k = k + 1$, ни қўйиб, 2-қадамга ўтилади.

Агар магистрал маршрутлар тармоқлари ҳолатидаги каби барча ёйларнинг узунликлари манфий бўлмаса, 3-қадамни истисно этиш мумкин.

Флойд алгоритмидаги операциялар миқдорининг юқори баҳоси $2m^3$ ни ташкил этади, яъни у Дейкстра алгоритмидан тармоқнинг барча чўққилари ўртасидаги энг қисқа йўллари аниқлаш учун фойдаланилса, Дейкстра алгоритмига нисбатан 1,5 баравар тезроқ ишлайди.

Флойд алгоритмининг тўғри ишлашини исботлаймиз. Иккита w_p ва w_q ихтиёрий чўққилар ўртасидаги энг қисқа, эҳтимол фиктив бўлган ёйни базисли деб атаймиз. У ҳолда w_p ва w_q ўртасидаги энг қисқа йўлни аниқлаш вазифаси базисли ёйни аниқлашдан иборат бўлади. w_k – минимал индексга эга w_p дан w_q гача бўлган энг қисқа йўлдаги оралик узел, w_i ва w_j – бундай йўлдаги ушбу узелнинг ёндошлари ҳисобланади. Флойд алгоритмининг 2-қадамини бажаришда w_i , w_j узеллари ўртасидаги базисли ёй ҳосил қилинади. Шундан

кейин w_k узелини тармоқдан чиқариш ва минимал индекс билан кейинги узел учун итерацияни такрорлаш мумкин бўлади. Шу тариқа, барча оралиқ узеллар кўриб чиқилганидан кейин w_p ва w_q ўртасидаги базисли ёй аниқланиши мумкин.

Бунда қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Почта алоқасидаги самарадорликнинг берилган мезони бўйича оптималлаштириш масалаларини ечиш иқтисодий-математик методлар ва моделлар ёрдамида амалга оширилади. Бунда почта жўнатмаларини ташишни ташкил қилишда чизикли дастурлаш, динамик дастурлаш ёки графлар назариясини қўллаш мумкинлиги қайд этилади.

2. Почта жўнатмаларини ташишнинг магистрал маршрутларини оптималлаштириш масалаларини ечиш учун тармоқда оптималлаштиришнинг кўриб чиқилган алгоритмларидан бири – Дейкстра алгоритми ёки Флойд алгоритмидан фойдаланиш мумкин.

Вақт минимуми мезони бўйича ташиш йўллари аниқлаб, почта жўнатмаларини ташиш режасини тузиш мумкин. Мисол учун, Наманган, Фарғона ва Андижон йўналишлари бўйича почта жўнатмаларини ташиш магистрал маршрутларининг йўналиш режасини тузамиз. Тошкентдан Хонободгача бўлган масофа 218 километрни ташкил этади. Автомобиль 70 км/соат тезлик билан ҳаракатланганда, ушбу масофани қанча вақтда ўтиши аниқланади:

$$t_{\text{Тошкент}-\text{Хонобод}} = \frac{218}{70} \approx 3 \text{ соат } 10 \text{ минут}$$

«Халқаро почта»дан почтани олиб, автомобиль даврий нашр учун «Шарк» НМАКга жўнайди. Хонободда ҳудудий алмашув пункти ташкил қилинганлигини ҳисобга олиб қуйидаги режани тузамиз (5-жадвал).

Хонободга Тошкентдан автомобиль келган вақтига Андижон ва Фарғонадан машиналар келиши зарурлигини ҳисобга олиб, Андижондан Хонободга ва Фарғонадан Хонободга почта йўналишининг режасини тузамиз.

5-жадвал. Тошкент-Хонобод-Тошкент маршрути бўйича почта жўнатмалари билан алмашув графиги					
Тўғри ва тескари йўналиш				Масофа, км	Алмашув пунктининг номи
Йўлдаги вақт	Келиш	Алмашув вақти	Жўнатиш		
	1-45	0-30	2-15		Халқаро почтаamt (қабул қилиш)
0-05	2-20	0-55	3-15	6	«Шарқ» НМАК (бир томонлама алмашув)
3-10	6-25	0-40	7-05	218	Хонобод (икки томонлама алмашув)
3-10	10-15	0-30		218	Халқаро почтаamt (топшириш)

Бунинг учун Андижондан Намангангача 75 км масофада 70 км/соат тезлик билан ўтиши учун сарфланадиган вақт аниқланади:

$$t_{\text{Андижон-Хонобод}} = \frac{75}{70} \approx 1 \text{ соат } 5 \text{ минут.}$$

Намангандан Хонободгача 90 км масофада ўтиши учун сарфланадиган вақт аниқланади:

$$t_{\text{Наманган}-\text{Хонобод}} = \frac{90}{70} \approx 1 \text{ соат } 20 \text{ минут.}$$

Кўрсатилган масофада ўтиш учун сарфланадиган вақтни билган ҳолда йўналишлар ва почта алмашувининг режасини тузишимиз мумкин (6-жадвал):

Фарғонадан Қўқонгача 108 км масофада ўтиш учун сарфланадиган вақт аниқланади:

$$t_{\text{Андижон}-\text{Хонобод}} = \frac{108}{70} \approx 1 \text{ соат } 35 \text{ минут.}$$

Қўқондан Хонободгача 45 км масофада ўтиш учун сарфланадиган вақт аниқланади:

$$t_{\text{Андижон}-\text{Хонобод}} = \frac{45}{70} \approx 1 \text{ соат } 20 \text{ минут.}$$

Кўрсатилган масофада ўтиш учун сарфланадиган вақтни билган ҳолда йўналишлар ва почта алмашувининг режасини тузишимиз мумкин (7-жадвал):

**6-жадвал. Фирғани-Кўкөн-Ҳонобод-Кўкөн-Фарғона йўл қўрағани бўйича
бўйича почта жўнатмалари билан алмашув графиги
почта жўнатмалари билан алмашув графиги**

Тўғри ва тескари йўналиш Тўғри ва тескари йўналиш				Масофа, Масофа, км км	Алмашув Алмашув пунктининг номи пунктининг НОМИ
Йўлдаги Йўлдаги вақт вақт	Келиш Келиш	Алмашув Алмашув вақти вақти	Жўнатиш Жўнатиш		
	3-30 3-30	0-20 0-20	3-50 3-50		Фарғона Фарғона (қабул қилиш) (қабул қилиш)
1-05 1-35	5-25 5-25	0-20 0-20	5-45 5-45	108 108	Кўкөн Кўкөн (қабул қилиш) (қабул қилиш)
1-20 0-40	6-25 6-25	0-40 0-40	7-05 7-05	45 45	Ҳонобод (икки Ҳонобод (икки томонлама томонлама алмашув) алмашув)
1-20 0-40	7-45 7-45	0-20 0-20	8-05 8-05	45 45	Кўкөн Кўкөн (топшириш) (топшириш)
1-05 1-35	9-40 9-40	0-20 0-20		108 108	Фарғона Фарғона (топшириш) (топшириш)

Ҳисоблаб чиқилган ҳисоблашлар асосида қуйидаги хулосани чиқариш мумкин:

1. Дейкстра алгоритмидан фойдаланиб, Андижонгача почта жўнатмаларининг ўтиш маршрутини анча қисқартиришга эришилди. Андижонгача почта ўтиши учун сарфланган вақт 3 соатгача қисқарди.

2. Ҳудудий почта алмашув пунктларини ташкил қилиш почта жўнатмаларининг ўтиш муддатини Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларининг ҳудудларида мос равишда қисқартириш имконини беради.

IV. БЎЛИМ

АМАЛИЙ МАШЎУЛОТ
МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Почта алоқаси ишлаб чиқариш жараёнларини техник-иқтисодий ҳисоблаш

1-машғулот ишига амалий вазифалар:

1. Почта жўнатмаси деганда нима тушунилади?
2. Қандай почта жўнатмалари ички, халқаро почта жўнатмалари деб номланади?
3. Почта жўнатмаларининг турларини ва улар тоифаларини айтинг.
4. Почта жўнатмаларининг ўтиш босқичларини санаб ўтинг, ҳар бир босқич нималарни ўз ичига олади?
5. Почта алоқасидаги ишлаб чиқариш жараёни нимадан иборат?
6. Почта алмашинувининг турларини ва уларнинг характеристикаларини санаб ўтинг.
7. Чиқувчи почта алмашинуви деганда нима тушунилади?
8. Почта оқимига изоҳ беринг.
9. Почта алоқаси объектларининг турларини санаб ўтинг.
10. Почтамт, халқаро почтамтга характеристика беринг.

2-амалий машғулот. Ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш ва ишлаб чиқариш цикллари даврийлигини ҳисоблаш шакллари

2-машғулот ишига амалий вазифалар:

1. Почта алоқаси бўлимларининг қандай турларини биласиз?
2. Хизмат кўрсатиш шароитлари бўйича қандай почта алоқаси бўлимлари бўлади?
3. Тармоқ ва почта қутиларининг нормативлари ким томонидан тасдиқланади?
4. Манзилгоҳларнинг қайси гуруҳлари бўйича шаҳар жойларидаги почта алоқаси бўлимларининг керакли миқдори ҳисобланади. Бу гуруҳларни санаб ўтинг.
5. Аҳолининг қайси гуруҳлари бўйича қишлоқ жойларидаги почта алоқаси бўлимларининг миқдори саналади? Бу гуруҳларни санаб ўтинг.
6. Шаҳар жойларидаги почта алоқаси бўлимларининг керакли миқдори қандай ҳисобланади?
7. Қишлоқ жойларидаги почта алоқаси бўлимларининг керакли миқдори қандай ҳисобланади?
8. Шаҳар жойларида почта қутиларининг тармоғи қандай ҳисобланади?
9. Қишлоқ жойларида почта қутиларининг тармоғи қандай ҳисобланади?
10. «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонунда почта жўнатмаларини ташиш учун транспортдан фойдаланишда почта алоқасининг операторлари ва провайдерлари учун қандай афзалликлар

белгиланган?

3-амалий машғулот. Иш жойларини ташкил этиш ва уларнинг сонини ҳисоблаш

3-машғулот ишига амалий вазифалар:

1. Почта алоқаси ягона транспорт тизими тузилишининг асосий принциплари қандай?
2. Почта жўнатиш режалари нимани белгилайди? Почта йўналишининг вилоят ва батафсил режаларига тавсиф беринг.
3. Почта ортилган транспортнинг ҳаракатланиш жадвалларини ишлаб чиқишда қайси омиллар ҳисобга олинади?
4. Почта йўналиши, транспортнинг ҳаракатланиш графиги, жадвали деганда нима тушунилади?
5. Почта ортилган транспортнинг ҳаракатланиш частотасини белгилашда нима ҳисобга олинади?
6. Йўлда почтани ким кузатади ва қўриқлайди?
7. Почтани алмашиш тартиби қандай?
8. Почта йўналиши бўйича ким томонидан жўнатилади?
9. Почта йўналишларининг турларини санаб ўтинг.
10. Автомобиль транспортдан қайси йўналишларда фойдаланилади?

4-амалий машғулот. Операцион залларида иш жойларини оптимал ташкил этиш

4-машғулот ишига амалий вазифалар:

1. Почта йўналишлари тузилиш шаклига кўра қандай бўлади?
2. Автомобиль транспортининг ҳаракатланишини ташкил қилишнинг қайси турларини биласиз?
3. Автомобиль транспортдан фойдаланишнинг афзалликлари ва камчиликлари нимадан иборат?
4. Автомобиль турини танлаш учун нима дастлабки маълумотлар бўлиб ҳисобланади?
5. Почта вагонининг ўзи нима?
6. Қайси почта йўналишларида темир йўл транспортдан фойдаланилади?
7. Почта вагонлари билан алмашиш тартиби қайси ҳужжатлар билан тартибга солинади?
8. Почта қандай вагонларда ташилиши мумкин?
9. Почта вагонлари қандай поездларнинг таркибига киритилади?
10. Сайёр бригаданинг таркиби қандай?

5-амалий машғулот. Почтани жўнатиш режаларини тузиш. Почтани жўнатиш ички ва халқаро режалари

5-машғулот ишига амалий вазифалар:

1. Почта вагонлари билан алмашиш тартиби қандай?

2. Почтани ташиш учун қайси йўналишларда авиатранспорт қўлланилади?
3. Почтани авиатранспорт билан ташиш қандай ташкил қилинади?
4. Почта алоқаси объектларининг аэропортлар билан почта алмашиш тартиби қандай?
5. Почта ташиш учун авиатранспортдан фойдаланиш афзалликлари ва камчиликлари қандай?
6. Почта алоқалари ривожланишини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар нимада ифодаланади?
7. Почтани ташиш учун фойдаланиладган транспорт турларини санаб ўтинг.
8. Почта йўналиши нима?
9. Почта йўналишларининг қандай турларини биласиз?
10. Почта йўналишлари тузилиш шакли бўйича қандай бўлади?

6-амалий машғулот. Почта жўнатиш учун транспорт воситалари турлари ва сонини белгилаш

6-машғулот ишига амалий вазифалар:

1. Почтани ташишда транспорт ҳаракатини ташкил қилишнинг қандай турларидан фойдаланилади?
2. Магистрал почта алоқасининг вазифаси ва функцияларини кўрсатинг.
3. Магистрал почта алоқасининг ташкилий-техник асосини нима ташкил қилади?
4. Магистрал почта йўналиши нима?
5. Почтани магистрал почта йўналишлари бўйича ташиш учун транспорт воситаларини танлаш ким томонидан амалга оширилади?
6. Магистрал почта йўналишларида транспортнинг ҳар хил турларини самарали қўллаш чегаралари қандай ?
7. Магистрал почта йўналишини лойиҳалаштиришнинг асосий принципларини санаб ўтинг.
8. Магистрал почта алоқалари лойиҳаси нимани кўзда тутуди?
9. Вилоят ичидаги почта алоқасининг вазифаси ва функцияларини кўрсатинг.
10. Почта алоқаси объектларининг қайси типлари асосида вилоят ичидаги почта алоқаси курилади?

7-амалий машғулот. Почта алоқаси объектлари ва пунктлари тармоғини жойлаштириш ва ривожлантириш

7-машғулот ишига амалий вазифалар:

1. Вилоятчи почта йўналиши нима?
2. Почтани вилоят ичидаги почта йўналишлари бўйича ташиш учун транспорт воситаларини танлаш қандай амалга оширилади?

3. Вилоят ичидаги почта алоқасининг асоси нима?
4. Вилоят ичидаги почта алоқаси лойихасини ишлаб чиқишда қандай масалалар ҳал қилинади?
5. Туман ичи почта алоқаси тузилишининг асосий принципларини санаб беринг?
6. Туман ичи почта алоқасининг марказий почта алоқаси объектини кўрсатинг, унинг функцияларини санаб беринг.
7. Қишлоқ почта алоқаси бўлимларининг асосий вазифалари қандай?
8. Кўчма почта алоқаси бўлимларининг функциялари қандай, улар қайси ҳолларда ташкил қилинади?
9. Штатдан ташқари почта алоқаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатиладиган пунктлар қайси ҳолларда ташкил қилинади, уларнинг функциялари қандай?
10. Туман ичи почта алоқалари учун транспорт воситаларини танлашнинг асосий мезонларини санаб беринг.

8-амалий машғулот. Туман почта алоқаси объектлари ва пунктлари тармоғини ҳисоблаш

8-машғулот ишига амалий вазифалар:

1. Етказиб бериш участкаси нима? Етказиб бериш участкаларининг керакли миқдори қандай аниқланади?
2. Шаҳар почта алоқасини ташкил қилишда почта алоқаси умумий тизими тузилишининг асосий принциплари қандай?
3. Почтага марказлаштирилган ишлов бериш тизими нима? Унинг афзал томонларини санаб ўтинг.
4. Почтага марказлаштирилмаган ва аралаш ишлов бериш тизимлари деганда нима тушунилади?
5. Шаҳарларда қандай почта йўналишлари ташкил қилинади?
6. Шаҳарда махсус почта йўналишлари қайси ҳолларда ташкил қилинади?
7. Почтани шаҳар ичида ташишни бирлаштириш усулларини санаб беринг?
8. Етказиб бериш участкаларини лойихалаштиришда қандай маълумотлардан фойдаланилади?
9. Прогноз қилинадиган даврда етказиб бериш участкаларининг керакли миқдори қандай аниқланади?
10. Почтальон ишининг таркибий элементларини санаб беринг.

У БЎЛИМ

КЕЙСЛАР БАНКИ

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

_____ МВБТ НОМИ _____		_____ ЛОЙИҲА НОМИ _____		
_____ ТИНГЛОВЧИНИНГ ИСМИ-ШАРИФИ _____		_____ ИМЗО _____		
ҚИСҚА МАЗМУНИ			БАЛЛ (МАХ)	
ТАШКИЛИЙ ҚИСМ				
Жадваллар учун (ҳар бир жадвал учун 5 баллгача)			25	
Ахборот модели учун (реал боғланганлигини кўрсатиш, тўғри ва тескари)			50	
Ўзувлар сони учун (ҳар бир жадвал учун 10 та ўзув, асосий жадвалда 50 та ўзув)			25	
СИЗ ТўПЛАГАН БАЛЛ			100	
АМАЛИЙ ҚИСМ				
Т.Р.	ОПЕРАТОР ТУРИ	СЎРОВ СОНИ (МИН)	ҚИСҚА МАЗМУНИ	БАЛЛ (МАХ)
АСОСИЙ ОПЕРАТОРЛАР				
1	INSERT INTO	3	турли типдаги ва бир нечта ўзувларни қўшиш	3
2	SELECT	5	чекланган сондаги ўзувлари чиқариш	3
3	DELETE	2	шарт орқали ўчириш, ҳаммасини ўчириш	2
4	UPDATE	3	турли типдаги ва бир нечта ўзувларни ҳамда ҳаммасини	2
АМАЛЛАР				
5	МАТЕМАТИК АМАЛЛАР	2	камида иккитаси бирга бўлсин	2
6	МУНОСАБАТ АМАЛЛАР	3	камида иккитаси бирга бўлсин	3
7	МАНТИҚИЙ АМАЛЛАР	2	камида иккитаси бирга бўлсин	2
8	АППАЛАШ	2		3
ОПЕРАТОРЛАР				
9	DISTINCT	2		1
10	WHERE	2		1
11	BETWEEN	2		2
12	IN	2		1
13	LIKE	4	фақат бошидан, охиридан, ихтиёрий жойдан	4
14	ISNULL	2	not билан ҳам	1
15	NOT	3	мураккаб амаллар билан	2
16	ORDER BY	2	ҳамма вариантлар учун	1
17	HAVING	2		2
СТАТИК ФУНКЦИЯЛАР				
18	MAX	1		1
19	MIN	1		1
20	COUNT	1		1
21	SUM	1		1
22	COUNT(*)	1		1
23	AVG	1		1
24	АППАЛАШ	3		4
ЎРДАМЧИ СЎРОВЛАР (SUBQUERY - ПОДЧИНЕННЫЕ ЗАПРОСЫ) БИЛАН ИШЛАШ				
25	ЎРДАМЧИ СЎРОВЛАР	3	камида 3 та статик функциялар, амаллар, операторлардан фойдаланг	2
26	IN	2		2

27	EXISTS	2		2
28	ANY	2		2
29	ALL	2		2
МАХСУС ОПЕРАТОРЛАР				
30	CAST	1		1
31	CONVERT	2		2
32	CASE	3		4
33	COALESCE	1		2
34	NULLIF	1		1
БОҒЛАНИШЛАР				
35	ОДДИЙ	2	барча вариантлар	2
36	INNER JOIN	2		2
37	LEFT OUTER JOIN	2		2
38	RIGHT OUTER JOIN	2		2
39	FULL OUTER JOIN	2	барча вариантлар	2
40	CROSS JOIN	2		2
41	UNION	2		3
ЁЗУВ ФУНКЦИЯЛАРИ				
42	FIRST	1		1
43	UCASE	1		1
44	LCASE	1		
45	UPPER	1		
46	LOWER	1		
47	LAST	1		1
48	MID	1		1
49	SUBSTRING	1		1
50	LEN	1		1
51	NOW	1		1
52	САРЛАВҲАНИ НОМЛАШ	1		2
53	FORMAT	1		1
MS ACCESS ДАН БОШҚА МВБТ ТИЗИМЛАРИ УЧУН				
54	COMMIT	2	камида иккита хар хил сўров	2
55	ROLLBACK	2	камида иккита хар хил сўров	2
56	COMMIT & ROLLBACK	2	камида иккита хар хил сўров	2
57	PROCEDURE	2	камида битта сўровли	2
58	QUERY WITH PROCEDURE	2	камида битта сўровли	2
ЖАМИ		107	СИЗ ТЎПЛАГАН БАЛЛ	100
ИЖОДИЙ ЁНДАШИШ				
Амалий машғулотлар жараёнида топшириқларни бажариб кўрсатиши				100
ЖАМИ БАЛЛ (сўз билан) МВ нинг ФАЙЛ НОМИ				

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги жами 110 та муаммога мос ҳолда МББ шакллантириш ва ишлаб чиқишда компиляция жараёнини мониторинг қилиш ҳар бир вариант билан бажариш йўллари аниқланг (индивидуал).
- Уларни амалиётда бажариш ва бошқариш имкониятларини кўрсатиб беринг (индивидуал ҳолда).

Амалий топшириқлар

1. Битта ёзув учтадан кўп блоклар билан боғланган бўлсин. Саралаш алгоритмлари билан ишлашни амалга оширинг. Унда куйтдагича маълумотлар берилган бўлсин (kangaroo, 17), (wallaby, 21), (emu, 1), (wombat, 13), (platypus, 3), (lion, 8), (warthog, 4), (zebra, 11), (meerkat, 6), (hyena, 9), (hornbill, 2), (baboon, 12).
2. Берилган SQL сўровни реляцион алгебрага ўтказишни бажаринг.

```
select T.branch name
```

```
from branch T, branch S
```

```
where T.assets > S.assets and S.branch city = "Brooklyn"
```

3. Ички такрорланишлар орқали куйидагиларни ёзинг.

```
branch(branch name, branch city, assets)
```

```
customer (customer name, customer street, customer city)
```

```
loan (loan number, branch name, amount)
```

```
borrower (customer name, loan number)
```

```
account (account number, branch name, balance)
```

```
depositor (customer name, account number)
```

1. Берилган МБси 10та кам бўлмаган амални бажарадиган транзакция яратинг.

2. Берилган МБсида кетма – кет амалга ошириладиган транзакция яратинг.

3. Берилган МБсида навбатма-навбат амалга ошириладиган транзакция яратинг.

4. Берилган МБсида топологик саралашга асоланган транзакцияни амалга оширишга транзакция яратинг.

5. Транзакция маълумотларини log файларга ёзилганлиги ҳақидаги маълумотларни изоҳланг.

VI. БЎЛИМ

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ
МАВЗУЛАРИ

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Ўзбекистон почта алоқаси ривожланиши асосий босқичлари.
2. Автомобил транспорти билан почтани ташиш ташкил этиш ва режалаштириш.
3. Темир йўл транспорти билан почтани ташиш
4. Ҳаво кемаларида почтани жўнатиш ва алмашиш.
5. Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиҳа иши) ни тайёрлаш.
6. Битирув иши (лойиҳа иши) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлаш.

VII. БҮЛІМ

ГЛОССАРИЙ

VI. ГЛОССАРИЙ

почта алоқаси: Почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш ва етказиб беришни (топширишни) таъминловчи техника ва транспорт воситаларининг ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуидан иборат алоқа тури.

адресат: Почта, курьерлик жўнатмаси, пул маблағларининг почта ўтказмаси, телеграф хабари ёки бошқа хабар йўлланган юридик ёки жисмоний шахс.

устувор почта жўнатмалари: Юқори тариф белгиланган, устувор тартибда ишлов бериладиган ва энг тезкор йўл билан ташиладиган (ҳаво ёки ерусти) жўнатмалар.

устувор бўлмаган почта жўнатмалари: Жўнатувчи арзон тариф танлаганда жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) учун узок муддат тахмин қилинадиган жўнатмалар.

почта алоқаси тармоғи: Почта алоқаси объектлари ва почта йўналишлари мажмуи.

почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари: Почта алоқаси хизматлари кўрсатувчи почта алоқаси операторлари, провайдерлари ва шу хизматлардан фойдаланувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи, почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тартибини, почта алоқаси операторлари, провайдерлари ҳамда фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ мажбуриятлари ва жавобгарлигини тартибга солувчи ҳужжат.

почта қоидалари: Почта, курьерлик жўнатмалари, шу жумладан, халқаро почта жўнатмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) тартибини белгиловчи ҳужжат.

почта алоқаси хизматлари: Почта алоқаси оператори ёки провайдерининг почта ва курьерлик хизматлари кўрсатиш бўйича фаолияти.

почта хизматлари: Почта алоқаси оператори ёки провайдерининг почта жўнатмаларини, шунингдек, пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) бўйича фаолияти.

курьерлик хизматлари: Почта алоқаси оператори ёки провайдерининг курьерлик жўнатмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) бўйича фаолияти.

универсал хизматлар: Фойдаланувчиларга Ўзбекистон Республикаси доирасида мақбул нархларда кўрсатиладиган ва белгиланган талабларга мос келадиган сифатдаги почта хизматлари.

почта алоқасининг асосий хизматлари: Почта алоқасининг почта, курьерлик жўнатмалари, шунингдек, пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) бўйича хизматлари.

қўшимча хизматлар: Почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан қўшимча ҳақ эвазига кўрсатиладиган, хизматлар.

почта алоқасининг миллий оператори: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан зиммасига Ўзбекистон Республикаси доирасида мажбурий равишда универсал хизматлар кўрсатиш вазифаси юклатилган почта алоқаси оператори.

почта алоқаси тайинланган оператори: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида почта алоқасини амалга ошириш ва Умумжаҳон почта иттифоқининг ҳужжатларидан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланган почта алоқаси оператори.

почта алоқаси оператори: Мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида почта алоқаси тармоғига эгалик қилувчи ва фаолиятнинг асосий тури сифатида почта алоқаси хизматлари кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс.

почта алоқаси провайдери: Фойдаланувчиларга почта алоқаси операторларининг тармоғи орқали почта, курьерлик хизматларини кўрсатувчи юридик шахс.

почта алоқаси хизматларидан фойдаланувчи (фойдаланувчи): Почта алоқаси хизматларининг истеъмолчиси бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

жўнатувчи: Почта, курьерлик жўнатмаси, шунингдек пул маблағларининг почта ўтказмасини жўнатиш учун топширувчи юридик ёки жисмоний шахс.

почта жўнатмалари: Манзили кўрсатилган ёзма хат-хабарлар, посылкалар ва тегишли ўровдаги босма нашрлар.

курьерлик жўнатмалари: Жўнатилиши қисқа муддатларда қўлдан-қўлга етказиб берилган (топширилган) ҳолда амалга ошириладиган почта варақчалари, хатлар, бандероллар, посылкалар, босма нашрлар.

почта манзили: Тегишли почта алоқаси объектининг почта индекси кўрсатилган фойдаланувчининг турар жойи.

почта индекси: Почта алоқаси объекти манзилининг шартли белгиси.

почта алмашинуви: Маълум вақт оралиғида қабул қилинган, ишлов берилган ва жўнатилиши белгиланган манзил бўйича етказилган (топширилган) почта, курьерлик жўнатмалари, шунингдек, пул маблағлари почта ўтказмаларининг миқдори.

чиқувчи почта алмашинуви: Жўнатилиши белгиланган манзил бўйича бўйича кейинчалик жўнатиш учун жўнатувчилардан қабул қилинган почта, курьерлик жўнатмалари, шунингдек, пул маблағларининг почта ўтказмаларидан иборат почта алмашинуви.

келувчи почта алмашинуви: Адресатларга етказиб бериш (топшириш) учун почта алоқаси объектларига келиб тушувчи почта, курьерлик жўнатмалари, шунингдек пул маблағларининг почта ўтказмаларидан иборат почта алмашинуви.

транзит почта алмашинуви: Почта алоқаси объектига бошқа почта алоқаси объектларидан ишлов бериш ва кейинчалик мўлжалланган жойга жўнатиш учун келиб тушган почта, курьерлик жўнатмалари, шунингдек, пул маблағларининг почта ўтказмаларидан иборат почта алмашинуви.

почта оқими: Маълум йўналишга жўнатиловчи почта, курьерлик жўнатмалари ва почта буюмларининг миқдори.

почта: Почта, курьерлик жўнатмалари ва почта буюмларининг мажмуи.

ёзма хат-хабарлар: Оддий, буюртма, қиймати эълон қилинган хатлар ва бандероллар, оддий, буюртма почта варақчалари ҳамда оддий, буюртма секограммалар, шунингдек, майда пакетлар.

ички ёзма хат-хабарлар: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жўнатиш ва адресатга етказиб бериш учун қабул қилинадиган ёзма хат-хабарлар.

халқаро ёзма хат-хабарлар: Ўзбекистон Республикаси доирасидан ташқарига жўнатиш учун қабул қилинадиган ва унинг ҳудудига хорижий давлатдан келадиган ёки транзит тарзда ўтадиган ёзма хат-хабарлар.

почта алоқаси хизматларига тариф: Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш учун махсус ваколатли орган, почта алоқаси оператори ёки провайдери томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда белгиланадиган тўлов миқдори.

универсал хизматларга тариф: Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган универсал хизматлар кўрсатиш учун тўлов миқдори

почта алоқаси воситалари: Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш учун фойдаланиладиган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, асбоб-ускуналар, техника ва транспорт воситалари, шунингдек, почта конвертлари, варақчалари ва таралар.

тезкор почта: Почта жўнатмаларини тезкор режимда жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) бўйича почта хизмати.

ички почта, курьерлик жўнатмаси: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жўнатиш ва адресатга етказиб бериш (топшириш) учун қабул қилинадиган почта, курьерлик жўнатмаси.

махаллий почта, курьерлик жўнатмаси: Бир шаҳар, қишлоқ жойларда эса, бир почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси) томонидан хизмат кўрсатиладиган ҳудуд доирасида жўнатиш ва адресатга етказиб бериш (топшириш) учун қабул қилинадиган ички почта, курьерлик жўнатмаси.

бошқа шаҳарга юбориладиган почта, курьерлик жўнатмаси: Бир шаҳар ташқарига, қишлоқ жойларида эса, бир почта алоқаси объекти (почта алоқаси боғламаси) томонидан хизмат кўрсатиладиган доирадан ташқарига жўнатиш ва адресатга етказиб бериш (топшириш) учун қабул қилинадиган ички почта, курьерлик жўнатмаси.

халқаро почта жўнатмаси: Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудуди доирасидан ташқарига почта алоқаси тайинланган оператори томонидан жўнатиладиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига почта алоқаси оператори манзилига келадиган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзда ўтадиган почта жўнатмаси.

халқаро курьерлик жўнатмаси: Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди доирасидан ташқарига почта алоқаси оператори ва провайдерлари томонидан жўнатиладиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига почта алоқаси оператори ва провайдерлари манзилига келадиган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзда ўтадиган курьерлик жўнатмаси.

пул маблағларининг халқаро почта ўтказмаси: Ўзбекистон Республикаси доирасидан ташқарига жўнатиладиган ва унинг ҳудудига бошқа давлатлардан келадиган пул маблағларининг почта ўтказмаси.

тезкор почта режимдаги халқаро почта жўнатмаси: Жўнатилиши ва етказиб берилиши (топширилиши) «EMS» тезкор почта тизими бўйича Умумжаҳон почта иттифоқининг ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган почта жўнатмаси.

почта жўнатмаларининг турлари: Фарқловчи белгилари бўлиб жўнатма жойланмаларининг хусусияти, ўлчами, оғирлиги ва ўров тури ҳисобланган почта жўнатмаларининг бир тури.

Изоҳ – Почта жўнатмалари хатлар, почта варақчалари, бандероллар, секо-граммалар, майда пакетлар, посилкалар, тегишли ўровдаги босма нашрлар, тезкор почта режимдаги почта жўнатмалари.

курьерлик жўнатмаларининг турлари: Фарқловчи белгилари бўлиб жўнатма жойланмаларининг хусусияти, ўлчами, оғирлиги ва ўров тури ҳисобланган курьерлик жўнатмаларининг бир тури.

Изоҳ – Курьерлик жўнатмалари почта варақчалари, хатлар, бандероллар, посилкалар, босма нашрларга бўлинади.

хат: Ўлчамлари, оғирлиги ва ўраш тартиби Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган, ичида ёзма хабар, ҳужжатлар бўлган почта, курьерлик жўнатмасининг тури.

почта варақчаси: Ўлчамлари Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган, очиқ ҳолда жўнатиладиган махсус бланкдаги почта, курьерлик жўнатмасининг тури.

бандерол: Ўлчамлари, оғирлиги ва ўраш тартиби Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган, босма нашрлар, иш қоғозлари ва бошқа буюмлар солинган ички почта, курьерлик жўнатмасининг тури.

посилка: Ўлчамлари, оғирлиги ва ўраш тартиби Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган, жўнатишга рухсат этилган саноат товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, маданий-маиший ва бошқа товарлар солинган почта, курьерлик жўнатмаси.

майда пакет: Жойланмаси, ўлчамлари, оғирлиги ва ўраш тартиби Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган, товарларнинг намуналари, катта бўлмаган предметлар солинган почта жўнатмаси тури.

секограмма: Кўзи ожизлар учун муассасалар томонидан почта алоқаси тармоғи орқали жўнатиладиган, кўзи ожизлар учун очиқ ҳолда бериладиган ёзма хат-хабарлар, босма нашрлар, кўзи ожизлар учун ёзув тизимининг белгиларига эга тамға, шунингдек кўзи ожизлар учун мўлжалланган овозли ёзувлар ва махсус қоғоз.

«М» белгили қоп: Бир жўнатувчи томонидан бир олувчига юбориладиган босма нашрлар (даврий нашрлар, китоблар ва ш.к.) солинган халқаро почта жўнатмаси тури (махсус қоп).

тегишли ўрамдаги босма нашр: Ўлчамлари, оғирлиги ва ўраш тартиби Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган, манзил тизими бўйича экспедиция қилинадиган босма нашрлар (газеталар, журналлар) жойланган почта жўнатмасининг тури.

почта жўнатмаси тоифалари, пул маблағларининг почта ўтказмалари: Почта жўнатмаси, пул маблағларининг почта ўтказмаларини қабул қилиш, ишлов бериш, ташиш ва етказиб бериш (топшириш) тартиби ва шартларини белгиловчи белгилар жами.

Изоҳлар:

1 Почта жўнатмаларининг оддий, буюртма, қиймати эълон қилинган, одатдаги тоифалари мавжуд.

2 Пул маблағлари почта ўтказмаларининг қуйидаги тоифалари мавжуд: почта, тезкор (электрон), гибрид».

оддий почта жўнатмаси: Жўнатувчига қвитанция берилмасдан қабул қилинадиган, илова хужжатларига қўшимча ёзувлар ёзилмасдан жўнатиладиган ва адресатга тилхатсиз топшириладиган почта жўнатмаси.

буюртма почта жўнатмасы: Жўнатувчига квитанция бериб жойланминг қиймати баҳоланмасдан қабул қилинадиган ва адресатга тилхат билан топшириладиган почта жўнатмасы (хат, почта варақчаси, бандерол, секограмма, майда пакет ва «М» белгили қоп).

рўйхатга олинадиган почта, курьерлик жўнатмасы: Жўнатувчига квитанция бериш билан қабул қилинадиган ва адресатга тилхат билан етказиб бериладиган (топшириладиган) почта, курьерлик жўнатмасы.

қиймати эълон қилинган жўнатмалар: Жўнатилаётганда жойланма қиймати фойдаланувчи томонидан эълон қилинган почта жўнатмалари.

қиймати эълон қилинган хат: Қиймати жўнатилаётганда фойдаланувчи томонидан эълон қилинган предметлар ва ҳужжатлар жўнатиладиган почта жўнатмасы.

қиймати эълон қилинган бандерол: Қиймати жўнатилаётганда фойдаланувчи томонидан эълон қилинган босма нашрлар, маданий-маиший ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган предметлар жўнатиладиган почта жўнатмасы.

одатдаги посилка: Жўнатувчига квитанция бериш билан жойланма қийматини баҳоланмасдан қабул қилинадиган ва адресатга тилхат билан топшириладиган посилка.

қиймати эълон қилинган посилка: Жойланма қиймати жўнатилаётганда фойдаланувчи томонидан эълон қилинган посилка.

мўрт посилка:

Алоҳида эҳтиёткорликни талаб қилувчи тез синадиган предметларни ўз ичига олган посилка.

катта посилка: Ўлчамлари Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган чегаралардан ортиқ бўлган ва ўз шакли ёки тузилишига кўра бошқа посилкалар билан бирга осон юклаб бўлмайдиган ёки алоҳида эҳтиёткорликни талаб қиладиган посилка.

почта авиажўнатмасы: Ҳаво транспорти орқали жўнатиладиган (барча йўлларда ёки унинг айрим участкаларида) почта жўнатмасы.

«Ўз қўлига топширилсин» белгили почта жўнатмасы: Жўнатувчи топшираётганда почта алоқаси оператори ёки провайдерига шахсан адресатга топшириш топшириғини берадиган, рўйхатга олинадиган почта жўнатмасы.

«Шахсан қўлига топширилсин» белгили почта жўнатмасы: Почта алоқаси объектидан адресатга курьер томонидан етказиб берилиши амалга ошириладиган халқаро почта жўнатмасы

почта жўнатмасы туркуми: Почта жўнатмасининг, жўнатувчилар ёки адресатларнинг маълум гуруҳга тегишли эканлигини кўрсатадиган ажратувчи белги.

«HUKUMATGA OID» белгили почта жўнатмаси: Почта алоқаси хизматларидан фойдаланганда афзалликлар тақдим этиладиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатда кўрсатилган алоҳида тоифадаги фойдаланувчилар томонидан жўна-тиладиган почта жўнатмаси.

хизматга оид почта жўнатмаси: Умумжаҳон почта иттифоқи аъзо-мамлакатлари ва уларнинг муассасалари, почта алоқасининг миллий оператори (почта алоқасининг ҳудудий (вилоят) ташкилотлари ва уларнинг таркибий бўлинмалари) томонидан почта йиғимларини ундирмасдан жўнатиладиган почта жўнатмаси.

почта тўловининг давлат белгилари: Почта маркалари ҳамда франкирлаш машиналарининг почта жўнатмаларига почта алоқаси хизматлари ҳақи тўланганлигини тасдиқлаш учун тушириладиган тамғаси.

почта маркаси: Бадиий тасвирга эга бўлган, номинал қиймати ва мамлакатини кўрсатган ҳолда, босма усулда тайёрланган почта тўловининг давлат белгиси.

почта алоқаси боғламаси: Почта йўналишларининг кесишган ёки туташган пунктида жойлашган, бириктирилган ҳудудда почта ва курьерлик жўнатмалари, пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш), почтага ишлов бериш ва унинг алмашинуви бўйича ўзаро боғлиқ вазифалар бажарилишини таъминловчи почта алоқаси объекти.

туман почта алоқаси боғламаси: Туман марказларида ташкил этиладиган почта алоқаси боғламаси.

шаҳар почта алоқаси боғламаси: Шаҳарларда ташкил этиладиган почта алоқаси боғламаси.

почта йўналиши: Почта Транспортининг, почта алоқаси объектлари ўртасидаги, белгиланган тартибда тасдиқланган ҳаракатланиш йўли.

магистрал почта йўналиши: Халқаро почтамтни почта алмашинув пунктлари, жумладан, халқаро почта алмашинув пунктлари билан боғловчи почта йўналиши.

вилоятчи почта йўналиши: Вилоят почта алмашинув пунктини вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси)нинг туманлараро, туман, шаҳар почта алоқаси боғламалари билан боғловчи почта йўналиши.

туманичи почта йўналиши: Битта туман почта алоқаси объектларини боғловчи почта йўналиши.

шаҳар почта йўналиши: Бир шаҳарнинг почта алоқаси объектларини боғловчи почта йўналиши.

подъезд почта йўналиши: Почта алоқаси объекти (туман ёки шаҳар почта алоқаси боғламаси, почта алоқаси бўлими, почта алмашинув пункти)ни почта алмашинуви амалга ошириладиган темир йўл станцияси, аэропорт билан боғловчи почта йўналиши.

почта алоқасининг схемаси: Ўзбекистон Республикаси, вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси), туман ва/ёки шаҳар почта алоқаси тармоғи жойлашувининг схемали кўриниши.

Изоҳ – Почта алоқаси схемаларида почта алоқаси объектларининг жойлашуви, почта йўналишларининг узунлиги, транспорт турлари кўрсатилади.

почта алмашинув пункти: Почта алоқаси объекти ва транспорт ўртасида почтани вақтинчалик сақлаш, ишлов бериш ва алмашиш мақсадида ташкил этилган почта алоқаси объекти.

почта алоқаси объектлари: Почта алоқаси операторларининг алоҳида бўлинмалари (почтамтлар, почта алоқаси боғламалари, бўлимлари, пунктлари, шунингдек, бошқа бўлинмалар.

почта алоқасининг ҳудудий (вилоят) ташкилоти: Почта алоқаси объектларига бириктирилган ҳудудда ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилувчи почта алоқаси операторининг ҳудудий таркибий бўлинмаси.

почтамт: Шаҳарнинг марказий қисмида жойлашган, унга бўйсунадиган почта алоқаси боғламалари ва/ёки бўлимларида раҳбарликни амалга оширадиган ҳамда почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш ҳамда етказиб бериш (топшириш)ни таъминлайдиган почта алоқаси объекти.

ҳалқаро почтамт: Халқаро почта алмашинуви жойи бўлиб ҳисобланган, халқаро почта, курьерлик жўнатмаларини жўнатиш, топшириш, почтани бириктирилган магистрал йўналишлар бўйича ташиш, транзит, чиқувчи ва келувчи почта алмашинувиغا ишлов бериш, шунингдек, фойдаланувчиларга почта алоқаси хизматларини тақдим этишни амалга оширувчи почта алоқаси миллий операторининг таркибий бўлинмаси.

почта алоқаси бўлими: Фойдаланувчиларга почта алоқаси хизматларини, бошқа турдаги хизматларни кўрсатувчи, почтага ишлов бериш ва унинг алмашинувини амалга оширувчи почта алоқаси объекти.

кўчма почта алоқаси бўлими: Стационар почта алоқаси объектлари мавжуд бўлмаган жойларда почта алоқаси хизматларини кўрсатиш учун, шунингдек, почтани ташиш учун почта транспортида ташкил этиладиган почта алоқаси бўлими.

мавсумий почта алоқаси бўлими: Йилнинг маълум даври давомида санатория-курорт, соғломлаштир иш ва бошқа мавсумий муассасаларга хизмат кўрсатиш учун ташкил этиладиган почта алоқаси бўлими.

почта қутиси: Почта алоқаси миллий операторининг манзили кўрсатилган оддий хатлар ва почта варақчаларини йиғиш учун мўлжалланган, белгиланган шакл ва ўлчамдаги қулфладиган махсус қутиси.

абонемент почта жавони: Почта алоқаси объектларида ўрнатиладиган қулфладиган қутичалардан иборат махсус жавон бўлиб, бу қутичалар ёзма

хат-хабарларни, даврий босма нашрларни, почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмалари келганлиги тўғрисидаги хабарномаларни олиш учун адресатлар томонидан муайян муддатга ижарага олинади.

абонент почта жавони: Кўп квартирали уйда, шунингдек, етказиб бериш участкасида ўрнатиладиган, ёзма хат-хабарларни, даврий босма нашрларни, почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмалари келганлиги тўғрисидаги хабарномаларни адресатларга етказиб бериш учун мўлжалланган қулфладиган қутичалардан иборат махсус жавон.

абонент почта қутиси: Адресатларга оддий почта жўнатмалари, даврий босма нашрлари, рўйхатга олинadиган почта, курьерлик жўнатмалари, пул маблағларининг почта ўтказмалари келганлиги тўғрисидаги хабарномаларни етказиб бериш учун мўлжалланган уй (квартира) киришига ўрнатилган қулфладиган махсус қути.

халқаро почта алмашинуви пункти: Бошқа давлатлар билан, бевосита халқаро почта алмашинувини амалга оширувчи почта алоқаси тайинланган операторининг пункти.

халқаро почта алмашинуви жойи: Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган, бошқа давлатлардан келадиган ва транзит тарзда жўнатиладиган халқаро почта, курьерлик жўнатмаларига ишлов бериш ва мўлжалланган жойига жўнатишни амалга оширувчи почта алоқаси тайинланган операторининг таркибий бўлинмаси.

назорат муддатлари: Почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмаларини қабул қилиш жойидаги почта алоқаси объектидан уларни топшириш ва етказиб бериш жойидаги почта алоқаси объектигача жўнатиш учун белгиланган энг кўп вақт оралиғи.

почта, курьерлик жўнатмаси жойланма қисмининг етишмаслиги: Кузатув ҳужжатида кўрсатилган почта, курьерлик жўнатмаларидаги предметлар микдорининг мавжуд бўлмаслиги.

почта алоқасининг ишлаб чиқариш жараёни: Почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) бўйича қатъий тартибга солинган ва ўзаро боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш операцияларининг мажмуини ташкил қилувчи ходимларнинг барча ҳаракатлари ва ишлаб чиқариш ускуналари жами.

жадвал: Ишлаб чиқариш операцияларининг бажарилиш вақти, жойи ва кетма-кетлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган жадвал.

Изоҳ – Жадваллар хатларни почта қутиларидан олиб кетишнинг бошланиш ва тугаш, почта алоқаси объектлари ичида почта, курьерлик жўнатмаларининг ўтиш вақти, жумладан, почта алмашинуви, почта йўналишлари бўйлаб почтани ташиш, почта, курьерлик жўнатмаларини уйга етказиб бериш ёки абонент қутиларига тақсимлаш вақтини белгилайди.

жадвал: Ишлаб чиқариш операцияларининг бажарилиш вақти, жойи ва кетма-кетлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган жадвал.

Изоҳ – Жадваллар хатларни почта қутиларидан олиб кетишнинг бошланиш ва тугаш, почта алоқаси объектлари ичида почта, курьерлик жўнатмаларининг ўтиш вақти, жумладан, почта алмашинуви, почта йўналишлари бўйлаб почтани ташиш, почта, курьерлик жўнатмаларини уйга етказиб бериш ёки абонент қутиларига тақсимлаш вақтини белгилайди.

почта, курьерлик жўнатмаларини жўнатиш: Почта, курьерлик жўнатмаларини қабул қилиш, ишлов бериш, ташиш бўйича операциялар мажмуи.

почта, курьерлик жўнатмаларини ёпиқ ҳолда жўнатиш: Почта, курьерлик жўнатмаларини почта тарасида жўнатиш.

почта, курьерлик жўнатмаларини очик ҳолда жўнатиш: Почта, курьерлик жўнатмаларини почта тарасига беркитмасдан жўнатиш.

почта, курьерлик жўнатмаларини расмийлаштириш: Почта жўнатмаларига тақвим штемпели ва штамплар изини тушириш ёки почта, курьерлик жўнатмасини қабул қилиш санаси, рақами, тоифаси ва туркумини белгилайдиган ёрликларни ёпиштириш ва штрихли почта идентификаторларни ёпиштириш, уларни жўнатиш усули ва шартларини, шунингдек, почта, курьерлик жўнатмаларини муҳрлашни ўз ичига олган ишлаб чиқариш операцияси.

почта, курьерлик жўнатмаларига ишлов бериш: Почта, курьерлик жўнатмаларини жўнатилиши белгиланган манзил бўйича ташиш ва етказиб бериш (топшириш)га тайёрлашни таъминловчи ишлаб чиқариш операциялари.

ёзма хат-хабарларни ажратиш: Ёзма хат-хабарларни турлари, тоифалари, туркумлари, ўлчамлари бўйича гуруҳлаш ва маҳаллий, бошқа шаҳарга юбориладиган ва халқаро хат-хабарлар гуруҳларига ажратишни ўз ичига олган ёзма хат-хабарларга дастлабки ишлов бериш.

ёзма хат-хабарларни ўнглаб қўйиш: Ёзма хат-хабарларни манзил кўрсатилган томони бўйича штемпел изини тушириш ва манзилни ўқиш учун қулай бўладиган ҳолатда танлаб олишни ўз ичига олган дастлабки ишлов бериш.

ёзма хат-хабарларга штемпеллаш: Почта маркаларининг ва/ёки ёзма хат-хабарларнинг жўнатилиши белгиланган манзилдаги почта алоқаси объектига келиб тушган санасини ҳисобдан чиқариш йўли билан қабул қилиш жойи ва санасини белгилаш мақсадида унга тақвим штемпели изини туширишни ўз ичига олган ёзма хат-хабарларга ишлов бериш.

почта, курьерлик жўнатмаларини, пул маблағларининг почта ўтказмалари бланklarини саралаш: Почта, курьерлик жўнатмаларига, пул маблағларининг почта ўтказмалари бланklarига манзил белгилари ва жўнатиш усуллари бўйича гуруҳлашни ўз ичига олган ишлов бериш бўйича ишлаб чиқариш операциялари.

почта, курьерлик жўнатмаларини, пул маблағларининг почта ўтказмалари бланklarини умумий саралаш: Почта, курьерлик жўнатмаларини, пул маблағларининг почта ўтказмалари бланklarини йириклаштирилган белгилар – йўналишлар бўйича гуруҳлашни ўз ичига олган саралаш.

почта, курьерлик жўнатмаларини, пул маблағларининг почта ўтказмалари бланklarини бирма-бир саралаш: Почта, курьерлик жўнатмаларини, пул маблағларининг почта ўтказмалари бланklarини вилоятлар, шаҳарлар ва жўнатилиши белгиланган манзилдаги почта алоқаси объектлари бўйича, шунингдек, почта йўналишлари бўйича гуруҳлашни ўз ичига олган саралаш.

марказлаштирилган ҳолда олиб кетиш: Шаҳар ҳудудида хатларни почта қутиларидан олиб кетиш ажратилган почта алоқаси объекти томонидан амалга ошириладиган ишлаб чиқариш операцияси.

марказлаштирилмаган ҳолда олиб кетиш: Хатларни почта қутиларидан олиб кетиш иккита ёки бир нечта почта алоқаси объекти (шаҳар почта алоқаси боғламалари ва/ёки бўлимлари) томонидан ўзларига бириктирилган ҳудудда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш операцияси.

жўнатма йиғиндис: Тоифалари, йўналиши бўйича гуруҳлаштирилган ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган хатлар, почта варақчалари, шунингдек пул маблағлари почта ўтказмалари бланklarининг боғлами.

жўнатма йиғиндисини бекитиш: Жўнатма йиғиндисиде жўнатиладиган жўнатма йиғиндилари учун ёрлиқлар, хатлар, почта варақчалари, пул маблағларининг почта ўтказмалари бланklarини тахлаш, ёзиб қўйиш, ёзиб бериш, шпагат билан боғлаш бўйича операциялар мажмуи.

почта буюмини бекитиш: Почта буюмида жўнатиладиган почта, курьерлик жўнатмаларини, пул маблағларининг почта ўтказмалари бланklarини ёзиб қўйиш, ўраш ва уларни белгиланган тартибда расмийлаштириш бўйича операциялар мажмуи.

почта, курьерлик жўнатмаси, пул маблағларининг почта ўтказмасини ёзиб қўйиш: Почта, курьерлик жўнатмаси ва пул маблағларининг почта ўтказмасини илова ҳужжатларига ёзишни ўз ичига

олган почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмасига ишлов бериш бўйича ишлаб чиқариш операцияси.

почта идиши (тараси): Почта, курьерлик жўнатмаларини жўнатиш учун қўлланиладиган махсус қоғозлар, контейнерлар.

почта конверти: Ёзма хабарни ўраш учун хизмат қиладиган, елимлаш учун клапанлари бўлган, белгиланган ўлчамлардаги тўғри бурчак шаклидаги қоғозли қоғоз.

суғурта қоғози: Белгиланган талабларга мувофиқ муҳрланган (пломбаланган), рўйхатга олинган почта жўнатмалари (қиймати эълон қилинган жўнатмалар, майда пакетлар, одатдаги посилкалар) жойланган махсус қоғоз.

почта буюми: Белгиланган тартибда ёпилган ҳамда расмийлаштирилган қоғоз ёки почта контейнери.

депеша: Бир вақтнинг ўзида бир мамлакатнинг халқаро почта алмашинув жойидан бошқа мамлакатнинг тегишли халқаро почта алмашинув жойига шакли Умумжаҳон почта иттифоқининг ҳужжатларида белгиланган ҳужжатлар илова қилинган ҳолда жўнатиладиган ёзма хат-хабарлар, қиймати эълон қилинган хатлар ёки посилкалар ёхуд почта буюмига беркитилмаган посилкалар тўплами жойланган битта ёки бир нечта қоғоз.

почта, курьерлик жўнатмаси, пул маблағларининг почта ўтказмасини қайта жўнатиш: Почта, курьерлик жўнатмаси, пул маблағларининг почта ўтказмасини аризага асосан янги манзил бўйича ёки етказиб беришга асосан почта алоқаси объектининг манзили бўйича йўллашдан иборат ишлаб чиқариш операцияси.

почтани номма-ном текшириш: Рўйхатга олинган ҳар бир почта, курьерлик жўнатмаси, пул маблағларининг почта ўтказмаси ва/ёки почта буюмининин илова ҳужжатларидаги ёзув билан белгиланган тартибда солиштириш.

почта жўнатмаларининин етказиб бериш: Почта жўнатмаларинин белгиланган жойдаги почта алоқаси объектдан абонент почта жавонининг ячейкасига ёки адресат яшаш жойи (турар жойи)нинг манзили бўйича абонент почта жавони ячейкасига (абонент почта кутубхонаси) жойинин ўзгартиришни ўз ичига олган ишлаб чиқариш операцияси.

курьерлик жўнатмаларинин етказиб бериш: Курьерлик жўнатмаларинин белгиланган жойдаги почта алоқаси объектдан адресат яшаш жойи (турар жойи)нинг манзили бўйича топшириш учун жойинин ўзгартиришни ўз ичига олган ишлаб чиқариш операцияси.

почта, курьерлик жўнатмаларинин топшириш: Почта, курьерлик жўнатмаларинин шахсан адресатнинг ўзига ёки унинг вакилига беришни ўз ичига олган ишлаб чиқариш операцияси.

етказиб бериш участкаси: Шаҳар, посёлка ёки қишлоқ тумани ҳудудининг битта почта бўғими томонидан хизмат кўрсатилиши мўлжалланган қисми.

номли буюм: Хужжатлар, почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмалари бланкларига почта алоқаси объекти номи, почта вағони йўналиши, почта, курьерлик жўнатмаси, пул маблағларининг почта ўтказмаси ва бошқа ахборотни қабул қилиш ҳамда келиб тушган санасини кўрсатган ҳолда из тушириш учун мослама (штамп).

почта тақвим штемпели: Почта маркаларини ҳисобдан чиқариш ва/ёки почта, курьерлик жўнатмалари, пул маблағларининг почта ўтказмалари бланклари ва/ёки илова хужжатлари, квитанцияларга почта алоқасининг тегишли объекти номи, почта вағони йўналиши, санани тушириш учун мўлжалланган махсус тақвим штемпел.

суғурта муҳри: Қиймати эълон қилинган хатлар ва қиймати эълон қилинган бандероллар, посылкалар, суғурта қоплари, брезент сумкалар, контейнерлар, шунингдек, қимматбаҳо буюмлар сақланадиган жойларни сурғуч билан муҳрлаш учун мўлжалланган махсус муҳр.

пломбир пуансони: Почта буюмлари, почта, курьерлик жўнатмалари ва шунингдек қимматбаҳо бойликлар сақланадиган омборхоналар ва магистрал почта йўналишлари бўйича почтани ташийдиган почта автомашиналарининг кузовлари пломбаланадиган почта алоқаси объекти номининг изини пластмасса ёки қўрғошин пломбирларга тушириш учун мўлжалланган махсус курилма.

почта алоқаси объектларининг ускунаси: Почта, курьерлик жўнатмаларини ва пул маблағларининг почта ўтказмаларини қабул қилиш, уларга ишлов бериш бўйича ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун мўлжалланган ускуна.

Изоҳ – Почта алоқаси объектлари ускуналари почтага ишлов берувчи, кўтарма-транспорт ва ёрдамчи ускуна, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатувчи ускуна, кичик механизациялаштириш воситалари, ишлаб чиқариш мебеллари, почта мулки каби турларига бўлинади.

почтага ишлов берувчи ускуна: Почта, курьерлик жўнатмаларига ишлов бериш бўйича асосий ишлаб чиқариш операцияларини механизациялаш ва автоматлаштириш учун мўлжалланган почта алоқаси объектларининг ускунаси.

Изоҳ – Почтага ишлов берувчи ускунага штемпел изини туширувчи, боғламларни ўраб боғловчи ва қопларни тикувчи машиналар, хатлар, почта варақчалари, бандеролларни ажратиш, ўнглаб қўйиш, штемпеллаш ва саралаш бўйича машиналар мажмуи, жўнатмалар йиғиндисини шакллантириш мажмуи, посылкаларни сараловчи мажмуи ва х. кирази.

почта транспорти йўналиши: Почта ташиладиган темир йўл, автотракт участкаси.

почта йўналиши режаси: Почта йўналишининг турли йўллари мавжуд бўлганда, почтани жўнатиш ва ўтишининг оптимал тартибини белгилайдиган хужжат.

почта алмашинуви: Транспорт ёрдамида почта алоқаси объектлари ва почта алоқаси объекти ходимлари ва транспорт ўртасидаги почтани қабул қилиш-топшириш жараёни.

Изоҳ – Почта фақат қабул қилиниши ёки фақат топширилиши амалга оширилса, бунда алмашув фақат бир томонлама ҳисобланади.

почта алмаштирилмаганлиги: Почта алмашинувининг амалга ошмаганлик далили.

почта вагони: Поезд ҳаракатланаётган йўлда почтани ташиш, ишлов бериш ва алмашиш учун мўлжалланган махсус конструкциядаги темир йўл вагони.

почта, курьерлик жўнатмалари назорати: Почта, курьерлик жўнатмаларини уларда хавфли почта, курьерлик жўнатмаларини аниқлаш мақсадида визуал кўрикдан ўтказиш ва техник назорат воситаларини қўллаш орқали текшириш.

техник назорат қилиш воситалари: Хавфли почта, курьерлик жўнатмаларини аниқлаш учун қўлланиладиган махсус техника (металлодетекторлар, рентген техникаси, дозиметрлар, газ анализаторлари ва бошқалар).

VIII. БЎЛИМ

АДАБИЁТЛАР
РЎЙХАТИ

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1 Ўзбекистон Республикаси 22.04.2009 й. ЎРҚ-211-сон "Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақидаги» Қонун билан тасдиқланган «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонуннинг (янги таҳрирда). Тошкент, Ўзбекистон, 2009 й..

2 Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги 815-І-сонли «Табийий монополиялар тўғрисида»ги Қонуни .

3 Умумжаҳон почта иттифоқи хужжатлари (Доха, 2012 й.).

4 Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги 71-II-сонли «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуни.

5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 апрелдаги 87-сонли “Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори.

6 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 12 декабрдаги 327-сонли “Умумжаҳон почта иттифоқининг хужжатларига мувофиқ почта алоқасини амалга ошириш мақсадида тайинланган операторни белгилаш тўғрисида”ги Қарори.

7 Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари (ЎзААА бош директорининг 2011 йил 22 февралдаги 1-ю-сон буйруқ билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 18 апрелда 2219-рақам билан рўйхатга олинган).